


Уш 2  
4  
М-В

75 807

me

М. М. МИРТОЖИЕВ

Ўзбек тили  
фонетикаси



85.2  
4-8  
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ  
VAZIRLIGI

SHIRKO ULUG'BEK I. OMIDAGI Toshkent Davlat Universiteti

M.M. MIRTOJIEV

ЎЗБЕК ТИЛИ ФОНЕТИКАСИ  
(Ўқув қўлланмаси, 2-тўлд. нашри)

O'zbek filologiyasi  
fakulteti  
KUTUBXONASI

Toshkent  
«Universitet»  
1998

7989


ALISHER NAVOIY OMIDAGI  
ToshDO'TAU  
AXBOROT-RESURS MARKAZI

Уқув қўлланмада узбек тили фонетикасининг нутқ товушлари ва уларнинг узгариши, бугинлар, ургуллар ва интонация бақсини тавсиф этилади. Унда фонетиканинг бошича фанлар билан алоқасини ҳисобда тутиб мослаштирили ва қўшғина ҳодисаларни экспериментал фонетика натижалари асосида ёритил учун ҳаракат қилинган.

Уқув қўлланма университетларнинг узбек филологияси факультетларида мулжалланади.

Масъул муҳаррир: Ё.ТОШИЕВ

Таъризчилар: Н.М.МАХМУДОВ, Қ.СОДИҚОВ



© "Университет" нәшриёти, 1998



## Ф О Н Е Т И К А

Фонетика тилшуносликнинг нутқ товушлари, уларнинг ҳосил бўлиши, типлари, ўзгариши ҳақидаги; бўғинлар, уларнинг тузилиши, типлари, структураси ҳақидаги; ургу, ургу типлари ва интонация ҳақидаги тармоғидир. Унда товушлар ҳақида фикр юритилар экан, бу ҳар қандай товуш эмас, балки инсон товуши, иносои нутқини таркиб топтирувчи товуш ҳақида боради.

Фонетиканинг объекти товуш бўлганлиги учун ҳам у физика билан алоқадордир. Чунки физиканинг акустика билан шуғулланувчи тармоғи бўлиб, унинг объекти товуш ҳисобланади. Лекин фонетика тор доирада инсон товушининггина ўрганлади. Бу жиҳатдан у физиологияга яқин туради. Товушлар талаффузи нутқ органлари артикуляцияси бўлиб, у нафас органлари ва нутқ аппаратининг ҳаракати билан юзага келади. Унинг эшитиш органига таъсири ва бу сигналлар орқали маъно, маънолар синтези орқали эса маъмун ёдрои этилиши бош мия физиологиясидир. Фонетиканинг анценгуация ва интонация билан шуғулланувчи тармоқлари эса субъектив муносабатларни реаллаштирувчи ҳиссиёт билан боғлиқ кечимлар ҳисобланади. Бу психоллингвистика объекти ҳисобланади. Фонетиканинг силлабика ва интонация билан шуғулланувчи тармоқлари эса бадиий адабиёт билан алоқадордир. Шеърнинг вази ва туролари тилнинг фонетик имкониятлари доирасида шаклланади. Муоикашунослиқда ҳам тил фонетикаси ҳисобга олинмаган ҳолда тадқиқ этилиши мумкин эмас.

Фонетика нутқнинг материал томони бўлгани учун ҳам, у тилнинг кўпгина миллий хусусиятини ўзида акс эттиради. Тилнинг бойлиги, грамматикаси, ҳатто, хусусияти ҳам ундан узилган ҳолда ўрганилмайди. Унинг ўзини ҳам тилнинг шу тармоқларини эътиборда тутган ҳолда тадқиқ этилади.

Фонетика бир неча нуқтаи назарда ўрганилади. Шу нуқтаи назарларга кўра у йўналишларга бўлинади.

1. Умумий фонетика. Бунда дунёдаги барча тиллар учун умумий бўлган фонетик ҳодисалар ва қонуниятлар ҳақида маълумот берилди.

2. Қиёсий фонетика. Бунда қардош тиллар учун умумий бўлган фонетик ҳодисалар ва қонуниятлар ҳақида маълумот келтирилиб, кўпим товушларнинг тилдаги ҳолатлари, кўлланиш миқдорлари ва тиллардаги ўзига хослиги қиёс қилинади.

3. Тавсифий фонетика. Бунда тил фонетикаси асосан синхроник планда ёритилади. Нутқ товушлари, уларнинг хусусияти ва характери қайд этилади. Фонетиканинг яна силлабика, акцентуация, интонация ва товуш ўзгариши вакил тармоқлари, уларнинг қонуниятлари ҳақида маълумотлар бериллади.

4. Тарихий фонетика. Бунда нутқ товушлари тараққиёти, ўзгариши, урчиши билан боғлиқ ҳодисалар, қонуниятлар бериллади. Тилга хос силлабика ва акцентуация тараққиёти ҳам тарихий ёдгорликлар асосида ёритилади.

5. Экспериментал фонетика. Бунда нутқ товушлари артикуляциясидаги ҳаво тебраниши, тебраниш миқдори, сарфланган куч, кетган вақт ва обертон қандай юзага чиқиши кабилар маълум техник аппаратлар воситасида аниқланиб, шу асосда айрим фонетик қонуниятлар асосланади. Шунингдек, бўғин, урғу, интонацион хусусиятлар ҳам аниқланади.

Фонетиканинг бу йўналишлари бири иккинчисига аралаштирилмаган ҳолда алоҳида-алоҳида тадқиқ этилмайди ва баён қилинмайди. Масалан, қиёсий фонетика тавсифий фонетика материаллари асосида шакллантирилиб, умумий фонетикада улардаги материаллар умумлаштирилади. Тавсифий фонетикада умумий ва қиёсий фонетикага асосланган ҳолда экспериментал фонетика материалларидан фойдаланиб бориллади.

Қўлингиздаги фонетика эса тавсифий фонетика ҳисобланади. У, юқорида айтганимиздай, нутқнинг турли сатҳидаги товуш ва унинг табиати билан боғлиқ ҳодисалар ва қонуниятлар ҳақида тавсиф беради. Шунинг учун қуйида нутқнинг фонетик жиҳатдан турли сатҳларга бўлинишини кўрайлик. Бунда, албатта, соф фонетик бўлиниш назарда тутилади.

1. Фраза нутқнинг ягона интонацияга эга, ўзаро тўла пауза (тин) билан ажралувчи қисмидир. Унда нутқнинг шу қисми бир логик (мантаний) урғу ва эъфатик (ҳиссий) урғуга марказли шими, тезлик ва товуш кучининг ўзига хос система ҳосил қилиб ажралиб туриши ҳам назарда тутилади. Шу жиҳати билан у гапга тенг келади. Аммо боғловчисиз боғланган қўшма гапларнинг қисмлари эса алоҳида-алоҳида фраза ҳисобланади.

2. Такт нутқнинг ўзаро қисқа пауза билан ажралувчи ҳар бир бўлагидир. Бунда ян. пауза олдидаги сўз лексик урғусининг бошқе сўзлар лексик урғусидан қўзқ ва пастлиги назарда тутилади.

3. Суз нутқнинг ўз лексик урғусига эга ҳар бир бўлагидир.

4. Бўғин нутқнинг бир нафас тўлқинида айтилган ҳар бир бўлагидир.

5. Товуш нутқнинг маълум бир артикуляция кечимда қайд этилган бўлагидир.

Нутқнинг фонетик бўлинигида энг кичик бўлак деб фонемани қайд этиш ноўриндир. Чунки фонетика учун нутқнинг товуш томони объект ҳисобланади. Фонема эса тилнинг энг кичик бирлигидир.

Тавсифий фонетика нутқнинг кўридаги фонетик сатҳларига асосланган ҳолда ўз тармоқларини ташкил этади. Унинг тармоқлари нутқнинг шу сатҳларида сегмент (қюм) ҳолда ҳам, суперсегмент (устама) ҳолда ҳам кузатилади.

Тавсифий фонетиканинг нутқ товушлари, селлабика ва нутқ товушларининг ўзгариши каби тармоқлари сегмент (қюм) ҳодисалар бўлиб, унинг акцентуация ва интонация каби тармоқлари суперсегмент (устама) ҳодисалардир. Унинг ҳар бир тармоғи ва табиати ҳақида эса алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтмиз.

#### НУТҚ ТОВУШЛАРИ

#### НУТҚ ТОВУШЛАРИ АСОСЛАРИ

Инсон товушининг икки асоси бор: 1) акустик асос, 2) биологик асос. Баъзи адабиётларда яна лингвистик асос ҳақида ҳам гап боради. Бунда эса товушининг нутқдаги вазифа томони назарда тутилган. Бироқ товуш нутқда вазифа бажармайди, балки нутқ мазмунининг энг кичик бўлаги бўлган фонеманинг шакли ҳисобланади.

#### Нутқ товушининг акустик асоси

Нутқ товушлари акустикага асосланади. Акустикада уч кечим бўлади: 1) икки жисмнинг ўзаро урилиши; 2) натижада ҳавода тебраниш ҳосил бўлиши; 3) унинг эшитиш органига таъсири. Бу кечимлар физик акустикага хос бўлиб, биоакустиканинг биринчи кечими ўпқадан келган ҳаво оқимининг нутқ органига урилишидир ва қолган кечимлари физик акустика билан бир хилдир. Биоакустика нутқ товуши ҳисобланади. Нутқ товуши бир неча хусусиятга эга: 1) товуш баландлиги; 2) товуш кучи; 3) товуш чўзиқлиги; 4) товуш сифати.

Товуш баландлиги ўпқадан келган ҳавонинг нутқ органига урилиши натижасида ҳосил бўлган тебранишнинг секундлик миқдорига

боғлиқ бўлади. Ҳавонинг секундлик тебраниш миқдори қанча кўп бўлса, юзага келган товуш шунча баланд чиқади ва аксинча.

Одатда товуш ҳосил бўлиш кечимидаги ҳаво тебраниши гц (герц) билан ўлчанади. Бир гц. товуш пайининг берилган зарбдан бир силкиниб қайтиши бўлиб, бу силкиниш ҳавонинг бир тебранишида акс этади. Инсон 16 гц.дан 30 минг гц. гача товушни эшитиш қобилиятига эга. Ундан ортиқ гц.ли товушлар ультратовуш бўлиб, уни инсон эшита олмайди. Инсон оддий сўзлашувда 100 гц.дан 400 гц.гача баландликдаги товушни қўллади. Инсоннинг энг паст товуши бас деб аталиб, 40 гц.га, энг баланд товуши сапрано деб аталиб 1700 гц.га эга бўлади.

Товуш пайларининг кўп ёки кам миқдорда тебраниши товуш пайларидаги имкониятга боғлиқдир. Товуш пайлари юққа бўлса, кўп тебраниш имкониятига эга бўлади. Унинг қалинлиги шу имкониятни чегаралайди. Одатда болалар ва аёлларнинг товуш пайлари юққа бўлиб, эркакларнинг товуш пайлари раста ёшидан қалинлашади. Шунинг учун эркакларнинг товуши йўғон ва паст, аёл ва болаларнинг товуши ингичка ва баланд эшитилади.

Товуш кучи нутқ органига ҳавонинг берган зарби билан ўлчанади. Аммо товуш кучи товуш баландлиги эмас. Кучли товуш паст бўлиши ҳам мумкин. Товуш кучи зарбдан ҳосил бўлган тебранишнинг ҳар бир силкинишдаги зарб йўналиши бўйича бориб қайтган оралиги билан белгиланади. Уни физиклар тилида тебраниш амплитудаси дейилади. Тебраниш амплитудаси децибэл билан ўлчанади. Урғу тулган бугин ундисиди унинг бал юқори бўлади.

Товуш чўзиқлиги Упқадан келган ҳавонинг нутқ органига урилиш давомийлиги билан ўлчанади. Яъни у товушга кетган вақт билан боғлиқ бўлади. Уни бир неча омиллар белгилайди. Нутқ тезлиги ортиқ бўлса, ундаги товушлар чўзиқлиги анча кам кечади. Урғули бугинлар товуши бoshқа бугинлар товушига нисбатан чўзиқроқ бўлади. Сузлардаги тоқ бугинлар мутлақо урғусиз булгани учун ҳ.сқа, кўпинча редукцияга учраган (кучсизланган) холда қайд этилади. Товуш чўзиқлиги уларнинг артикуляция усули билан ҳам боғлиқдир. Одатда, портловчи товуш оний, сирғадувчи чўзиқроқ, сонор ва унд тар нисбатан энг чўзиқ товушлар ҳисобланади.

Товушлар чўзиқлиги м/сек (миллий секунд – секунднинг мингдан бир бўлаги) бирлиги билан ўлчанади.

Товуш теброн (сифати) қатор товуш теброн хусусияти билан ўл-


чанади. Товуш тонлари асосий тон, ёрдамчи тон, шогкиндан иборат. Асосий тон товуш пайининг тебраниши ва унинг ҳавога кўчишидан иборатдир. Ёрдамчи тон обертон ва резонатор тон (акс садо) қисмларига бўлинади. Обертон (парциал тон ҳам дейилади) товуш пайларининг маълум қисмлари тебраниши ва унинг ҳавога асосий тон тебраниши билан бирга кўчишидир. Асосий тон билан бирга обертон киши товушини, яъни унини ҳосил қилиб, шунингдек, товушнинг айрим шахсга хослигини шакллантиради. Резонатор тон эса асосий ва обертоннинг халқум, оғиз, журун деворларига урилиб қайтганидаги тебранишдан юзага келади. У, айниқса сонантлар шаклланишида ҳал қилувчи роль ўйнайди. Резонатор тон амулачилар фаолиятида муҳим аҳамиятга эга. Хонақо, хона, мачит, черков қабила қурилишида ҳам, уларнинг резонатор тон ҳосил қилиши ҳисобга олинади. У оғозни жарангдор, ёқимли ва юқори частотали қилиб беради. Шовқин товуш пайлари иштирокисиз башқа нутқ органларида, ҳаво уларга урилиши натижасида ҳосил бўлади.

#### Нутқ товушининг биологик асоси

Нутқ товушининг биологик асоси нутқ органлари анатомияси, физиологияси ва ижро қадими қабиладан иборатдир.

Нутқ органлари анатомияси - нутқ органлари шакли ва тuzилиши ҳақидаги тасвир - билим. Нутқ органлари асосан тўртга бўлиб ўрганилади: нафас етказувчи органлар, товуш ҳосил қилувчи органлар, товушни шакллантирувчи органлар, қўшимча тон берувчи орган.

Нафас етказувчи органлар асосан трахея, бронхлар, упка ва қўшимча ҳолда кўкрак қафаси (уни ташкил қилган қовурға, қовурға мускуллари), плевра (парда), диафрагмалардан иборат. Трахея 16-20 тоғай қалқаларнинг устма=уст қойлаштириб бириктирилгани ҳолатидаги найта ўхшаш нафас йули бўлиб, ичи эпителий (шилимшиқ) қатлами билан қопланган. Бронхлар иккита бўлиб, худди трахеяга ўхшаш, унинг





паст томонидаги ўтмас бурчак билан тармоқланган шоччасига ўхшайди. Чап бронх 6-8, ўнг бронх 9-12 тоғай ҳалқачадан иборат. Чап бронх иккига, ўнг бронх учга ва улар яна майда тармоқларга бўлинган, охири бронхиолларга туташган. Ўпка ўнг ва чап қисмлардан иборат бўлиб, ўнг қисми уч ва чап қисми икки бўлақдир. Булар жуда кўп миқдордаги ольвеоллардан иборат. Ҳар бир ольвеолга бир бронхиол, биттадан артериал ва вена томири капилляр толаси киради. Ўпка қовурғалар ўраб турган кўкрак қафаси ичига жойлашган. Қовурғалар мускуллар воситасида ўзаро туташган, эластик характерда. Кўкрак қафасидаги ўпка плевра билан уралган бўлади. Диафрагма кўкрак қафаси билан қорин бўшлигини иккига ажратиб туради.

Товуш ҳосил қилувчи органлар ҳиқилдоқ деб аталиб, у устма=уст жойлашган узуксимон, қалқонсимон, чўмичсимон ва шунингдек, понасимон, шохсимон тоғайлардан иборат найсимон кўринишга эга. Улар ўзаро пай ва мускуллар билан бириккан бўлади. Унинг энг юқориси - тилнинг орқасида япроқсимон тоғай жойлашган. Ҳиқилдоқ узуксимон тоғай орқали трахеяга туташган. Қалқонсимон тоғайнинг орқа томондаги туташмаган икки ёни оралиғида бир жуфт чўмичсимон тоғай жойлашган. Ҳиқилдоқнинг ички ўрта қисмида икки устма=уст бурма бўлиб, улар оралиғи ҳиқилдоқ қоринчасидан иборат. Бурмаларнинг пасткиси товуш бурмаси, усткиси сохта бурма дейилади. Ҳиқилдоқ пай шу бурмалардан юқори ва пастга конуссимон ҳолда кенгайиб боради. Тovuш бурмаси икки булақдан иборат, ҳиқилдоқнинг икки ёни деворидан бўртган бўлади. Унинг қирралари буйлаб пай қатламлари тортилиб, уни товуш пайдари дейилади. Тovuш пайларининг бир учи узуксимон тоғай учига, иккинчи учи чўмичсимон тоғай учига бириккан. Ҳиқилдоқдаги икки ёни пайларнинг оралиғи эса товуш ёриғидир. Буларнинг ҳаммаси бўғиз олмаси орқасига жойлашган. Кўрдиқка, товуш пайлари нафас йўлининг энг тор ўрни ҳисобланади.

Ҳиқилдоқнинг ички юзаси трахеядагига ўхшаш эпителий қатлами билан қопланган. Бу қатлам юзаси эса майда туклардан иборат бўлиб, улар юқорига ётқизилгандир.

Товушни шакллантирувчи органлар асосан ҳалқум ва оғиз бўшлиғидаги органлардан иборатдир. Ҳалқум девори юзаси эпителий қатламидан иборат бўшлиқ бўлиб, уч қисмга бўлинади. Пастки қисми ҳалқумнинг ҳиқилдоқ қисми дейилиб, унга ҳиқилдоқ ва қизилунгач туташади. Уртаси ҳалқумнинг оғиз қисми бўлиб, оғиз бўшлиғига очилган. Юқориси эса ҳиқилдоқнинг бурун қисми ҳисобланиб, унда

хоана бор. Улар бурун бўшлиғи ва эшитув найларига бирикади. Оғиз бўшлиғи олд томонда лаблар, ёни лунжлар, тепаси қаттиқ ва юмшоқ танглай ости тил ости мускули билан чегараланади. У орқа томонида томоқ орқали ҳалқумга туташади. Оғизнинг олд ва ён томонини тақа шаклида тишлар қоплаб, улар тепа ва пастда ўзаро қарама-қарши ўрнашган. Тишларнинг олд қисмидагилари курак, улар ёнидагилари қоziқ, лунждагилари жағ тишлари бўлади. Оғиз бўшлиғи томоқ орқали ҳалқумга очигар экан, унинг тепасида юмшоқ танглайнинг ўсимтасига ўхшаш кичик тил осилиб туради. Тил икки қисмдан иборат: тил илдизи ва тил танаси. Тил илдизи: тил учли мускули, тил остки мускули, бақбақа=тил мускули, тил=торғай мускули каби-лардан таркиб топган. Тил танаси эса *бўй-лама* устки мускул, *бўйлама* остки мускул, *энлама* мускул, *вертикал* мускуллардан иборат. Тил ўтмас учли бўлиб, шу учидан тил илдизининг охиригача тил ўртасидан тепаси бўйлаб тил эгати ўтади. Тил ўз эгатига мувофиқ ҳолда тил девори билан бўйига иккига бўлинади. Шунинг учун унинг саккиз мускули саккиз жуфт тутам ҳолида шаклланган. Тил илдизининг тугаш жойи билан ҳалқумнинг орқа девори оралиғи *бўғиз* ҳисобланади.

Қўшимча тон берувчи орган бурун бўшлиғи ҳисобланади. Бурун бўшлиғи бурун катаги орқали ташқарига очилади ва орқада хоаналар орқали ҳалқумга қўшилади. У бурун катагидан бошланувчи бурун девори билан ҳамқумгача иккига бўлинган. Ҳар бир қисми чиганоқлар воситасида уч каналга ажралади. Яъни бурун бўшлиғи олти каналчадан иборат.

Нутқ органлари физиологияси нутқ органларининг ҳаётий кечим-лари, муҳит билан бўладиган муносабатларидир. Унинг киши органлари ичида ўзига хос физиологияси бўлиб, буни асосан бош мия пўстлиғи бошқаради. Аммо уларни бошқарувчи нервлар ядроси (ўзағи) чўзинчоқ миёда жойлашган. Чўзинчоқ миёда икки ёнма-ён нерв ядроси бўлиб, бири икки ёқлама ядро, иккинчиси тил ости нерви ядроси ҳисобланади. Бу ядроларнинг ёнма-ён жойлашуви нутқ органлари физиологиясидаги уйғунликни таъминлайди. Чунки икки ёқлама ядродан тил ҳалқум нерв. чиқиб, тил, ҳалқум ва умуман нафас йўллариини нервлайди. Ундан яна адъшган нерв чиқиб, нафас органи қовургалараро мускуллар ва диафрагманинг ҳаракатлантирувчи нервларига импульс юборади. Қовургалараро мускулда, нерви орқа миyanинг шу қисмидан, диафрагма нерви орқа миyanинг бўйин қисмидан чиққан бў-

лади. Тил ости эрви ядросидан чиққан нерв тил ости ва тагидаги мускулларни нервлади.

Адашган нерв импульс юбориши учун унинг ядроси ўз рефлектори (қувватувчиси)га эга. Бу эса қондаги карбонат ангидрид микдори-дир. Қонда у кўпайса, икки ёқлама ядрога қўзғалиш бўлади ва адашган нервни импульс (туртки) юбориш учун қўзғайди. Ҳаракатлан-тирувчи нервлар кўкрак қафасини кенгайтиради, нафас олиш - инспи-рация кечади. Кейин қон кислородга тўйинади ва экспирация (нафас чиқариш) бошланади. Кислород айрибошлаш билан утадиган рефлекс-га асосланувчи бу жараён бир ритмда, ўзгаришсиз давом этади. Нутқ кечимида бош мия пўстлоғининг таъсири кучайиб, инспирация фақат оғиз орқали бўлади ва одатдагидан 3-4 марта ортиқ, тез утади. Экспирация эса секин=аста, баъзан эса бўлиниб=бўлиниб кеч-чади. Бу, албатта, имконият даражасида, кислородга бўлган ташна-ликни қондириб туриш ҳолатида рўй беради. Энг соғлом одамда экс-пирация кўпи билан 30-40 дақиқа давом этиши мумкин.

Нутқ кечимидаги инспирациянинг катта ҳажмда бўлиши экспира-цияда ҳиқилдоқ ва трахеяда ҳаво босимининг юқори даража тўпланиш имконини беради. У юмилган товуш пайларида тутилиб туради. Орт-ган ҳаво босими товуш пайлари туташган ораликни очиб, уни теб-ра-тиб, ҳалқум томонга утади. Товуш пайларининг тебраниши ҳаво оқи-мига ўтар экан, у унинг юзага келиши булади.

Нутқ кечимида ҳиқилдоқ ва трахеяда ҳаво босимининг ортиши учун диафрагманинг ва қовурга оралиги мускулларининг қисқариши катта аҳамиятга эга. У ҳавони товуш пайлари юзасига босиб тўплаб туради. Товуш пайлари эса гоҳ очилиб, гоҳ юмилиб, очиқлик дара-жаси гоҳ кенгайиб, гоҳ торайиб, ҳавонинг турли босим билан ҳал-қум томонга сизиб ўтишини татминлайди. Бу эса товуш пайларининг турлича куч билан тебранишига сабаб бўлади. Аммо товушнинг турли баландликда ҳосил бўлиши ҳаво босимининг бу кечимлари билан унча боғли эмас. У товуш пайлари ҳолатига тобе-дир. Агар товуш пайла-ри салқироқ ҳолатни олса, товуш ниҳоятда паст чиқади. Чунки сал-қироқ товуш пайлари бир=бирига киришиб йўғон тартади. Йўғонлаш-ган товуш пайларининг тебраниш имконияти кам булади. Бунда қал-қонсимон тоғай билан узуксимон тоғай ораси катта очилиб, қалқон-симон тоғай билан кўгарилган чўмичсимон тоғайнинг иккинчи шохча-з пасаяди ва товуш пайларини бунроқ қўяди. Агар қалқонсимон то-ғай билан узуксимон тоғайлар ораси яқинлаша, товуш пайлари та-

ранглашиб, унга зарб урилганда тебраниш имконияти ортади ва товуш баландроқ ҳосил бўлади. Бундай товуш обертонга ҳам бой бўлиб, узига хос чиқади. Шу тоғ-ўлар ораси ниҳоятда яқинлашиб, улар узаро ёпишиб турса, товуш пайлари қайишма каби чўзилади. Ва юққа тортади, тебраниш имконияти ниҳоятда ортади. Баъзан эса чўмичсимон тоғай товуш бурмалари мускулани ишга солиб, товуш пайлари тебранувчи қисми қирраларини қи қартиради. Бунда ҳосил булган товуш фальцет товуш дейилиб, у ниҳоятда баланд, чинқироқ ва обертонга ниҳоятда дашшоқ бўлади. Одатда, паст товушларда товуш пайлари кам иш бажаради. Шунинг вазифасини кўпроқ товуш бурмаси мускуллари олади. Шунинг учун бундай товуш вишиллаганроқ, илон товушига ўхшашроқ қолда эшитилади. Илоннинг ҳам товуш пайлари булмагани учун, у нафас босимини кучайтириб, нафас йули мускулларини зуриктириш билан вишиллайди. Товуш баланд ҳосил қилинганда эса товуш пайларининг фақат таранг қолдаги қирралари ишлайди. Унинг иш бажарувчи қисми болаларнинг товуш пайлари ҳамми даражасига яқинлашган бўлади. Бундай қолда обертон ҳосил қилиш имконияти ниҳоятда камаяди.

Баланд товуш ҳосил қилинганда ҳиқилдоқ ҳалқумга кенг очилиб юқори кўтарилади ва тил илдиизига ниҳоятда яқин келади. Бундай қолда ҳалқум, оғиз ва баъзан бурун бўшлиғида резонатор тон ҳосил бўлиши кучаяди. Шунинг учун кишининг боши вириллаб туради. Товуш бош қисмда ҳосил бўлаётгандек туюлади. Ўртача товуш ҳосил бўлиши эса ҳиқилдоқ пастда булиб, товуш пайлари тулалиги билан, барча қисмларида тебраниши орқали кечади ва ҳиқилдоқнинг ўзидан бошлаб резонатор тон явага келади. Шунинг учун бундай товуш ичдан гулдираб чиқаётгандек туюлади. Одамлар уни, дилидан чиқарилган товуш, деб образли ифодалайдилар.

Товуш пайлари иштирокисиз ҳам товуш ҳосил бўлади. Улар хусусият эътибори билан шивир, сохта бурма уни, мингир номлари билан аталади. Шивир фақат товуш бурмасида ҳосил бўладиган ниҳоятда паст товушдир. Сохта бурма уни эса сохта бурма мускуллари зуриқишидан ҳосил этиладиган ва ўрдак ғажиллашига ўхшаш товуш бўлади. Мингир деб эса япроқсимон тоғай билан, ҳиқилдоқ оғзи даярли ҳолида товуш ҳосил қилишига айтилади.

Ҳалқум товуш ҳосил қилмаслиги билан бирга уни шакллантирмайди ҳам. У фақат товуш ҳосил бўлишида карнай трубасига ўхшаш иш бажаради.

Оғиз бушлиги даги тил, юмшоқ танглайнинг кичик тил ва лаблар физиологияси билан боғлиқ ҳолда нутқ товушлари шаклланади. Бу ўринда айниқса тил физиологияси муҳим ўрин тутади. Тил одам организмдаги энг қайшиқоқ, энг ҳаракатчан ва мураккаб ишларни беҳато бақарувчи механизм ҳисобланади. Унинг ҳазм қилиш организм сифатидаги ишлари бир қатор, шунингдек, нутқ органи сифатидаги ишлари ҳам жуда катта. Бунда унинг саккиз жуфт мускул тутамининг ўзига хос иши тилнинг мураккаб ҳаракатларини келтириб чиқаради. Тил илдизи, яъни суяк мускуллари асосан тилнинг орқа қисми ҳаракатларини белгилайди. Унинг учли мускули тилнинг илдиз қисмини ёқори ва орқа томонга тортиш ишини бажаради. Остки мускули тил илдизини орқа ва остга тортади. Бунинг натижасида оғиз бушлиғи кенгайди. Бағбақа=тил мускули тилнинг олд ва пастга тортилиши учун хизмат қилади. Бу билан оғиз бушлиғи яна ҳам кенгайди. Тил=тоғай мускули эса тил ости мускули билан мутаносиб иш бажаради. Умуман бу мускуллар тилнинг орқа ва паст томонга тортилиб, курак тишларидан нари тугилишига хизмат қилади. Тилнинг ўз, яъни тана мускуллари унинг турли шаклларга кириши ва турли шаклларда ҳаракат қилиши учун хизмат қилди. Бўйлама остки мускули тил буйининг қисқаришини таъминлайди. Бўйлама остки мускули тилни қисқартиб, устини ёқори кўтаради ва белини букиш вазифасини утайди. Энлама мускул тил энини торайтириб, тоғара томон йўғонлаштиради. Тиклама мускул эса тил қалинлигини зичла қиради ва оғиз бўшлиғи эни бўйича ёяди. Энлама мускул яна тилнинг тепага ёй шаклида эгилиши учун ҳам хизмат қилади. Тил девори тилнинг ҳар бир томони, яъни ўнг ёки чап қисми ўзича мустақил ҳаракатланиши, тил ҳаракати ёндoshiлигининг ихтиёрий бузилиши учун шароит яратади. Чунки тил мускулларининг жуфт тутамлари тил деворининг икки томонида биттадан мустақил жойлашиб, мустақил ҳаракат қилиш имконига эга. Тил юганчаси ҳам ўзига хос иш бажариб, тил учини пастга ва орқага тортишда ёрдамлашади.

Юмшоқ танглай билан кичик тил ҳам нутқ товуши ҳосил қилишда актив орган ҳисобланади. У артикуляция кечимида кутарилиб ҳалқумга қараб чўзилади ва ҳавонинг бурун бўшлиғига кетадиган йўли - хоана устини ёпади. Натижада товуш артикуляциясида бурун резонатор тон аралашмайди. Оғиз бўшлиғи ҳамма ортиб, бу бўшлиқда резонатор тон ҳосил бўлиши учун имконият яхшиланади. Агар бурун сонантларига артикуляция экскурсияси (тайёртарлиғи) бўлса, юмшоқ

танглай билан кичик тил ҳалқумнинг орқа деворларидан нарилашиб, пастга томон кенгайди ва бурун йўлини очади. Баъзи товушларда у оғиз бўшлиғи йўлини бутунла ёпади. Натижада товуш бурун бўшлиғидан айланиб, бурун бўшлиғи резонатор тонига тўйинади. Юмшоқ танглай яна тил билан туташиб, тил орқа ва чуқур тил орқа артикуляция уринларини шакллантиради. Кичик тил пастлашиб, томоқни торайтиради ва артикуляция бажаради. Бироқ бу француз тилига хос бўлиб, узбек тилида нутқ товуши ҳосил қилмайди.

Лаб физиологиясининг нутқ товуши ҳосил бўлишида ўз вазифаси бор. У узаро туташуви ёки ниҳоятда яқин келиб, ҳаво сирғалиб чикуви учун оралиқ қолдириши мумкин. У чуччайиб ҳаво сизувчи оралиқ бўйини чўзади ва айрим ҳолларда кенгайди, катта ҳажмда очилади. Умуман лабнинг физиологик имкониятлари катта. Овнат ҳазм қилиш органи сифатида ҳам иш бажаради.

Дунж ҳам артикуляция кечимида ўз ўрни билан жағ тилларига ёпишиб туриши ва оралиқ ҳосил қилиб туриши мумкин. Бу ҳам ўзига хос аҳамиятга эга.

Ҳалқум, қаттиқ танглай, тиш ва бурун бўшлиғи пассив органлар бўлиб, нутқ товуши ҳосил қилишда ҳаранат қилмайди. Лекин нутқ товуши ҳосил қилишда сўзсиз ўз ўрнига эга. Тил олди ва лаб-тиш товушлари курак тиши иштирокида артикуляция қилдирмайди. Қаттиқ танглай тил орқа товушларида резонатор тон базаси бўлиб хизмат қилади. Товуш ҳақилдоқдан чиқар экан, тўғри ҳалқум деворлари ва юмшоқ танглай деворларига урилади, оғиз бўшлиғи резонатор тонлари асосан шу ўринда ҳосил бўлади. Бурун бўшлиғининг асосан орқа қисмига резонатор тон манбаи бўлиб, олд деворлар бу ишни бажармайди. Бурун бўшлиғининг олд қисмида резонатор тон ҳосил бўлиши фақат манқаларгагина хосдир.

Нутқ органларининг ижро кечими нутқ органларининг нутқ товуши ҳосил қилишдаги иштироки, ҳолати ва иш кечими кабилардан иборат. Бу барча нутқ органларининг физиологик имконияти билан боғлиқдир. Нафас етказувчи ва товуш ҳосил қилувчи органлар барча халқларда ва одамда бир хил физиологик имконият доирасида вазифа бажаради ва товуш ҳосил қилди. Нутқ товушларини ҳосил қилувчи органлар ҳаммада бир хил бўлишига қарамай, ҳар бир халқ, миллат ва ҳатто шева вакилида алоҳида, ўзига хос иш бажаради. Чунки артикуляция ўрни була олувчи барча нутқ органи ҳам ҳамма халқда бир хил шаклланавермади. Артикуляция ўрни товуш ҳосил

қилишда бевосита иштирок этувчи бир ёки ундан ортқ нутқ органининг уйғунлигидир. Кишида лаб, тил, кичик тил каби нутқ органлари иш бажаришда фаол ҳаракат қилади. Улардан лаблар икки, тал тўрт, кичик тил бир, бўғиз бир артикуляция ўрнига эга булиши мумкин. Лекин барча тил вакилларида ҳам улар тўлаллиги билан бир хил шаклланмайди ва ишга киришмайди. Масалан, ўзбекларнинг бўғиз артикуляция ўрни билан кичик тил артикуляция ўрни шаклланмаган бўлади. Лаб=тиш артикуляция ўрни ҳам фақат ўзлашган лексикада чегараланган ҳолда фойдаланилади. Тил ўрта ва тил орқа артикуляция ўрни ҳам тўла ишлатилмайди. Чуқур тил орқа билан тил олди артикуляция ўрни ўзбек тили учун фолдир. Рус тили учун эса бўғиз, кичик тил, чуқур тил орқа умуман артикуляция ўрни сифатида саналмайди. Немис, француз, инглиз, араб тилларида эса бўғиз артикуляция ўринлари ҳам шайланган бўлиб, француз тилида кичик тил артикуляция ўрни ҳам бор. Лекин уларда (араб тилидан ташқари) ҳам чуқур тил орқа артикуляция ўрни йўқ. Бунинг устига турли тил вакили турли артикуляция ўридан турли артикуляция усулида фойдаланади.

Артикуляция усули эса артикуляция ўрининг артикуляция кечимида фатган ҳолатидир. Ўзбек тилида тил ўрта артикуляция ўридан фақат сирғалувчи товушлар, тил орқа артикуляция ўридан фақат портловчи товушлар, лаб=тиш артикуляция ўридан эса фақат сирғалувчи товушлар ҳосил қилиш учун фойдаланади. Қолган артикуляция ўринларини максимум ишлатилади. Рус тилида эса тил ўрта ва орқа артикуляция ўринлари ҳам тўла иш бажаради. Уларда лаб=лаб артикуляция ўрида сирғалувчи товуш ҳосил бўлмайди. Айрим ҳолларда айрим товушлар артикуляция усули даражаси ёки гц миқдорига кўра ҳам фарқланиши кузатилади. Масалан, и товуши ўзбек тилида айни у ва тожик тилларидагидек эмас. У ўзбек тилида қисбатан кенгроқ артикуляция усулида талаффуз этилади. р сонани ўзбек тилида рус тилидагидан кам гц.га эга ва ҳатто тилнинг титраш миқдори ўзбек тилида биттадан ортиси кам кузатилади, рус тилида 2-3 титраш миқдорига эга бўлиши оддий бир ҳолдир. Буларнинг барчаси оғиз бўшлиғидаги нутқ органларининг қандай шаклланиши ва қандай ҳаракатланишига кўнма ҳосил қилганлиги билан боғлиқ ҳолатда кечади. Қайси нутқ органининг қандай ҳаракатланиши учун шаклланиши тилида гўдақликдан, онанинг нутқ кечимида шаклланишидан бошлаб кезга келади. У қайта-қайта машқ қилиш-

ларнинг натижаси бўлади. Бир тилда сўзлашувчи ҳар бир киши ўзaro бир хил артикуляция ўринларини бир хил ҳаракатланадиган ҳолда шакллантиради. Ҳатто қўшимча он берувчи орган булган буруннинг ҳам тон ҳосил қилиш кечимиғача миллий характерга эга. Унинг ҳам ҳар бир тил вакилида ўзига хос фойдаланиши кузатилади. Ўзбеклар фақат туртта сонанг артикуляциясидагина фойдаланса, французлар унлилар артикуляциясида ҳам фойдаланади. Бунинг устига ундаги резонатор тон манбаи ўзбек тилидагига ўхшаш бурун бўшлиғининг орқа томони деворлари эмас, нисбатан бирмунча берироқ ўрнидаги деворлари ҳисобланади.

Курдикки, ҳар бир тил вакилининг ўз тилида сўзлашиши учун ўзига хос артикуляция ўринлари шаклланган бўлади. Мана шу артикуляция ўринларининг бир бутун ҳолати артикуляция базаси деб аталади. Улар артикуляция базасида талаффуз этади ва сўзлашади. Ҳар бир тилда сўзлашувчи вакилларнинг ўз тилига оид товушларни талаффуз этиш учун шакллантирилган артикуляция базасида талаффуз этиши, сўзлашиши ўз тилига хос акценти деб қаралади. Маълум тилда сўзлашувчиларга хос акцент уларнинг фақат мавжуд артикуляция ўринлари билан боғли эмас. У артикуляция ўринларининг ҳаракат усули, яъни артикуляция усули, артикуляция усулининг метёри, тезлиги, сифати, кучи, лексия ургулари системаси, интонацияси наби-лар билан ҳам ўлчанади. Бироқ акцентнинг асосида ҳамма вақт ҳам артикуляция базаси туради. Акцент чет тилда сўзлашганда яққол намоён бўлади. Одам ўз тили артикуляцияси базасида чет тилига оид қурилмаларни талаффуз этар экан, у ўша чет тилига хос акцент-да эмас, ўз тилига хос акцентни юзага чиқарган бўлади. Масалан, рус тилида, грузин акценти билан бўлса ҳам, жуда яхш сўзларди". Маълум тилни акцентсиз гапириш дейилганда бошқа тил вакилига нисбатан олиниб, сўзланаётган тилга хос артикуляция базасида артикуляция усуллари ва унинг мезёрини ўрнига қўйиб, ургу ва интонация-ни бузмаган ҳолда гапиришни назарда тутилади.

Артикуляциянинг ўзи ҳам бир неча босқичдан таркиб топади. Улар: 1) артикуляцияцион экскурсия (тайёргарлик); 2) артикуляцияцион кечим; 3) артикуляцияцион рекурсия (қайтиш) дан иборатдир. Артикуляцияцион экскурсия артикуляция ўринининг маълум товуш талаффуви учун унинг артикуляцияцион усулига сафарбар этилиши, тайёрланиши бўлади. Артикуляцияцион кечим ўша товушни унга хос артикуляция усулига қайд



этишдир. Арტიкуляцияцион рекурсия эса артикуляция ўрининг артикуляцияцион кечимдан кейин ўз ўрнига, яъни ҳолатига қайтишидан иборат. Мана шу уч босқичнинг қайд этилиши артикуляция деб қаралади.

Нутқ таркибидаги маълум бир сўзнинг товушлари бирин=кетин артикуляция қилинар экан, ҳар бирида алоҳидадан артикуляциянинг уч босқичи кечиши мумкин эмас. Бундай ҳолда сўзнинг барча товушларини қўшиб эмас, алоҳида=алоҳида, бирин=кетин қайд этилган бўлар эди. Ваҳоланки, сўздаги товушлар ўз навбатиغا кўра кетма=кет қўшиб талаффуз этилади ва шунда сўзнинг товуш йиғими яхлитлиги берилган бўлади. Бунинг учун сўзнинг биринчи товуши артикуляцияцион рекурсияси иккинчи товуши артикуляцияцион экскурсияси, иккинчи товуши артикуляцияцион рекурсияси учинчи товуш артикуляцияцион экскурсияси ҳолида келиб, шундай тартибда давом этади. Масалан, сўз сўзининг с товуши артикуляцияцион рекурсияси ў товушининг артикуляцияцион экскурсияси ва шу товуш артикуляцияцион рекурсияси з товушининг артикуляцияцион экскурсияси бўлиб келади. Натигада бу сўз товушларга бўлинмай талаффуз этилади.

Нутқ товуши товуш пайларида ҳосил бўлади. Ҳ асосий тон ва ёрдамчи тонлардан таркиб топади. Ёшқа нутқ органида ҳосил бўлган тон аралашмаган бу товушни ун дейилади. Товуш пайлари иштирокисиз оғиз бўшлиғидаги бирор нутқ органининг ижро кечими билан ҳам товуш ҳосил бўлади. Уни шовқин деб аталади. Фақат ундан таркиб топиб, оғиз бўшлиғида шаклланган нутқ товушини унли товуш деб, фақат шовқиндан ёки шовқин ва ундан таркиб топиб, шовқин ҳосил бўлган артикуляция ўрнида шаклланган нутқ товушини ундош товуш деб ҳисобланади.

Ҳар бир нутқ товушининг қандай ҳосил қилиниши ҳам нутқ органларининг ижро кечими ҳисобланади. Бироқ бу нутқ товушларининг таснифи билан боғлиқ ҳолда тавсифланиши мумкин. Шундай экан, қуйида товушлар таснифини келтирамиз ва шу билан боғлиқ ҳолда нутқ органлари ижро кечимини тавсифлаб борамиз.

#### НУТҚ ТОВУШЛАРИ ТАСНИФИ

Нутқ товушларини, таркибидаги ун ва шовқин иштирокига қараб, унлилар ва ундошларга бўлган эдик. Унли товушлар сиз темасини тилшуносликда вокализм деб ҳам аталади. Ўзбек тили вокализми уч нуқтага назардан тилларга ажратилади: 1) тилнинг кўтарилишига кўра; 2) тилнинг ёнлама ҳаракатига кўра; 3) лаб иштирокига кўра. Ўзбек

тилида уни товушлар, тилнинг кўтарилиш даражасига кўра уч тип-га бўлинади: а) тилнинг ёқори кўтарилишидаги унлилар; б) тилнинг ўрта кўтарилишидаги унлилар; в) тилнинг паст кўтарилишидаги унлилар.

Тилнинг ёқори кўтарилишидаги унлиларда тил танглайга ё олд қисми, ё орқа қисми билан жуда яқин келиб, товуш пайида ҳосил бўлган ун тил ва танглай ўртасидаги тор оралиқдан сирғалиб Утиш орқали нутқ товуши ҳолатида шаклланади. Бу унлиларни тор унлилар деб ҳам аталади. Тор унлилар бир неча: й, ё, у, ё, ү, ү. Булардан й, ё унлилари ўз лексикага оид сўзларда бўлиб, у, ё унлилари рус тилидан ёки рус тили орқали бошқа тиллардан қабул қилинган сўзларга кўпроқ хосдир. Ўз лексикага оид сўзларда келадиган й, ё унлилари артикуляциясида рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан қабул қилинган сўзларда қўлланидиган у, ё унлилари артикуляциясида нисбатан тил олди ёки тил орқасининг танглайга ниҳоятда яқин келиши камроқ, яъни оралиқ сал кенгроқ бўлади. у, ё унлилари ўз сўзларда ҳам қўлланади, лекин фақат й ундоши билан ёнма-ён ёки ундошаро ҳолатида бўлади. ү, ү унлилари артикуляциясидаги тил ва танглай оралиғи у, ё унлилари артикуляциясидаги каби бўлади.

Бу унлиларнинг ҳаммаси ҳам сўзнинг сўнгги товуши сифатида келса, тил ва танглай оралиғи одатдагига нисбатан сал кенгроқ, тил учи сал орқароқ тортилган ҳолатни олади. Тил четларининг ёқори жағга ёпишиб туриши фарқсиз қолади.

Тилнинг ўрта кўтарилишидаги унлиларда тилнинг ё олд қисми, ё орқа қисми танглайга томон пастки тиш баландлигида, яъни ўртача баландликда кўтарилиб, товуш пайида ҳосил бўлган ун тил ва танглай ўртасидаги унча тор бўлмаган оралиқдан сирғалиб Утиб нутқ товуши ҳолатида шаклланади. Бу унлиларни ўрта кенг унлилар деб ҳам аталади. Ўрта кенг унлилар ҳам бир неча: э, а, о, ў. Булардан э, ё унлиларида тил кенг ёйилиб, жағ тишларига тегиб туради. о унлисида эса тил ёнлари жағ тишларидан бугунлай ажралган ҳолатни олади. Уларнинг ҳаммасида ҳам олд тишлар сал очилиб, тил учи тепа ва паст тишларнинг шу очилган оралиғига тўғри ҳолатида бўлади, лекин сал орқароқ тортилади. э унлисида лаб четлари икки томонга тортилган бўлади.

Тилнинг ўрта кўтарилишидаги бу унлилар ўз сўзларининг бирор-бир қисмида ҳам кейинги бугунларда ёа сўз охирида қўлланмайди. Учлаган сўзларда бу шарт эмас. Меҳр, сеҳн каби сўзлардаги тил ўрта х ун-

ALISHER NAVOIY NOMIDACH  
TOSKENT  
A. A. BOBOLYKOV MARKALI

07  
O'zbek filologiyasi  
Fakulteti  
KUTUBXONASI

7989

доши билан ёндош у улланган э унлиси артикуляциясида эса тил олди билан танглай оралиғи одатдагига нисбатан торроқ очилади. Шунинг учун у и унлисига ўхшаш талаффуз этилади. О унлиси рус тилидан га рус тили орқали бошқа тиллардан қабул қилинган сўзларда қўлланиб, унинг талаффузида тил учи олдинроқ чўзилган бўлади ва пастки курак тиш учига сал урилади, кетма=кет тил бели юқори кўтариледи. Бу унли фақат динамик ургули ҳолда қўлланади. У ургулисиз бўғинларда я унлиси каби талаффуз этилади.

Тилнинг паст кўтарилишидаги унлиларда тилнинг ё олд қисми, ё ўрта қисми, ё орқа қисми пастки тиш юзасидан ҳам пастроқ, яъни сал кўтарилиб, товуш пайида ҳосил бўлган ун тил ва танглай оралиғида юзга келган кенг бўшлиқдан эркин ўтиши орқали нутқ товуши шаклланади. Бу унлиларни кенг унлилар деб ҳам аталади. Кенг унлилар ҳам бир неча: э, я, а, о. Бу унлилар артикуляциясида тил кенг ёйилиб, ёнлари пастки жағ тишлари деворига ёпишади ва учи пастки курак тишлари милкига тиралади. Оғиз бўшлиғи кенг очилиб, дунжлар ҳам жағ тишларидан нарилашади. Лаб четлари икки томонга тортилади. э унлисининг артикуляциясида умуман тилнинг кўтарилиши кузатилмайди, яъни оғиз кенглиги яна ҳам ортиқ ҳолга келади. Бу унлининг Бухоро=Самарқанд шеvasига хос б варианты ҳам бўлиб, унинг артикуляциясида тил умумий ҳолда сал кўтариледи. Шу билан у адабий тил меъёридаги о унлисидан фарқ қилади.

э, о, о унлиларининг ҳаммаси ўз сўзларнинг барча уринларида ҳам кела олади. я унлиси эса фақат рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг ургули бўғинларида қўлланади.

Ўзбек тилидаги унли товушлар тилнинг ёнлама ҳаракатига кўра икки тилга бўлинади: а) олд қатор унлилари; б) орқа қатор унлилари.

Олд қатор унлилари тил олди танглайга томон ё паст, ё ўртача, ё юқори кўтарилишида бўлиб, товуш пайида ҳосил бўлган ун шу олд қатор ва қаттиқ танглай ўртасидаги оралиқдан ўтиши орқали нутқ товуши ҳолатида шаклланади. Олд қатор унлилари бир неча и, у, э, е, э. Бу унлиларнинг ўзига хос умумий характерли томони шундан иборатки, ун тил олдининг ҳар бир унли артикуляциясига хос даражадаги кўтарилган ўрнига урилади ва аммоқ танглайда ҳосил бўлган резонатор тон унга қўшилиб, унли товушни ўзига хослаштиради.

Орқа қатор унлилари тил орқаси юмшоқ танглайга томон ё паст, ё ўртача, ё юқори кўтарилишида булиб, товуш пайида ҳосил бўлган ун шу тил орқаси ва юмшоқ танглай уртасидаги ораликдан ўтиши орқали нутқ товуши ҳолатида шаклланади. Орқа қатор унлилари ҳам бир неча: б, в, ғ, о, а. Бу унлиларнинг ўзига хос умумий характерли томони шундан иборатки, бунда ун тил орқанинг ҳар бир унли артикуляциясига хос даражаги кўтарилган ўрнига урилади ва тил олди юқорисидаги қаттиқ танглайда ҳосил бўлган резонатор тон унга қўшилиб, унли товушни ўзига хослаштиради.

Яна ўзбек тилида рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзларда қўлланадиган о ва а унлилари бор. Бу унлиларни рус тилида орқа қатор унлилари деб ҳисобланади. Бу тўғри Аммо улар ўзбек тилидаги тил орқа унлиларига нисбатан тилнинг сад олдириғида кечади. Лекин уларнинг резонатор тонларининг асосий манбаи худди тил орқа унлиларидаги каби қаттиқ танглай ҳисобланади.

Яна ўзбек тилида о унлиси ва Бухоро=Самарқанд шеваларига хос о унлиси бор. Буларда тилнинг олд ва орқа қисми бир хил ҳолатда бўлади. Шунга қарамай, уннинг урилиб ўтиш ўрни тилнинг орқаси бўлгани учун, уларни ҳам тил орқа унлиси деб қаралади. Бироқ бу унлиларнинг резонатор тон миқдори бошқа унлиларникига нисбатан кўп ва бой ҳолда юзага келади ва манбаи юмшоқ ва қаттиқ танглайларнинг бутун сатҳидан иборат.

Ўзбек тилидаги унли товушлар, лаб иштирокига кўра, икки типга бўлинади: а) лабланмаган унлилар; б) лабланган унлилар. Лабланмаган унлиларда артикуляция учун лаб иштирок этмайди. Аксинча, айрим унлилар артикуляциясида лабларнинг чети икки томонга тортилиши мумкин. Масалан: л, и, э, з, товушларида.

Лабланган унлиларда лаб учлари марказга томон йиғилиб, ўрта-си чўччайди ва най шаклини олади. Бу эса унлининг шаклланишида оғиз бушлиғи билан баробар иш бажаради. Ўзбек тилида лабланган унлилар бир неча: у, у, а, о. Яна Бухоро=Самарқанд шеваларига хос у унлиси ҳам лабланган булиб, унинг лабланиши бошқа лабланган унлиларга нисбатан жуда пастдир. Чунки унда лаб чўччайиши салгина бўлади. у унлисини баъзи адабиётларда лабланган деб ҳам қайд этилади. Бунинг ўз асоси бор. Чунки у лаб товушлари билан ёндош қўлланганда, албатта, лабланган талаффузга эга бўлади. Бироқ бошқа ҳолларда эга у лабланмайди. Бу эса унинг ассимилятив

лабланиши мумкинлигини кўрсатади. Асосан эса э товуши лабланмаган деб қаралиши керак. Лабланмаган унлиларда ҳам лаб ҳаракати бўлиши мумкин. Шу билан унлини лабланган деб ҳисобланмайди. Чунки лаб унлининг артикуляциясида шакллантирувчи омил бўлиб иш бажарса, ҳосил бўлган унли лабланган деб ҳисобланади.

Унли товушлардаги резонатор тон шу унлининг артикуляция ўрни аксида бўлиш билангина чекланмайди. Турган гапки, унда ҳиқилдоқ ва ҳалқум резонатор тонлари ҳам булади. Бироқ уларнинг узига хос резонатор тони артикуляция ўрининг аксида юзага келади. Шунингдек, унинг миқдори унли характери билан турлича кузатилади. Агар унли тор бўлса, резонатор тони оз, агар кенг бўлса, резонатор тони кўп эканлигини кўрамыз. Чунки оғиз катта очилганда резонатор тон ҳосил бўлиш имкони ортади. Уннинг оғиз бўшлиғида бемалол айланиши ва кўмоқ ёки қаттиқ танглай деворларига қайта-қайта урилиб қайтиши мумкин.

Унли товушлар классификацияси учун куйидагича I= жадвални келтириш мумкин.

I= жадвал

Тилнинг кўтарилишига кўра	Тилнинг горизонтал ҳаракатига кўра	Тил олди унлилари	Тил орқа унлилари
Тилнинг юқори кўтарилишидаги унлилар		i, u, [y]	ɔ, ɔ, [y]
Тилнинг ўрта кўтарилишидаги унлилар		э, [e]	[ɔ] [o] [ɔ]
Тилнинг паст кўтарилишидаги унлилар		ə	ɑ, ɔ

□ квадрат билан уралган унли товушлар лабланган бўлиб, қолганлари лабланмагандир.

Унли товушлар нутқда бугин ҳосил қилувчи товуш ҳисобланиб, бугиннинг баландлигини таркиб топтиради. Аммо ҳамма вақт ҳам у ўзининг шу вазифасини бажаравермайди. У бугин ҳосил қилмаслиги ва бугин баландлигини таркиб топтирмаслиги мумкин. Бу унлининг диџтонг таркибида келиши билан боғлиқдир.

ДИџТОНГ бир сўз таркибида икки унлининг ёндаш қўлланиб, артикуляциядан ҳисобланган эга бўлишидир. Аммо унинг каттиқ керакки, ўзбек тилида маълум фонеманинг шакли ҳолида қўлланилмайди. Бироқ

нутқ оқимида юзага келувчи ва ўзлашган сўзлар таркибида қайд этилувчи дифтонглар учрайди. У жипс талаффуз этилган икки унлидир. Шу уринда товушлар ўртасидаги кечимни эътиборда тутиб, дифтонг ҳақидаги тушунчани изоҳлашга тўғри келади. Ўзбек тилида одатда унлилар қатор қўлланмайди. Унлилар ҳамма вақт икки ундош ўртасида келади. Унинг артикуляцион экскурсияси аввалги ундош рекурсияси, артикуляцион рекурсияси кейинги ундош экскурсияси бўлади. Баъзан шундай бундайки, унлидан кейинги ундош унлига мойил характерли, тилшуносликда мавжуд атама билан гапирсак, ярим унли ҳолатда учрайди, яъни унинг артикуляциясини сал кенгроқ қилиб юбориш - унлига айлантириш ҳисобланади. Унлидан кейинги шундай ундош унли таъсирида бўлиши, яъни ассимиляция қилиниши - унли каби талаффуз этилиши турган гап. Бунда унлининг кейинги ундош артикуляцион экскурсияси бўлувчи артикуляцион рекурсияси қайд этилмай қолади ва унли билан кейинги ундош жипслиги юзага келади. Унли ундошни уз артикуляциясига мослайди, яъни дифтонг шаклланади. Масалан, қий- фёълининг унлисидан кейинги ундош ярим унли товушлардан. Улар ўртасидаги артикуляцион кечим йўқолган, унлининг таъсири билан й артикуляциясида тил ва танглай оралиги кенгроқ олинади. Натжидада у ҳам унли каби талаффуз этилади. Қий-суви эса дифтонгли бугин сифатида шаклланади. Шунга ўхшаш яна қий-, тий-, чий-, сийна-, қийғос; қй, бей, кей; май, сайғоқ, чақчай-; бой, той, сой, чайла-; суй-, туйғу, уйқу, қуй-; туй, уй, муй, суйла, муйна каби сўзлардаги й товуши ўзидан аввалги унли билан дифтонг ҳосил қилган. Шунга ўхшаш в товуши ҳам ярим унли хусусиятли ундошдир. Масалан, ов, учов, гов, ёв, авра, гавде, равшан, жовзо, новча, сув, уқув, ов-, тигов, чув каби сўзлардаги в товуши ҳам ўзидан аввалги унли билан дифтонг ҳосил қилган.

Ўзбек тилидаги мавжуд дифтонглар пасаювчи дифтонг деб қаралади. Чунки унинг кейинги қисми бугин ҳосил қилмайди. Бунинг устига ўзбек тилидаги дифтонглар фонема шакли эмас, уларнинг ҳар бир таркибий қисми алоҳидадан фонеманинг шакли ҳисобланади. Шунинг учун ҳам дифтонг кетидан унли билан бошланувчи қўшимча қўшилар экан, бу уринда энди унлилашган ундош бўлмайди. Масалан, сув=оқ > сувоқ оти ясалар экан, унли билан бирга дифтонг ҳосил қилувчи в ундоши энди кейинги бугин анлаутига айланади. У унли у товуши билан жипсликка эришмагач, унли товушга ассимиляция ҳам қилинмайди, дифтонг ҳам юзага келмайди.

Дифтонгларни, турган гапки, сўздаги икки унлининг ҳар қандай ёндош қўлланиши билан қористирмаслик керак. Масалан, дойм, шойр, соат, саодат каби араб тилидан қабул қилинган сўзлардаги ёндош қўлланган икки унли дифтонг эмас. Аввало араб тилида улар ўртасига айн (ع) товуши қўйиб талаффуз этилган. Бу товушнинг артикуляцияси учун ўзбекларда артикуляция ўрни шаклланмагани учун, у ташлаб кетилади. Аммо бу товушлар кнаклаут билан ажратиб мустақиллиги таъминланиб талаффуз этилади. Жонли тилда эса дойим шойр, соғот деб орага бир ундош қўйиб ёборилади. Фақат охири сўзнинг кейинги унлиси аввалги унлига қўшиб ёборилиб, уни чўзган ҳолда со:даг деб талаффуз этилади. Дойим, шойр, соғот сўзларидаги орттирилган товушлар бўгин бошига тўғри келиб қолгани учун улар унли таъсирига берилмайди ва унли каби талаффуз этилмайди. Шунинг учун ҳам бу сўзларнинг жонли тилдаги вариантда ҳам дифтонг ҳақида гап йўқ.

Четдан қабул қилинган аут, ауслаут, кнаклаут, ауссаит каби терминлардаги ау ва аи товушлари эса дифтонгдир. Булар ҳам тушувчи оҳангга эга. Бароқ улар ўзбек тилининг ўз лексикасидаги дифтонглар каби икки фонеманинг бирлашган, яъни жипс келган шакллари эмас. Улар бир фонеманинг шакли ҳисобланади.

**КНАКЛАУТ**, кўрдики, сўздаги қатор унлининг кейингисини ажратиб, мустақил талаффуз этилишини таъминлайди. Шунингдек, у сўз бошидаги унлидан аввал ҳам келади. Умуман бўгин бошидаги унлидан аввал кнаклаут қайд этилади. У унли билан бугин бошланадиган бўлса, ундан аввал бўризда кучли портлаш юзага келади. Буни оддий куюк билан илғаб олиш қийин, фақат экспериментал кузатиш орқалигина аниқлаш мумкин. Масалан, асциллограммада юқори частотада шовқин қайд этилганлигини кўрамиз. У 10 м/сек. гача давом этади ёки ундан кам бўлади.

Кнаклаут ўзбек тили, умуман, туркий тилларга хос бир қонунчиликни ҳам эслатади. Бу тилларда деярли бўгинлар очиқ бошланмайди. Маълум сабабларга кўра очиқ бошланадиган ҳолга келган бўгин ёки сўзларнинг бошланишини ёпишга уриниш (артикуляцияни куйикмага қайтиш) орқали кнаклаут берилади. Бу сўз бошидаги унлининг тушиб кетиши сўз ўртасида қўш унлиларнинг бири иккинчисини ютиб кетишининг олдини олади. У ўзига хос вакуум вазитасини утайди.

Ундок товушлар адустик хусусиятига кўра икки тилга бўлинади: 1) сонантлар; 2) консонантлар.

Сонантлар асосан ундан иборат булади. Унинг таркибида шовкин ҳам булишига қарамай, ниҳоятда кам миқдорда, буни ҳам резонатор тон ҳосил қилган ўринларидан олади. Бу товушлар таркибида резонатор тон миқдори ниҳоятда кўп булади. Чунки уларнинг шаклланиши диапозони ниҳоятда катта бўлгани сабабли йўлма-йўл резонатор тон ҳосил қилиб, йиғиб боради. Шунинг учун ҳам асциллограммада сонантлар қайди унлилар қайди даражасида, амплитудаси ҳам унлиларникига ўхшаш йиғин ҳолда кўзатилади.

Сонантлар артикуляцияси ўрнига кўра ҳам узига хос хусусиятга эга. Улардан фақат р сонантидан ташқари барча сонантларнинг артикуляция ўрни уч нутқ ўрганидан иборат. Бу нутқ органларининг иккитаси ун йулини тўсиб, зарурий ва резонатор тон ҳосил қилиш йўлига буриш вазифасини бажарса, учинчи нутқ органи резонатор тон манбаи бўлиб қолади. Сонантлар мана шу резонатор тон манбаи нутқаназаридан икки типга бўлинади:

- 1) бурун сонантлари;
- 2) тил ён сонанти.

Бурун сонантларининг артикуляция ўридан бир жуфти оғиз бўшлиғида жойлашган бўлиб, улар ун йулини тўсиш ва уни резонатор тон манбаига буриш вазифасини ўтайди. Артикуляция ўридан учинчи нутқ органи эса резонатор тон манбаи бўлиб, бу бурун бўшлиғидир. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, бурун сонантларининг резонатор тони фақат бурун бўшлиғида ҳосил бўлмайди. Унинг таркибида ҳиқилдоқ, ҳалқум ва оғиз бўшлиғида ҳосил бўлган резонатор тонлар ҳам бор. Бироқ бурун сонантлари шаклланишида асосий роль ўйнайдиган резонатор тон бурун резонатор тонидир. Бурун сонантлари шу резонатор тон ҳисобига узига хос шакл олади. Улар и, н, ғ, ғ сонантларидан иборат. Бу сонантлар узаро оғиз бўшлиғида жойлашган бир жуфт нутқ органи вазифасига кўра фарқ қилади. Бу орган м сонантида лаб=лаб, н сонантида тил олди билан тепа курак тишлари милки, ғ сонантида тил орқаси билан юмшоқ танглайнинг бошланиш ўрни, и сонантида чуқур тил орқа билан юмшоқ танглайнинг кичик тил соҳасидир. Яъни м сонанти артикуляциясида тепа ва пастки лаблар тутшиб, оғзининг чиқиш ёригини ёпади. Ҳиқилдоқда ҳосил бўлган ун оғиз бўшлиғига ўтиб, лабга келиб қайтади ва яна ҳалқум орқали бурун бўшлиғига йўналади. У ҳиқилдоқ, ҳалқум, оғиз ва бурун бўшлиғида ҳосил бўлувчи резонатор тонга тўла тўйинган булади. н сонантида эса тил учи олди курак тишлари милкига тутшиб, оғиз бўшлиғининг



ташқари билан туташувчи йўлини тўсади. Кўришиб турибдики, бунда оғиз резонатор тони ҳосил бўлиш имконияти М сонантидагига нисбатан қисқаради. Н сонантида эса бу имконият бундан ҳам қисқа бўлади. Чунки ҳиқилдоқдан келган ун сунда тил орқаси юмшоқ танглай олдига туташган ўриндансқ қайтиб, ҳалқум орқали бурун бўшлиғига йўналади. К сонантида эса ун ҳалқумдан тўғри бурун бўшлиғига утади. Чунки чуқур тил орқа билан юмшоқ танглайнинг кичик тил соҳаси тутшиб, оғиз бўшлиғининг йўлини ёпиб қўяди.

Тил ёни сонанти ўзбек тилида фақат д товушидир. Унинг дастлабки жұфт нутқ ўрни тил олди билан тепа курак тишлар милки бўлиб, резонатор тон ўрни эса тил ёни ҳисобланади. Тунда ун йўлини тил олди тепа курак тишлари милкига тутшиб тўсади. Ундан қайтган ун лунж деворларига урилиб, ўз частотаси билан мос ҳолатда резонатор тон олиб чиқади. Бунинг учун эса тил ёнлари тил девори томон тортилиб, лунжлар жағ тишлардан қочиб, кенг орадиқ очилган бўлади. Кўрдикки, л сонантида резонанс ҳиқилдоқ, ҳалқум ва оғиз бўшлиғида юзага келади. Бурун бўшлиғи йўли эса ёпилади.

Ўзбек тилида ягона титроқ сонант бўлиб, у ҳам булса р сонантидир. Бу сонантнинг артикуляция ўрни тил учи ҳисобланади. Унинг артикуляциясида тил учи тепа курак тишлари милкига томон чўзилади. Унга ун келиб урилади. Натижада тил учи бир ёки икки силкиниб, ҳаво тебранишини юзага келтиради, р сонанти шаклланади. Бу сонантнинг артикуляцияси кечимида оғиз бўшлиғи энига кенг очилади, яъни лунжлар жағ тишлардан нарилаган ва лаб четлари икки томонга тортилган бўлади. Бу резонатор тоннинг оғиз бўшлиғида орта бориши учун имкониятдир. Бу резонатор тон частотаси уз сўзлардаги р сонантида кам бўлиб, зарбдаги тил учининг силкиниши ҳам фақат битта, наъи борса иккита бўлиши кузатилади. Рус тилидан ва рус тили орқали Европа тилларида: узлашган сўзларда тил учининг силкиниши икки=учтагача бўлиб, эмоция талабига кўра ундан ҳам ортиқ қайд этилади.

Р сонанти француз тилида кичик тил, инглиз тилида тил олдининг ости, немис тилида тил олдининг усти билан артикуляция қилинса ҳам, уларга оид сўзлар р, с тили орқали қабул этилгани учун, рус тилига хос тил учиде артикуляция қилинади.

## Сонантлар таснифи

Артикуля- ция усули	Артикуля- ция ўрни	лаб	тил олди	тил орқа	чуқур тил орқа
Сирга- лувчи	тил ёни		л		
	бурун	м	н	ң	җ
Титроқ			р		

Куришиб турибдики, ўзбек тилидаги сонантлар миқдори олтига. Улар баъзан қайд этилганидай, сиргалувчи=портловчилар эмас. Улар р сонантидан ташқари, ҳаммаси сиргалувчилардир. Бошқа сиргалувчилардан уларнинг фарқи - сирғалиш масофасининг узунлиги, ун ва резонатор тоннинг ортиқлиги. Сонантлар артикуляциясида артикуляция ўрнининг очилиши портловчилардаги каби талаб қилинмайди. Айниқса, сўнгги товуш ҳолатида бу аниқ сезилади.

Консонантлар сонантларга қарама-қарши қўйилиб, уларнинг акустик жиҳатдан шовқин компоненти асосий ўринда туради. Сонантларнинг асосида эса ун туради. Консонантлар асосида шовқин турар экан, уларнинг бир таркибий қисми сифатида таркибида ун бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Улар, таркибида ун бўлиш ёки бўлмаслигига кўра, икки гуруҳга бўлинади: 1) жаранглилар; 2) жарангсизлар.

Жарангли консонантлар таркибида ун бўлгани ҳолда, у жуда камдир. Жарангли консонант таркибидаги шовқин унинг артикуляция ўрниндан олинади. Ун эса у билан ёндош қўлланган унли ёки сонант талаффузидан кучиб, кам миқдорда аралашади. Шунинг учун ҳам айтиш мумкинки, унинг таркибидаги ун миқдори у билан ёндош қўлланган товушлар акустикасига боғли булади. Агар у жарангсиз консонантлар ўртасида келса, мутлақо жарангсизланиб, таркибида ун бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, қасд сўзининг д товуши ҳам сўз охирида, ҳам с товуши билан ёндош келгани учун таркибида мутлақо ун йўқ - жарангсиз товуш каби акустикага эга. Дардли сўзининг эса биринчи д товуши ҳам сўз бошида, ҳам унлидан аввал келгани учун состави-

да ун кўп, ҳатто ун ҳосил қилиш учун берилган зарб ун балли ҳисобга кўра амплитудаси 6 мм.дир. Кейинги д товушининг составидаги ун, товушнинг бугин охирида келиб, кейинги товуш сонант бўлган сабабли, 1 мм. балли амплитуда билан талаффуз этилган. Орден сўзида эса бу товуш ҳам сонантдан кейин келиб, ҳам унлидан аввал бугин бошида қўлланган. Шунинг учун унинг таркибидаги ун учун сарфланган куч сонант ва унлиларники билан баробар 7 мм балл билан улчанган.

Курдикки, жарангли консонантлар таркибидаги ун миқдори унча тайинли эмас. Шунинг учун ҳам уни шовқинга асосланган товуш деб ҳисобланиши керак.

Жарангли консонантлар ўзбек тилида қуйидагилардан иборатдир: б, в, д, з, ж, й, г, ғ. Одатда портловчи жарангли консонантлар таркибидаги ун миқдори анча беқарор бўлиб, у шу товуш билан ёндош қўлланган товушларнинг акустик характерига боғли ҳисобланади. Жарангли консонант, агар сирғалувчи бўлса, ундаги ун миқдорининг беқарорлиги унча катта тафовут билан кузатилмайди. Сирғалувчиларнинг портловчиларга нисбатан давомийлиги кўпроқ бўлгани учун у ўзига хос ун миқдори меъёрини талаффуз давомида маълум даражада тиклаб олиш имкониятига эга.

Жарангсиз консонантлар таркибида ун умуман бўлмайди. У фақат шовқиндан иборат бўлиб, бу шовқин унинг артикуляция ўрнида артикуляция кечимида юзага келади. Жарангсиз консонант жарангли консонантлар билан ёндош қўллansa ҳам, дээрли улар таркибидаги ун таъсирдан изоляцияланади. Чунки жарангли консонантларнинг ўзи унга ёндош қўлланган унли ёки сонант ундан олади. Шунинг учун ҳам жарангсиз консонант жарангли консонантга таъсир этиши, уни жарангсизлаши мумкин, бироқ акси бирорта тилда ҳам кузатилмайди. Шунга қарамай жарангсиз консонант унлиро ҳолатларда маълум даража ун билан бойганини кўраемиз. Масалан, секин сўзидаги жарангсиз консонант қ унлиро ҳолда келгани учун маълум даража ун билан бойган. Бу унга сарфланган куч амплитудаси эса ҳатто 3 мм. ли баллини курсатган. Ваҳоланки, унинг таркибида ун борлиги талаффуз кечимида оддий қулоқ билан мутлақо пайқалмайди.

Жарангсиз консонантлар ўзбек тилида қуйидагилардан иборатдир: п, ф, в, г, д, ж, й, к, л, м, н, ң. Бу жарангсиз консонантлар таркибида ун қайд этилиб қолганининг имконияти ҳаммаси учун ҳам бир хил - қ жарангсиз консонантда қилинган тақдирда

фарқ қилмайди.

Консонантлар яна икки нуқтаи назардан классификация қилинади: 1) артикуляция ўрни ва 2) артикуляция усули.

Консонантлар артикуляция ўрнига кўра асосан учта бўлинади: а) лаб консонантлари; б) тил консонантлари; в) буғиз консонантлари. Лаб консонантларининг ўзи яна икки типга бўлинади: лаб=лаб консонантлари ва лаб=тиш консонантлари.

Лаб=лаб консонантларида артикуляция ўрни тепа ва пастки лаб ҳисобланиб, уларнинг ўзаро жипс ёпилуви ёки ўзаро яқинлашуви бўлади. Умуман нутқ органларининг иш кечими, яъни артикуляциясига кўра лаб=лаб консонантлари ҳосил бўлади. Бу консонантларнинг асосий қисми ҳисобланган шовқин шу артикуляция кечимида юзага келади. Лаб=лаб консонантлари: б, п, w, ф товушларидан иборат. Бу консонантлар артикуляцияси кечимида оғиз бўшлиғидаги органлар, айниқса, тил даҳлсиз ўз ҳолатини сақлайди, учини қисми курак тишлардан нарироқ тортилиб туради.

Лаб=тиш консонантларида артикуляция ўрни пастки лаб билан тепа курак тишларининг қирраси бўлади. Пастки лабнинг тепа курак тишлари қиррасига жипс туташуви ёки удар ўзаро ниҳоятда яқинлашуви мазкур товушлар артикуляцияцион экскурсияси ҳисобланади. Уларнинг шу ҳолатдаги кечими иш ижросига кўра лаб=тиш консонантлари ҳосил бўлади. Бунда асосан шу консонантларнинг асосий қисми шовқин шаклланади. Лаб=тиш консонантлари ўзбек тилида фақат в, ф лардан иборат бўлиб, улар ҳам рус тилидан ва рус тили орқали Европа тилларидан, эроний ва араб тилларидан ўзлашган сўзларга ҳосил. Ўз сўзларда бу консонантлар қўлланмайди.

Бу консонантлар артикуляциясида оғиз бўшлиғидаги барча нутқ органлари деярли лаб=лаб консонантлари артикуляциясидаги ҳолатда бўлади. Фақат тил учи сал орқароқ тортилиб, бир мунча тепа курак тишлари томон букилади.

Тил консонантлари, тилнинг қайси ўрнида артикуляция қилинишига қараб, яна тўрт типга бўлинади: а) тил олди консонантлар; б) тил урта консонантлари; в) тил орқа консонантлари; г) чуқур тил орқа консонантлари.

Тил олди консонантларида тил танаси кенг ёйилиб оғиз бўшлиғи энини жағ тишларигача энлайди ва икки ёки тепага эгилиб, жағ тишлари юзасига туташади. Унинг уч қисми эса олд томонга чўзилиб, тепа курак тишларининг орқасига тирайлади, ёки жуда яқинлашиб ора-

лиқда ёриқ қолдиради. Бу эса тил олди консонантларининг артикуляцион экскурсияси ҳисобланади. Шу ўринда тил олди консонантнинг асосий қисми ҳисобланган шовқин шаклланади. Ўзбек тилида тил олди консонантлари д, т, с, ж, ҷ, ч, ц товушларидан иборатдир. Булардан фақат ж, ц консонантлари рус тилидан ва рус тили орқали Европа тилларидан, эроний тилларидан ўзлашган сўзлардагина қайд этилади. Бу консонантларнинг қолган ҳаммаси ҳам ўз сўзларда қўлланади. Ўзбек тилида яна рус тили орқали ўзлашиб қўлланадиган полякча, грузинча фамилияларда ц кои сонантининг жаранглиси дз консонанти ҳам учрайди. Бироқ у ўзлашган лексикада қайд этилмайди.

Тил ўрта консонантларида тил танаси кенг ёйилиб, тил оғиз бўшлиғи эини жағ тишларигача энлайди ва кўтарилган бел қисми қаттиқ танглай соҳаси билан тутшиб, четлари жағ тишлари ёнига тиралади ёки тил эгати билан танглай чоки оралиғида тор ёриқ қолади. Бу эса тил ўрта консонантларининг артикуляцион экскурсияси ҳисобланади. Шу ўринда тил ўрта консонантнинг асосий қисми ҳисобланган шовқин шаклланади. Ўзбек тилида тил ўрта консонантлари асосан й, ҳ товушларидан иборат. Бу консонантлардан фақат й товуши барча лексикага оид сўзларда бирдай учрайди, лекин ҳ консонанти эса фақат ўз сўзлардагина қўлланади. Аммо у ниҳоятда кам. Рус тилидан қабул қилинган г, к консонантлари айрим фонетик ҳодисаларга кўра тил ўртага ниҳоятда яқий артикуляция қилинса ҳам, уларни, туб моҳиятига кўра, тил ўрта консонанти деб бўлмайди. У айрим ҳолатлардир.

Тил орқа консонантларида тил танасининг орқа қисми кенг ёйилиб, четлари жағ тишларининг орқа қисми четига бориб тиралади ва усти кўтарилиб юмшоқ танглайнинг қаттиқ танглай билан чегарадош ўрнига туташади ёки тил эгати билан танглай чоки оралиғида ёриқ қолдиради. Бу тил орқа консонантларининг артикуляцион экскурсияси ҳисобланади. Шу ўринда тил орқа консонантнинг асосий қисми ҳисобланган шовқин шаклланади. Ўзбек тилида тил орқа консонантлари асосан г, қ, х товушларидан иборат. Бу консонантлардан г, қ товуши лексиканинг барча қатламларига оид сўзларда учрайди, лекин х консонанти эса фақат рус тилидан ўзлашган лексикага оид сўзлардагина кузатилади.

Тил орқа консонантлари артикуляциясида тил учи орқата қортилган бўлиб, сал пастга эгилади.

Чуқур тил орқа консонантларида тил илдизининг орқа қисми кутарилиб, кичик тил таги ва танзилла безининг юзасига бориб туташади ёки кичик тил теги билан тил эгати орасида тор ёриг қолади. Тил танасининг орқа четлари эса жағ тишлари тугаш жойига сал урилади. Бу чуқур тил орқа консонантларининг артикуляцияон экскурсияси ҳисобланади. Шу уринда чуқур тил орқа консонантининг асосий қисми ҳисобланган шовқин шаклланди. Ўзбек тилида чуқур тил орқа консонантлари асосан к,ғ,х товушларидан иборат. Бу консонантларнинг ҳаммаси асосан ўз лексикага оид сўзларда учрайди. Шунингдек, улар эроний ва араб тилларидан ўзлашган сўзларда ҳам қўлланади. Бу артикуляция урнида яна портловчи п жарангли ундош ҳам ҳосил қилинади. Бироқ у тил орқа артикуляция ўрни шаклланмаган болаларга хос бўлиб, уни г товуши ўрнида қўллайдилар.

Бу артикуляция урни нечимда оғиз бўшлиғи кенг очилади. Бу оғиз бўшлиғининг тиклама ва ёнлама ҳолатида ҳам кузатилади. Ҳатто лаблар ҳам четларигача бир-биридан яққол нарилашади. Бу артикуляция ўрни ва усуллари ўзбекларнинг асосан ўзига хосдир. Бошқа халқларда шаклланган бўлса ҳам, бунчалик тараққий этмаган.

Бўғиз консонанти ўзбек тилида фақат битта бўлиб, у ҳам бўлса ўзлашган сўзларда қабул қилинган жарангсиз товушдир. Унинг артикуляциясида тил илдизининг япроқсимон торай олди қисми халқумнинг орқа девори томон тортилади. Ҳиқилдоқнинг халқумга ўтган ўрни сал тораяди. Оғиз бўшлиғи катта очилиб, тил пастки тишлар баробарида кўтарилади ва пастки курак тиш орқасига урилиб туради. Пастки лаб ҳам шу баробар булади, гоҳо тишнинг қирраси сал очилиши мумкин. Бу бўғиз товушининг артикуляцияон экскурсияси ҳисобланади. Шу ўринда ҳавонинг катта босим билан бўғиз деворига урилиб ўтиши бўғиз консонантининг асосий қисми бўлган шовқинни шакллантиради. Ўзбек тилида бўғиз консонанти фақат н бўлиб, у ҳам эроний ва араб тилларидан ўзлашган сўзларда учрайди.

Консонантлар артикуляция усулига кўра асосан тўртта бўлинади: а) портловчи консонантлар; б) сирғалувчи консонантлар; в) шипилдоқ консонантлар; г) қоришиқ (аффрикат) консонантлар.

Портловчи консонантлар артикуляциясида икки нутқ органи ўзаро туташади ва шу нутқ органлари туташган жой орқасига ҳаво туپланиб, босим ҳосил қилади. Бу эса портловчининг артикуляцияон экскурсияси ҳисобланади. Кейин ҳаво босими тутшиб турган икки нутқ органи... бирдан очиб; портлаб чиқади. Бу эса портловчи консонантнинг арти-

куляцияон кечими бўлади. Унинг жаранглиларидаги ун ва унинг резонатор тон манбалари бошқа нутқ органларидир. Ун товуш пайларида юзага келиб, резонатор тон артикуляцияда оғиз бўшлигининг кенг очилган ўринлари ва ҳалқумда уннинг акс садоси частотаси билан мослашуви орқали ҳосил бўлади.

Ўзбек тилида портловчи консонантлар б, д, д, т, г, к, қ товушларидан иборат. Ўзбек тилидаги портловчи консонантларнинг артикуляция ўрни лабнинг лабга, тил олдининг тепа курак тишлари милкига, тил орқасининг юмшоқ танглай тугаши, яъни танглай билан чегарасига, тил илдизи ортининг кичик тил ости ва танзилла беги соҳасига туташуви ҳисобланади. Ҳар бир артикуляция ўрни икки портловчи ҳосил қилиш имкониятига эга бўлиб, ҳосил бўлган портловчи консонантнинг бири жарангли, бири жарангсиз шаклланади. Шу артикуляция ўрнида улардан бири кузатилмаса, шу тилда шу имкониятдан фойдаланилмаган деб саналиши керак. Ўзбек тилида яна пастки лабнинг тепа курак тишга, тил ўртасининг қаттиқ танглайга туташуви билан ҳосил бўладиган портловчи консонантлар йук.

Сирғалувчи консонант ар артикуляциясида икки нутқ органи уз-аро жуда яқин келади ва шу нутқ органлари оралиғида ҳаво сизиб чиқиши учун тор ёриғ қолади. Бу эса сирғалувчи консонант учун артикуляцияон экскурсия ҳисобланади. Кейин эса ҳаво орасими билан икки нутқ органи орасидаги тор ёриғдан сирғалиб чиқади. Бу сирғалувчи консонантнинг артикуляцияон кечими бўлади. Портловчи консонантнинг артикуляцияон кечимида унинг шовқин компоненти юзага келади. Унинг жарангли типларига ҳос ун товуш пайларида ҳосил бўлиб, ҳалқум ва оғиз бўшлиғидаги акс-садо частоталари билан резонатор тонга бўйиб, ҳаво оқимида артикуляцияон органга келади.

Ўзбек тилида сирғалувчи консонантлар в, ф, в, ф, з, с, ш, ж, х, з, ж товушларидан иборат. Ўзбек тилидаги сирғалувчи консонантларнинг артикуляцияон ўрни лабнинг лабга, пастки лабнинг юқори курак тиш қиррасига, тил олдининг тепа курак тиш милкига яқинлашувидаги оралиқ ва тил ўртанинги қаттиқ танглайга, тил орқанинги юмшоқ танглай охири, яъни қаттиқ танглай билан чегарасига, тил илдизи охирининг кичик тил тағида туташганида тил эгати билан танглай чоки оралиғида шаклланган ёриғ, шунингдек, бўғизнинг маълум даража тораётган йўли ҳисобланади. Ҳар бир артикуляция ўрни икки сирғалувчи консонант ҳосил қилиш имкониятига эга бўлиб, ҳосил бўлган консонантларнинг бири жарангли, бири жарангсиз шаклланади.

Шу артикуляция ўрнида улардан бири кузатилмаса, шу тилда шу имкониётдан фойдаланилмаган деб ҳисобланади. Ўзбек тилининг ўзгичлигида қўлланувчи сирғалувчи консонантлар учун пастки лаб ва тепа курак тиш, тил орқа ва юмшоқ танглай, бўғиз оралиғи артикуляция ўрни йўқ. Бу артикуляция ўринлари четдан ўзлашган сўзлар артикуляцияси учун шаклланган. Шунга қарамай, жонли тилда бу артикуляция усулида шу артикуляция ўрни кечимини тўла деб бўлмайди.

Шипилдоқ консонантлар артикуляциясида тил олди қаттиқ танглай чокининг икки томонига милк яқинида тарновча шаклини олиб туташади ва тил учи тарновча орзида йўлни яна ҳам торайтириб юқори кўтарилган булади. Бу эса шипилдоқ консонант учун артикуляцияшон экскурсия ҳисобланади. Кейин эса ҳаво босим билан тарновча оралиғи ва тил учи- милк уртасидан сирғалиб ўтади. Бу шипилдоқ консонантнинг артикуляцияшон кечими бўлади. Кўрдикки, артикуляцияшон кечим ҳам тил олди тарновчаси оралиғидан, ҳам тил учи- милк уртасида амалга ошади. Шунинг учун ҳам бу консонантни икки фоқсли деб ҳам аталади. Аммо усулнинг физик ҳолатига қараб номланганда "шипилдоқ" дейиш туғрироқдир. Портловчи консонантнинг артикуляцияшон кечимида унинг шовқин компоненти юзага келади. Унинг жарангли типларига хос ун ва резонатор тон портловчи ва сирғалувчи консонантлардаги каби ҳосил бўлади.

Ўзбек тилида шипилдоқ консонантлар ж,ш товушларидан иборат. Шипилдоқ консонантлар фақат тил олди ва милк нутқ органлари иштирокидаги артикуляция ўрнида ҳосил бўлади. Бошқа нутқ органлари шипилдоқ консонант учун артикуляция ўрни вазифасини ўташ имконига эга эмас. Мавжуд артикуляция ўрнида ҳосил бўлган шипилдоқ товушлар, одатдагидек, бир жарангли, бир жарангсиз консонантдан иборат. Уларнинг жаранглиси булган ж консонанти ўзбек тилининг ўзлашган лексикасига оид сўзлардагина қўлланади. ш шипилдоғи эса лексиканинг барча қатламларига оид сўзларда учраши мумкин.

Қоришиқ (аффрикат) консонантлар артикуляциясида унинг таркибидаги товушлар артикуляция ўрни ўз вазифасини ўтади. Лекин унинг таркибидаги товушларнинг ёндош қўлланиши ҳар қандай товушнинг ёндош қўлланишидан фарқ қилади. Маълум бир сўздаги ёндош товушлар, юқорида қайд этган эдикки, биринчисининг артикуляцияшон рекурсияси иккинчисининг артикуляцияшон экскурсияси бўлган ҳолда талаффуз этилади. Мана шу оралиқ кечим сўздаги ҳар бир товушнинг мустақиллигини яққоллаштириб туради. Қоришиқлар таркибидаги икки



товушнинг биринчиси артикуляцион рекурсияга, иккинчиси артикуляцион экскурсияга эга булмаган ҳолда қўшиб, жипс артикуляцион кечимни ўтайверади. Бу, албатта, қоришиқ учун қисм булган товушлар ва бу икки товушнинг бирин=кетинлигидан келиб чиққан имконият билан ҳам боғли. Аниқроқ қилиб айтилса, қоришиқ таркибидagi биринчи товуш, албатта, портловчи, иккинчиси, албатта, сирғалувчи ёки шипилдоқ товуш булади. Бунинг устига ҳар иккиси ҳам бир артикуляция ўрнида қайд этилади. Бу биринчисининг артикуляцион кечими иккинчисининг артикуляцияч экскурсияси булиш имкониятини ўтайди ва иккинчи товуш артикуляцион кечими биринчи товуш артикуляцион кечимидан кейиноқ узилмай жипс қайд этилади. Шунинг ўзи қоришиқ консонантга хос артикуляцион кечим ҳисобланади. Шу сабабли ҳам бирор қоришиқ консонант йўқки, у ё икки портловчи, ё икки сирғалувчи, ё сирғалувчи – портловчидан таркиб топган бўлсин. Чунки бир артикуляция ўрнида ё жарангли, ё жарангсиз бирдан ортиқ ё портловчи, ё сирғалувчи бўлмайди. Икки артикуляция ўрнига оид икки товуш учун алоҳида артикуляцион экскурсия зарур. Бу қоришиқ консонант қисмлари артикуляцияси шартга мос эмас. Агар сирғалувчи аввал келса, кейинги портловчи учун, албатта, алоҳида артикуляцион экскурсия керак. Бу эса унинг аввалги товуш билан жипс талаффузига имкон бермайди.

Ўзбек тилида қоришиқ консонантлар ж, ч, ц товушларидан иборат. Масалан, ц қоришиғининг артикуляциясига эътибор берайлик. Аввал ц қоришиғи таркибидagi т консонанти артикуляцион экскурсияси бўлади. Бунинг учун тил учи тепа қурак тишлари милки остига тиралади. Унинг уст томонидан ҳаво босими тупланadi ва бирдам тил учи настига тортилиб, ҳаво портлаб ташқари чиқади. Тил учининг наст тортилиши эса у билан қурак тиш орасида тор оралик ҳосил қилади. Бу ц қоришиғининг с қисми артикуляцион экскурсиясидир. Энг с қисми артикуляцион кечими ўтади. Куришиб турибдики, бу ўринда ц қоришиғининг т қисми артикуляцион кечими с қисмининг артикуляцион экскурсияси вазиғасини ўтаган. Қоришиқ консонантнинг иккинчи қисми шипилдоқ товуш бўлса, биринчи товуш артикуляцион экскурсияси сал бошқачарoқ кечади. Масалан, ж қоришиқ консонантининг д қисми артикуляцион экскурсиясида худди ж товуши артикуляцион экскурсиясидаги каби тил оиди тарновча шаклида д тил танглай чоғига милк олдидa тутулади. Тил учи эса милк остига жипселашади. Чунки у д товуши артикуляцион экскурсиясон бўлади. д товуши арти-

куляцияон кечими ж шипилдоқ товуши артикуляцияон экскурсиясини утайди. Шипилдоққа хос иккинчи фокус – тил олдининг тарновча шаклда қаттиқ танглайга туташуви д товуши артикуляцияон кечимида ҳозирланган эди. Тил учининг милк остига яқин туриши эса д товуши артикуляцияон кечимида тил учининг милк остидан ажралиши бўлади.

Қоришиқ консонантларнинг, одатда, биринчиси жуда қисқа артикуляция қилиниб, иккинчиси чузиқроқ олинади. Масалан, жувон сўзидаги ж қоришиғининг биринчи қисми 10 м/сек да 2 гц билан қайд этилган, иккинчи қисми эса 50 м/сек да 15 гц билан қайд этилган. Улардаги товуш баландлиги ҳам фарқ қилади: биринчи қисм 200 гц баландликда талаффуз этилган бўлса, иккинчи қисм 300 гц баландликка эга. Товуш кучи эса биринчи қисмда 3-4 см амплитуда, пасажви хусусият билан берилган.

Қовушиқ консонантларда ж, ч консонантлари ўз сўзларда фаол қўлланади, аммо рус тили ва рус тили орқали Европа тилларидан қабул қилинган сўзлар таркибиди ж товуши, араб тилларидан ўзлашган сўзларда эса ч товуши учрамайди. Ўз сўзларда эса д қоришиғи бўлмайди.

Грузин фамилияларида учрайдиган дз қоришиғи артикуляцияси ҳақида ҳам юқоридиғи фикрларнигина айтиш мумкин.

Ўзбек тилидаги мавжуд қоришиқларнинг артикуляция ўрни фақат тил олдидир. Улар бошқа артикуляция ўрнида ҳам шаклланади. Масалан, немис тилида лаб=лаб артикуляция ўрнида ҳосил бўладиган pf аффрикати бор: applel. Лекин ўзбек тилида фақат юқоридагиларнинг ўзидир.

3= жадвал

## Консонантлар таснифи

Артикуляция усули	Артикуляция ўрни	Лаб консонанти		Тил консонанти				Бугиз консонанти
		лаб=лаб	лаб=тиш	тил олди	тил ўрта	тил орқа	чуқур тил орқа	
Портловчи консонантлар		б/п		д/т		г/к	қ	
Сирғалувчи консонантлар		в/ф		з/с	й/х	/х	ғ/х	/п
Шипилдоқ консонантлар				ш/ш				
Аффрикат консонантлар				ш/з	ғ/қ			

Диагональ чизиқча устида жарангли, оа тагида жарангсиз консонантлар кўрсатилди.

Жадвалга эътибор берилса, яна бир қонуният эътиборга ташла-  
ниши мумкин. Ҳз сўзларда қўлланадиган товушлар асосан лаб=лаб,  
л олди, чуқур тил орқа артикуляция ўринларида ҳосил қилинади.  
Тил ўртада сирғалувчилар, тил орқада портловчилар юзага келади.  
Портловчилар учун лаб=тиш ва тил ўрта, сирғалувчилар учун лаб=  
тиш ва тил орқа артикуляция ўрни йўқ. Артикуляция ўрининг бун-  
дай оралаб ўтиши муносабатда товушларни чалкаштирмаслик мажбури-  
ятидан келиб чиққан бўлиши керак.

Консонантлар нутқ жараёнида ёндош товушлар билан ё акустик,  
ё артикуляцион мослашиши, бир хиллашиши мумкин. Лекин ҳамма ванг  
ҳам шундай бўлавермайди. У нутқ кечимида ҳеч қандай таъсирга бэ-  
рилмаслиги ва барча хусусиятлари сақлангани ҳолда қўлланавериши  
ҳам кузатилади. Бунда у Ҳз қобили билан қўлланади. Уни эса тил-  
шуносликда аспирация деб аталади.

Аспирация консонантнинг нутқ кечимида тугалланма билан қўлла-  
ниши бўлиб, бу тугалланма товуш пайида ҳосил бўлган ҳаво тебра-  
нишидан иборат. Бунда мускул зўриқуви бўлмагани ҳолда товуш пай-  
лари оралиғи тораяди. Наҳас бу торайган оралиқдан чиқар экан,  
вуш пайларини тебретмай, ўзи тебраниб чиқиб келади, У мана шу  
ҳаво тебранишидир. Аспирация ҳамма вақт ундошдан кейин унлигача  
бўлган оралиқда қайд этилади.

Аспирация асосан жарангсиз портловчи консонантлардан кейин  
кузатилади. У шу консонантларнинг сўздаги ўрнига қараб туоли чу-  
зиқликда бўлади. Сўзнинг сўнгги товушида аспирация анча чузиқ ке-  
лади. У ҳатто 90-150 м/сек. чузиқликда келиши ҳам мумкин. Масал-  
дан: тут', кеч', чўп', тук', тўқ'наби сўзларнинг охириги ундошдан  
кейинги аспирация анча чузиқ. У сўзнинг биринчи товушидан кейин  
нисбатан қисқароқ бўлади. Масалан: ч'ок, т'ок, п'ул, қ'ул каби  
сўзларнинг биринчи ундошдан кейинги аспирация сал қисқароқ,  
25 м/сек дан 75 м/сек гача кузатилади. Унлиаро жарангсиз портлов-  
чи консонантлардан кейин аспирация деярли кузатилмайди. Агар у  
бўлса ҳам, 5-10 м/сек дан ортиқ бўлмайди. Бу консонантнинг жаранг-  
ли бўлишга мойиллиги, тебраниш миқдорининг камайиши, кучсизланиши  
билан изоҳланади.

Аспирация бугун ургуви билан ҳеч қандай алоқаси бўлмаган ҳол-  
да амалга ошади.

## СИЛЛАБИКА

Фонетиканинг силлабика баҳсида бугин, унинг тишлари, тугайлиши ҳақида фикр юритилади, яъғи унинг объекти бугин бўлади. Бугин эса ранг=баранг изоҳларга эга.

## Бугин нима?

Бугинни тилшуносликда турли экстроллингвистик нуқтаи назарлардан изоҳлашга ҳаракат қилинган. Улар қуйидагича:

1. Экспиратор назарияда бугинни нутқнинг ҳар нафас нарбида талаффуз этилувчи қисми, деб изоҳланади. Бу назария XIX аср немис лингвистлари томонидан илгари сурилган бўлиб, янги тилшуносликда Стетсон (1951 йил) каби тилшунослар ҳам унга қўшилганлар. Бироқ бу назария экспериментал фонетистлар томонидан оқланмади. Чунки нутқ талаффузидаги зарблар миқдори билан бугинлар миқдори ҳамма вақт ҳам бир хил чиқмайди.

2. Сонорлик назариясининг асосчиларидан бири датчан лингвист Есперсендир. У товушларни товушланиш баландлигига қараб классификация қилган. Товушланиш баландлиги товушларнинг акустик сифатига қараб белгиланади. Яъғи жарангсизлардан жаранглилар, жаранглилардан сонорлар ва ҳаммасидан унлилар ҳам оғизнинг қанчалик очилишига қараб товушланиш баландлигига эга бўлади. Бу қарашга кўра фақат унлиларгина эмас, сонорлар ҳам нутқдаги товушларнинг баландлигини шакллантириши ва бугин ажратиши мумкин. Бу нуқтаи назар айрим европа тилларига хос бўлиб, уни ўзбек тилига тадбиқ этиб бўлмайди. Ўзбек тилида эса товушланиш баландлиги ҳамма вақт нутқдаги унлига тугри келади. Нутқда икки унли ёнма-ён қўлланиши ҳам мумкин. Сонорлик назариясига кўра бу икки унли бир товушланиш баландлиги ҳисобланиб, уни бир бугинда деб қараш керак бўлади.

3. Артикуляцияда мускулларнинг кучланиши турличалигига ҳам асосланиб, бунда нутқ оқимидаги товуш қаторининг изчил ҳолатда кучланиши ва бушаниши назарда тутилади. У дастлаб 1929 йил француз лингвисти М.Граммон томонидан илгари сурилиб, Л.В.Шерба уни тараққий эттирган.

Нутқ оқимининг бир булаги кучланиш билан бошланади ва кучсизланиш билан тугайди. Марказида маълум товуш булиб, уни бугин ясовчи товуш деб қаралади. У маълум даража чўзилиш имконига эга. Масалан, спорт сўзининг о товуши бугин ясовчи ва унинг олдидан

келган сп товуш занжири, кетидан келган рт товуш занжири бўгин ясамайдиган товушлардир.

Бўгин ясамайдиган товушлар одатда ундошлардан иборат бўлади. Бўгин деярли шу ундошлар занжирида ажралади. Ундошлар эса уч кўринишда учрайди: а) кучли бошланувчи ундошлар. Бунда улар кучли бошланади ва кучсизланиб тамомланади. Улар бўгиннинг унлисидан кейин келади. Шунинг учун бўгин унлисидан кейин талаффуз кучсизланиб боради. Масалан, ур=, ол=, от=, ут=, ой= ва ҳоказоларда; б) кучли туговчи ундошлар. Бунда улар кучсиз бошланади ва кучайиб тугайди. Улар бўгин унлисидан аввал келади. Масалан, ма=, де=, ю+ра+ди ва ҳоказоларда; в) икки баландликка эга ундошлар. Бунда улар кучли бошланиб, кучли тугайди ва оралиғида қандайдир пасайиш кузатилади. Бундай ундошлар чўзиқлик хусусиятига эга бўлиб, ҳамма вақт/унлилараро ҳолатда қулланади. Улар бўгиннинг бўлиниш ўрнига тўғри келиб, бўгин чегараси унинг кучсизланган ўрнида бўлади. Кучли бошланган қисми аввалги бўгиннинг ауслаути (сўнгтовуши), кучли тугалган қисми кейинги бўгиннинг анлаути (олдтовуши) ҳисобланади. Масалан, кар+ра, қат+тиқ, ис+сиқ, оп+нок ва ҳоказоларда. Бу товушлар тилшуносликда геминат дейилади.

Тилшуносликнинг энг сўнги қараш и нутқни бўгинларга ажратишда шу учинчи назарига, яъни мускулларнинг кучланиши турлилигига асосланган назарияга таянади. Уни акустик-артикуляцион нуқтаи назардан характерлайди. Бу эса ўзбек тилшунос олими А.Р.Фулломовнинг бўгин нутқнинг бир нафас тўлқинида айтиладиغان қисмидир, деган фикрига ҳам мос келади. Чунки нафас тўлқини артикуляция кечими-га қараб мос ҳолатда берилади. Унинг тўлқини нутқнинг ҳар бир бўғинига мутаносиб бўлади.

#### Бўгин тузилиши

Бўгиннинг марказида унли товуш бўлади. Шунга кура бўгин уч қисмга бўлинади: а) бўгин боши - бўгин ясовчи товуш баландлигига гача булган қисм; б) бўгин маркази, ёки баландлиги - бўгин ясовчи товуш баландлигидан кейинги қисм. Бўгин баландлиги унли товушдан иборат бўлиб, бўгин боши ва охири эса ундош товушлардан таркиб топади.

Бўгин боши ва охири нўлга тенг келиши ҳам мумкин. Масалан, олма, элма, азда каби сўзларнинг биринчи бўғинида бўгин боши, иккинчи бўғинида бўгин охири нўлга тенг. Ўзбек тилидаги ўз лек-

сизгага оид сўзларнинг фақат биринчи бўғинининг бўғин боши нулга тенг бўлади. Бўғин охирининг нулга тенг бўлиши учун бундай чегара йўқ. Ўзлашган лексикага оид сўзларнинг кейинги бўғинларида ҳам бўғин боши нулга тенг бўлиши кузатилади. Масалан, санъат, хайъат, алте+бра+ик, калоид, а+де+ут сўзларидаги каби.

Ўзбек тилининг уз сўзларида бўғин боши фақат бир ундошдан иборат бўлади. Масалан, те+рак+тор, ча+ва+лак каби сўзлар бўғинидагига ўхшаш. Ўзлашган қатламдаги сўз бўғинларининг бўғин боши бирдан ортиқ ундошдан иборат бўлиши ҳам мумкин. Яъни: трак+тор, спринт, приз ва ҳоказоларда. Ўзбек тилининг барча қатламларига оид сўзлар бўғинининг бўғин охири бир ва ундан ортиқ бўлиши мумкин. Масалан, орт+қич, зирк+дик, торт, рак сўзларининг бўғинларидаги каби.

### Нутқнинг бўғинга ажралиш хусусиятлари

Нутқни бўғинга ажратиш одатда сўз доирасида ўзгарилади. Лекин ўзбек тилидаги уз сўзлар билан ўзлашган лексикага оид сўзлар бўғинларини ажратиш икки хил характерда. Ўз лексикага оид сўзларни бўғинга ажратиш анча қулай, стабил қонуниятлар асосида бўлиб, ундан четга чиқиш ҳоллари учрамайди. Аммо ўзлашган лексикага оид сўзларни бўғинга ажратиш эса анча қийин. Шунинг учун аввал ўз лексикага оид сўзларнинг бўғинга ажралишини кўриб чиқамиз.

Ўзбек тилининг уз сўзларидаги фақат биринчи бўғингина бўғин бошига эга бўлмаслиги, яъни унли билан бошланиши мумкин. Масалан, ил+га+ри, ота, ол+ди ва ҳоказо сўзларнинг биринчи бўғини каби. Ундан қолган барча бўғинлар бўғин бошига эга бўлади. Юқоридаги мисолларнинг биринчи бўғинидан қолган барча бўғинлари шундай. Ўз сўзларнинг биринчи бўғини бўғин бошига эга бўлмаслиги унинг ўзига V ёки V+K ёки V+K+K тузилишига эга бўлиши билан боғлиқдир. Туркологларнинг қайд этишича, бундай тузилишга ўзак морфемалар тарихий тараққиёт натижасида ўз анлаутини йўқотган. Аслида улар ҳам ундош билан бошланган туб сўзлар бўлиши керак. Яъни тарих нуқтаи назаридан ўзбек тилининг ўз сўзларида бўғин боши бор эди.

Ўзбек тилининг ўз сўзлари бўғинга ажралиши ҳам сўзлар бўғинининг шу хусусиятига асосланади.

Демак, кўп бўғинли сўзларнинг икки унлиси орасида нечта ундош келса ҳам, бир ундош билан кейинги бўғин бошланади ва шу ундош шу

*Ссс*

бўгиннинг бўгин бошиси бўлиб қолади. Масалан, чо+да+дй, ор+тиқ, сурт+кич ва ҳоказоларга эътибор беринг.

Агар унлилараро ундош геминат бўлса, геминатнинг талаффузда кучсизланган ўрнидан бўгин ажралади. Шунинг учун ҳам геминатлар графикада такрор ҳарф билан қайд этилади. Масалан, кат+та, ис+сиқ, тиз+за.

Куп бўгинли сўзларнинг икки унлиси ўртасида икки ундош келиб, бу ундошларнинг иккинчиси я, ю, е, ё каби графемаларда қайд этилувчи й жаранглисидан ибора бўлса ҳам, бундай уринларда қатор ундошнинг ўртасидан бўгин ажралади. Масалан, оқ+ем, муз+ё+ар, дов+юк+ла+гич сўзларидаги каби.

Ўзбек тилининг ўзлашган лексикасига оид сўзларнинг бўгинга ажралиши икки нуқтаи назардан таҳлил этилади: 1) шарқ тилларидан ўзлашган қатла... бўйича; 2) рус тили ва рус тили орқали ўзлашган қатлам бўйича.

Шарқ тиллари: эроний ва араб тилларидан ўзлашган қатламга оид сўзларнинг бўгинга ажралиши ўз сўзларнинг бўгинга ажралишидан деярли фарқ қилмайди. Айниқса, эроний тиллардан ўзлашган қатламга оид сўзларнинг бўгинга ажралиши ўз қатламга оид сўзларнинг бўгинга ажралиши билан айнан бир хил. Араб тилидан ўзлашган сўзларда фарқлар бор: ундош унлилараро кейинги бўгиннинг бўгин б ши эмас, балки аввалги бўгиннинг бўгин охири вазифасини бажаради. Масалан, санъ+ат, ҳайъ+ат, бидъ+ат.

Араб тилидан ўзлашган оузларда яна сузнинг биринчидан сунгги бўгинининг бўгин боши нулга тенг ҳолда ажратилиши, шунингдек, бунга сўзда қатор унли қўлланганлиги сабаб бўлиши ҳам мумкин. Масалан, му+ат+тар, му+ал+лақ, ма+о+риф, мат+ба+а.

Рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзларнинг бўгинга ажралиши асосан қуйидагича:

1. Сўзларда унлилараро ундошлар бўлса, бунда ҳамма вақт бўгин ўша ундошдан аввал ажратилади. Масалан, де+пу+тат, гэ+ле+гат, са+даг, ра+ма, за+ём, ра+дон ва ҳоказо сўзлардаги каби.

2. Сўзлардаги унлилараро икки ундош бўлиб, уларнинг аввалгиси й жаранглиси бўлса, бўгин ундан кейин, яъни шу ундошлар ўртасидан ажралади. Масалан, сой+юк, ча+ка, кой+ка, лёт+ка. Агар унлилараро икки ундошнинг кейингиси сонорлардан бири эни жаранглиси бўлса, ундошларнинг иккинчи ҳам кейинги бўгиннинг бўгин бошиси сифатида ажралади. Масалан, п+я+ю+и+т, ти+бонг, ча+гит. Агар ун-

дилараро қўш ундош икки жарангсиз ёки икки сонор ёки биринчиси сонор ва иккинчиси жарангсиз келиб, аввалги унли урғу олган бўлса, бугин қўш ундош уртасидан ажралади. Масалан, оп+ти+ка, ар+ми+я, қар+та, бом+ба. Агар худди шундай қўш ундош келиб, кейинги бугинда урғу келса, қўш ундош кейинги бугиннинг бугин бошиси сифатида қолади. Яъни, оп+ти+ка, ка+рго+граф, ар+ме+ец. Ундилараро ундош геминат бўлса, ўз сўзлардаги каби бугин ажралишини кўриш мумкин: вил+ла, гам+ма, сум+ма ва ҳоказо.

3. Агар суз унлилари ўртасидаги ундошлар миқдори иккидан ортиқ бўлиб, урғу аввалги унлига тушса, ундошлардан биринчиси у билан бир бугин қурилмасига киради ва бугин охири вазифасини бажаради. Қолган ундошлар кейинги бугиннинг боши вазифасини ўтайди. Масалан, Смо+лен+ский, зем+ство, гал+стук, ганг+стер. Агар урғу кейинги бугинларда бўлса, қатор ундошларнинг ҳаммаси кейинги бугиннинг боши вазифасини бажаради. Масалан, ра+эряд, ра+стра+та, га+стри+т.

4. Рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзлар таркибида унлилар қатор қўлланганлигини ҳам кузатиш мумкин. Бундай ҳолларда бугин унлилар уртасидан ажратилади. Масалан, а+э+до+пдан, го+эл+ро, ма+дму+а+зел.

#### Бугинларнинг тузилиш таркибига кўра турлари

Ўзбек тилида бугинларнинг тузилиши кўпинча туб сўзлар тузилишига тенг келади. Буни ўзлашган сўзлар доирасида ҳам кўриш мумкин. Ўз лексикага оид туб сўзларнинг бугинга тенг келган ўринларида бугин тузилиши таҳлил этилар экан, унинг турлари унча кўп эмас. Ўзлашган лексикага оид туб сўзларга тенг келган бугинларнинг эса тузилишига кўра турлари нисбатан кўпроқ. Шунинг учун уларни алоҳида-алоҳида ўрганамиз.

Ўз лексикага оид туб сўзларга тенг бугинларнинг тузилишига кўра турлари қуйидагича:

1. Бир товушдан иборат сўз - бугинлар. Улар фақат бир унлидан таркиб топади. Масалан, а сўроқ юкласи, у кўрсатиш олмоши, а, и, э каби ундов сўзлар фақат унли орқали ифодаланган бир бугинли сўзлардир.

2. Икки товушдан иборат сўз - бугинлар. Улар бир унли ва бир ундошдан таркиб топиб, икки турга бўлинилади.



а)  $n+v$  тузилишиг бугинлар. Масалан, ўз лексикага оид ма, де, е феоллари, форсчадан ўзлашган во ундов сўзи, на боғловчиси, до сифати; арабчадан ўзлашган ва боғловчисини кўрсата оламиз.

б)  $v+k$  тузилишли бугинлар. Масалан, ўз лексикага оид от, од, ил, ва, эк, из, уч эроний тиллардан ўзлаштирилган об, он, ор, уд каби сўзлар.

3) уч товушдан тузилган сўзга тенг бугинлар. Улар бир унли ва икки ундошдан таркиб топиб, уч турга бўлинади.

а)  $v+n+k$  тузилишли бугинлар. Масалан, ўз лексикага оид орт, арч, ост, эри; араб тилларидан ўзлашган ишқ, адл, акл, илм, ирс, азм, узр каби; эроний тиллардан ўзлашган арк, ашк, илк, унс, уфқ каби; рус тилидан ва рус тили орқали Европа тилларидан ўзлашган акт, альт, икс, экс каби сўзларни кўрсатиш мумкин.

б)  $k+v+k$  тузилишли бугинлар. Ўз лексикага оид, масалан, тиз, тий, тик, тил, тин, тиш, тиқ; араб тиллардан ўзлашган нур, сир, даф, важ каби; эроний тиллардан ўзлашган нон, нар, кар, кад, зик, боғ, гўл; рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган зал, бак, газ, пар, бас, вал каби сўзларни кўрсатиш мумкин.

4) Тўрт товушдан тузилган сўзга тенг бугинлар. Улар бир унли ва уч ундошдан таркиб топиб, икки турга бўлинади.

а)  $k+v+k+k$  тузилишли бугинлар. Масалан, ўз лексикага оид қирк, тарк, тинч, янч, санч, торт, қирқ; арабчадан ўзлашган хусн, қадр, одр, расм, нақш; эроний тиллардан ўзлашган қант, гўшт, банд, даст, панж, ганж каби; рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган метр, гетр, парк, типс, кедр, кадр каби сўзлар.

б)  $k+k+v+k$  тузилишли бугинлар. Рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ичида бор. Масалан, клей, крап, драц, граф, грим, дэот ва ҳоказолар.

5. Беш товушдан таркиб топган сўзга тенг бугинлар. Улар бир унли ва тўрт ундошдан таркиб топиб, уч турга бўлинади.

а)  $k+v+k+k+k$  тузилишли бугинлар. Фақат рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлаштирилган қатламдагина учрайди. Масалан, текст, тебр, боршч, контр, пункт, фильм ва ҳоказолар.

б)  $k+k+v+k+k$  тузилишли бугинлар. Фақат рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган қатламда бор. Масалан, бюст, спирт, кварц, спорт, старт, стенд, трест ва ҳоказолар.

в)  $k+k+k+v+k$  тузилишли бугинлар. Фақат рус тили ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган қатламдагина бор. Масалан,

взвод, взнос, плюс, пляж, оквер, склад, ствол ва ҳоказолар.

6. Олти товушдан тузилган сўзга тенг бўғинлар. Улар бир унли ва беш ундодан таркиб топиб, фақат рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган қтламдаги сўзлар доирасида учрайди ва икки турчага бўлинади:

а)  $k+n+v+k+k+k$  тузилишли бўғинлар. Масалан, спектр, сфинкс сўзи шундай бўғиндан иборат.

б)  $k+k+k+v+k+k$  тузилишли бўғинлар. Масалан, спринт сўзи шундай бўғиндан иборат.

Юқорида сўзга тенг бўғинлар тузилиши ҳақида тўхтаб ўтдик. Кўп бўғинли сўзларда эса бўғинларнинг тузилиши турлари нисбатан кўпроқ бўлади.

Бир ёки икки товушдан иборат бир бўғинли сўз қандай тузилишга эга бўлса, кўп бўғинли сўзларда ҳам худди шундай тузилишли бўғинларни кўплаб учратиш мумкин. Масалан:

1.  $v$  тузилишли бўғин: олим, элак, ияк, а+ро+стат ва ҳоказо.

2.  $v+k$  тузилишли бўғинлар: ал+да, ил+моқ, ас+та, ил+мий, об+ном, эс+киз ва ҳоказо.

3.  $k+v$  тузилишли бўғинлар: ма+на, да+да, ки+тоб, да+ра, ту+пик, фо+не+ти+қа ва ҳоказо.

Уч товушдан тузилган бўғинларнинг  $v+k+k$  ва  $k+v+k$  тузилиш-ли турлари бир бўғинли сўзларда бўлганидай кўп бўғинли сўзларда ҳам бор. Масалан: а) орт+тир, ост+лик, банд+ли, йис+дан;

б) тиз+за, тил+чи, нур+ли, сир+ли, зик+на, боғ+бон ва ҳоказолар каби. Кўп бўғинли сўзларда эса  $k+k+v$  тузилишли турлари ҳам учрайди. Масалан, кри+стал, бло+ка+да, блу+за, ил+ни+ка, мнө+ма, ске+лет ва ҳоказо сўзларнинг биринчи бўғини каби.

Тўрт товушдан тузилган бўғинларнинг  $k+v+k+k$  ва  $k+k+v+k$  тузилиши турлари бир бўғинли сўзларда бўлганидай кўп бўғинли сўзларда ҳам учрайди. Масалан: а) тинч=лик, санч=қи, нақш=ди, пай=ванд, қо+бальт, ди+серт; б) кри+стал, три+фтонг, мон+тер ва ҳоказолар каби. Тўрт товушдан тузилган бўғинларнинг  $k+k+k+v$  тузилишли турлари ҳам бўлиб, улар фақат рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлаштирилган кўп бўғинли сўзларда учрайди. Мамрон, скле+роз, скре+пер, сю+да, флс+гер, стра+те+гия ва ҳоказо.

Беш товушдан тузилган бўғинларнинг  $k+v+k+k+k$ ,  $k+k+v+k+k$

ва к+к+к+у+к т, зилишли турлари ҳам бир бўғинли сўзларда бўлганидай кўп бўғинли сўзларда ҳам учрайди. Масалан, а) ре+естр, э+пи+центр, ци+линдр; б) лин+гвист, сол+люкс, хло+ро+пласт, центрист, ци+влист; в) ма+ги+страль, ра+страт, скреп+ка, скрип+ка, справ+ка, стрел+ка ва ҳоказолар каби. Бундай тузилишли бўғинлар ўзбек тилида фақат рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар таркибида учрайди.

Беш товушдан тузилган бўғинларнинг к+к+к+у тузилишли турлари ҳам бўлиб, улар ҳам фақат рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлаштирилган кўп бўғинли сўзларда учрайди. Масалан, зе+мство, де+кстро+за ва ҳоказолар.

Олти товушдан таркиб топган бўғинларнинг к+к+к+у+к+к тузилишли тури бир бўғинли сўзларда бўлганидай кўп бўғинли сўзларда ҳам учрайди. Масалан, ги+рлянд сўзида.

Кўп бўғинли сўзларда олти товушдан таркиб топган бўғинларнинг яна к+к+к+к+у+к тузилишли тури ҳам учрайди. Бироқ у ё сўнгги бўғин сифатида келади, ё унинг сўнгги товуши сонор, й жаранглиси, юмшоқ унли кабилардан бири бўлади. Масалан: де+кстрин, ка+строль+ка ва ҳоказо. Олти товушдан тузилган бўғинлар ҳам фақат рус тилидан ва рус тили орқали бошқа тиллардан ўзлаштирилган сўзларга ҳосдир.

#### В Бўғинларнинг тузилиш хусусиятига кўра турлари

Ўзбек тилидаги сўз бўғинлари, турғироғи, нуқта бўғинлари турлича тузилишга эга. Бўғинлар тузилиши турли нуқтаи назардан турли турларга бўлинади. Бу нуқтаи назарлар бўғиннинг 1) тузилиши, 2) акустикаси, 3) чўзиқлиги кабилар.

Бўғинлар тузилишига икки нуқтаи назардан қаралади: а) бўғин боши нуқтаи назари; б) бўғин охири нуқтаи назари.

Бўғинлар бўғин боши нуқтаи назаридан икки турга бўлинади: очиқ бошланган бўғинлар, ёпиқ бошланган бўғинлар.

Очиқ бошланган бўғинларнинг бўғин боши бўлмайди, яъни бўғин унли билан бошланади. Масалан, ол+ти, пл+гак, ор+тик каби сўзларнинг биринчи бўғини шундай. Бундай бўғинлар ўзбек тилининг ўз лексикасидаги сўзларнинг ёқат биринчи бўғинида келади. Ўзлашган лексикадаги сўзларнинг эса кейинги бўғинларида ҳам очиқ бошланган бўғин учраши мумкин. Масалан, о+а+рис сўзида.

Ёпиқ бошланган бўғинлар бўғин бошига эга бўлади, яъни бўғин ундоз билан бошланади. Масалан, к+д+хор, т+л, к+л, бу+ғин каби.

Бўгинлар бўгин охири нуқтаи назардан икки типга бўлинади: очиқ бўгин, ёпиқ бўгин.

Очиқ бўгинларнинг бўгин охири булмайдди, яъни унли билан тугаган бўлади. Маса эн, да+да, ма+сая+да, қи+я, дра+ма, ме+та+фо+ра каби.

Ёпиқ бўгинлар бўгин охирига эга бўлади, яъни у ундош билан тугайди. Масалан, пас+порт, ғил+тин, нок+вой, нақ+қош каби.

Бўгинлар ўз тузилишидаги шу икки хусусиятга кўра қуйидаги турларда бўлади:

1) очиқ бошланувчи очиқ бўгин. Масалан, а+на, о+да, и+лик каби сўзларнинг биринчи бўгини шундай.

2) очиқ бошланувчи ёпиқ бўгин. Масалан, ол+тин, ил+ғак, ас+лий, арс+дон каби сўзларнинг биринчи бўгини шундай.

3) ёпиқ бошланувчи ёпиқ бўгин. Масалан, бар+моқ, қий+шиқ, қол+хов, нон+вой, рас+сом каби сўзларнинг барча бўгини шундай.

4) ёпиқ бошланувчи очиқ бўгин. Масалан, да+да, ко+ра, са+ра, гу+ва+ла, ре+во+лю+ци+я каби сўзларнинг барча бўгини шундай.

Бўгинлар акустик нуқтаи назаридан ҳам турларга бўлинади. Бунда бўгиндаги унли ва ундошларнинг ўрнашиши тартиби роль уйнайди. Унли ва ундош товушлар таркибида, бизга маълумки, ун ва шовқин миқдори турличадир. Агар уларни балли шкала бўйича ҳисобласак, унлилар 4 балл, сонорлар 3 балл, жаранглилар 2 балл, жарангсизлар 1 баллдан белгиланади. Шунга кўра бўгин товушларини тавсифласак, бўгинлар турли турларга бўлинади. Албатта, бунда бўгиннинг боши ва охири эътиборда тутилади.

1) силлик (бўгин боши ва охири йўқ, кесилган ҳолатда). Масалан, а+э+ро+план сўзининг биринчи ва иккинчи бўгини шундай;

2) кучаювчи (ёпиқ бошланувчи очиқ бўгин типлари эътиборда тутилади). Масалан, ма=, де=, шу=, бу= сўзларини тартиб топтиргак бўгин шундай;

3) пасаявчи (очиқ бошланувчи ёпиқ бўгин типлари эътиборда тутилади). Масалан, от, од, ит, эт каби;

4) кучаювчи=пасаявчи (тула, яъни ёпиқ бошланувчи ёпиқ бўгин, боши ва охири енгил типлари эътиборда тутилади). Масалан, кўз, нон, бир, тур каби.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, бри+га+дир сўзининг биринчи бўгини ҳам кучаювчи бўгин деб қаралади. Аммо унинг бўгин боши икки ундошдан иборат. Шунга қарамаст, улар балл шкаласига кўра ҳар хил.

яъни 234 деб олинади. Унда товушлар кучайиб борганлиги кузатилади. Шунга ухшаш орт сўзида таркиб топган бўгин ҳам пасаювчи ҳисобланиб, унинг товушлари балли шкаласи 43I ни кўрсатади. Фронт сўзида таркиб топган бўгин кучаювчи=пасаювчи бўгин бўлиб, унинг товушларида ифода топган баллар қуйидагича жойлашган: I343I Шулар қатори шта+пель сўзининг биринчи бўгинини кучаювчи деб бўлмайди. У текис кучаювчи бўгин деб қаралади. Чунки унинг товушлари балли II4 ҳолатидадир. Шунга ухшаш ост сўзини таркиб топтирган бўгин ҳам текис пасаювчи деб қаралади. Чунки унинг товушлари балли 4II ҳолатида жойлашган. Штифт сўзида таркиб топган бўгин эса текис кучаювчи=пасаювчи бўгин бўлиб, унинг баллари системаси II4II деб олинади.

Бўгинлар чўзиқлиги нуқтаи назаридан ҳам икки турга бўлинади: чўзиқ бўгинлар, қисқа бўгинлар.

Чўзиқ бўгин одатда ёпиқ бўгинларнинг ҳаммасидан иборат бўлади. Масалан, юр, дон, от, оқ, орт, сирт сўзларидаги мавжуд бўгинлар чўзиқдир. Очiq бўгинлар деярли қисқа бўгин бўлади. Масалан, да+ла+да, хи+ра, қу+ра каби сўзларнинг бўгинлари очиклиги учун ҳам қисқадир. Чўзиқ бўгин нутқга алоҳида талаффуз қилинади. Қисқа бўгин нутқдаги талаффузида кейинги бўгин билан қўшиб юборилади. Масалан, қолхов даласи бирикмасидаги 1- ва 2- бўгин чўзиқ, улар алоҳида талаффуз қилинади, 3- ва 4- бўгин эса қисқа, улар 5- бўгинга қўшиб талаффуз этилади.

Чўзиқ бўгин фақат ёпиқ бўгиндан иборат эмас. У очик бўгин бўлиши ҳам мумкин. Бироқ бунда очик бўгин унлиси чўзиқ бўлиши керак. Масалан, тарих сўзининг 1- бўгини очик, лекин чўзиқ. Чунки унинг унлиси чўзиқдир. Сўзларнинг сўнгги бўгини очик бўлса ҳам, одатда чўзиқ бўлади. Чунки ўзбек тилида сўзнинг сўнгги бўгинига лексик урғу т.лади. Л.В.Шербанинг таъбирича, урғули бўгиннинг унлиси яна ярим хисса чўзиқ талаффуз этилади. Масалан, Кўзларимга кеча тонг отгунча уйку келмади (Навоий). Бу мисрада и 4 =, I2 =, I5= бўгинлар очик бўлса ҳам, чўзиқдир.

#### Бўгин ва ҳижо

Ҳижо сўзи бўгин сўзнинг тежик тилидаги вариантыдир. Аммо ўзбек тилида ҳижо сўзи бу маъноси билан қўлланмайди, балки атама сифатида адабиётшунослик атамашунослигидан урин олган. Бу атама классик адабиётда шэърятдаги вази ўлчови сифатида қўдалайди.

Албатта у бугин атамасида ифодаланган тушунчадан тамоман бошқа тушунчани билдирмайди. Ҳижо ҳам, турган гапки, бугинга асосланган, бироқ шеъриятдаги айрим нозик талаблар ҳисобига кура ўзига хос фарқлар билан шаклланган. Турғироғи, ўзбек шеъриятига тил хусусияти жиҳатидан мос бўлмаган аруз вазнининг кириб келиши тилдаги мавжуд бугин хусусиятини ҳам ўнга мослаштириш мажбуриятини юзага келтирди. Натижада, аруз вазни тал ҷларини қондириш учун ўзбекча суз бугинларини арабча суз бугинлари асосида яратилган улчовга мослаштириб, шеъриятда қўллаш пайдо бўлди. Мана шу аруз вазнида қўлланадиган, арабча суз бугинлари асосида яратилган ўлчовга мослаштирилган ўзбекча суз бугинлари адабиётшуносликда ҳижо атамаси билан аталади. Шунинг учун ҳам, араб тилидан ўзлашган сузлар ўзбек шоирлари томонидан аруз вазнида қўлланадиган, бугин хусусияти бирор уринда ҳам бўзилмайди.

Ўзбек тилида бугинларни ҳижога ўтнашиш, турган гапки, пала-партиш, турғи келганча олиб борилмайди. Бу ҳам нутқдаги мавжуд бугинларнинг маълум турлари доирасида, маълум имкониятлардан четга чиқмаган ҳолда бўлади. Албатта, унда лексик бирликларнинг маъносига ҳилоф қилмаслик ва грамматик қонуниятларга путур етказмаслик масалалари ҳам ҳисобдан четда қолмаган. Чунки лексик бирлик ва грамматикада фонетика ҳал қилувчи воситадир. Бунга риоя қилмаслик нутқнинг вазифасини йўққа чиқарган бўларди ва аруз вазнидаги шеъриятни яроқсиз бир ҳолатда шакллантирарди. Бошқача қилиб айтганда, у бичиқчи томонидан бузиб қирқилган матога айланиб қоларди.

Ҳижо бугиндан қуйидаги уринларда фарқланиши кузатилади.

1. Ҳижода қатор ундош қўлланмайди. Бўғинда эса қатор ундош келиши мумкин. Шундай уринда бугин ҳижо талабига мослаштирилади.

2. Ҳижода чўзиқ унли бўлса, у очиқ ҳолда келади. Бўғин эса чўзиқ унли билан ёпиқ ҳолда келиши ҳам мумкин: Бундай ҳолда ҳам уни ҳижо талабига мослаштирилади.\*

3. Бўғиндаги айрим тил орқа унлиларини сўнъий чўзиқлик бериб, ҳижо талабига мослаштириш мумкин.

Мана шу имкониятларни қуйида алоҳида ўрганиб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Бўғиндаги бугин охири вазифасида келган қатор ундошнинг кейингиси ҳисобида қисқа ҳижо ҳосил қилиниб, у ҳижо билан мослаштирилади. Масалан: Зум сари турти ва лекин йўлинг (Навоий). Бу

мисрадаги зудм сўзи, бир бўгин бўлгани ҳолда, зуд+м ҳолида чўзиқ ва қисқа ҳижо сифатида қўлланган. Бундай тузилишли бўгин сўз ўртасида кайд этилса ҳам, у икки ҳижога бўлинади. Масалан, Айдар ани, назмда доно писанд (Наввий). Бу мисрадаги назмда сўзи, икки бўгин бўлгани ҳолда, наз+м+да ҳолида бир чўзиқ ва икки қисқа ҳижо сифатида қўлланган. Агар бундай тузилишли бўгин мисра охирида келса, у ўзгарисиз чўзиқ ҳижо сифатида қўлланаверади. Масалан, оқоридаги мисра охиридаги писанд сўзи икки бўгин (пи+санд) дан иборат. Унинг иккинчи бўгини охири қатор ундошлидир. У мисрада ўзгарисиз чўзиқ ҳижо сифатида қўлланган. Бир бўгинли сўз қатор ундошга эга ауслаути (сўнгги товушли) бўлса, у билан сандки (қўшиб талаффуз этилган) ҳолатдаги кейинги сўз алаути (бош товуши) унли бўлганда, қатор ундошнинг кейингиси шу сўз бўгини схири ҳисобланмади. У кейинги сўзнинг биринчи бўгини боши бўлади. Бу ҳолда бўгин билан ҳижо мос келади. Масалан: Лаъли майи ақли маст айласа (Наввий). Бу мисрадаги маст айласа бирикмаси мас+тай+ла+са каби бўгинларга бўлинади. У ҳижоларга ҳам худди шундай ажратилади.

Очиқ бўгинларнинг унлиси чўзиқ бўлса, шу бўгин чўзиқ бўлганидай, ҳижо сифатида ҳам чўзиқ қўлланади. Масалан: Сўздин агар айласа ҳомуш лаб (Наввий). Бу мисрадаги ҳомуш сўзининг биринчи бўгини очиқ, аммо унлиси чўзиқ бўлгани учун, бўгин ҳам чўзиқдир. Бу ҳижо учун ҳам мос ҳисобланади. Агар чўзиқ унлига эга бўгин ёпиқ бўлса, бўгин охири бўлган ундошни қисқа ҳижо сифатида ажратиб қўллаш зарурияти туғилади. Масалан, оқоридаги ҳомуш сўзининг кейинги бўгини унлиси чўзиқ ва унинг учун сўз ауслаути қисқа ҳижо сифатида қўлланган. Сўз эса икки чўзиқ ва бир қисқа ҳижога яъни хо+му+ш ҳолатида ажратилган. Бундай бўгиннинг бўгин охири сўз ўртаси бўлган тақдирда ҳам, у қисқа ҳижо сифатида ажратилади. Масалан: Форси бўлди чу алавога адо (Наввий). Бу мисрадаги форси сўзи бир чўзиқ ва бир қисқа бўгиндан иборат. Лекин чўзиқ бўгиннинг унлиси чўзиқ бўлганлиги учун, бу сўз бир чўзиқ, икки қисқа (фо+р+си ҳолида) ҳижоларга ажратилиб қўлланган, яъни фор бўгинининг бўгин охири бўлган р сонори қисқа ҳижо сифатида олинган. Чўзиқ унлиси бўлган бўгин мисра охирида қўллansa, у ўзгарисиз чўзиқ ҳижога тенг келади. Масалан: Дек сонорининг даги бозори бор (Наввий). Бу мисрадаги дек ва бор сўзлари унлиси чўзиқ бўлган ёпиқ бўгиндан иборат. Лекин биринчи сўзнинг ауслаути қисқа бўгин

сифатида ажратилиб, де+к ҳолатида чўзиқ ва қисқа ҳижо қилиб қўлланган. Кейинги бор сўзи эса мисра охири бўлгани учун бир чўзиқ-ҳижо сифатида қайд этилган. Бозори сўзининг бо бўғини чўзиқ унлига эга бўлса ҳам, очиқ бўлгани учун, чўзиқ ҳижо сифатида ўзгаришсиз қўлланган.

Сандхи ҳолидаги икки сўзнинг биринчиси охиридаги бўғин чўзиқ бўлиб, чўзиқ унлига эгаллиги ҳолда иккинчиси бошидаги бўғин очик бошланса, бўғин билан ҳижо тенг ҳисобланади. Чунки бунда ҳам биринчи сўз ауслаути кейинги сўзнинг биринчи бўғини боши сифатида қўлланади ва бу ҳижо талабига мос келади. Масалан: Ёйдибон ҳар бири ислом аро (Навоий). Бу мисрадаги ислом аро сўзлари сандхи ҳолатда қўлланиб, улар ис+до+ма+ро ҳолатида бўғинга ажралади. Бу бўлиниш эса ҳижога бўлиниш билан бир хил.

Чўзиқ унлига эга ёпиқ бўғин логик ургу тушган сўзнинг ёки тактдаги сунгги сўзнинг охириги бўғини бўлса, бўғин охири бўлган ундошни ажратиш ҳижо талаби бўлмайди. Масалан:

Гурбатда гариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.  
Олтин қафас ичра гар кўзиқ гуд бутса,  
Булбулга тикандек ошён бўлмас эмиш (Навоий).

Бу рубоийдаги шодмон, меҳрибон ва ошён сўзларига логик ургу тушган. Шунинг учун бу сўзларнинг чўзиқ унлига эга сунгги бўғинлари ёпиқ бўлса ҳам, уларнинг ауслаути ажратилмаган.

Сўздаги бўғин ургусини кўчириш орқали маълум бўғин сифати ўзгартирилиши, яъни қисқа ҳижо чўзиққа айлантириб қўлланиши мумкин. Масалан, қеча сўзи икки очик, яъни қисқа бўғиндан иборат. У худди шундай ҳолатдаги ҳижо сифатида қўлланади. Масалан: Ҳар чечá бу гафлат ила қушгача (Навоий). Бу мисрадаги қеча сўзи икки қисқа ҳижо сифатида берилган. Айрим ҳолларда бу сўзнинг лексия ургуси аввалги бўғинга сунбий ҳолда кўчирилади. Бу ургули бўғин чўзиқ қўлланиши имконини беради. Масалан: Чеча қелгумдур дебон, ул сарв гулрў келмади (Навоий). Бу мисрадаги қеча сўзи ке+ча ҳолида чўзиқ ва қисқа ҳижо қилиб қўлланган. Оқорида келтирилган Ёйдибон ҳар бири ислом аро мисрасидаги ёйдибон сўзнинг биринчи ҳижоги чўзиқ қўлланиши ҳам қайд этиб ўтилган имконият билан боғлиқдир. Туман ургу олган бўғиндан кўпгина ўринларда чўзиқ ҳижо сифатида қўлланилади. Масалан: Қоши қадимий жафодан ё қилдур (Навоий). Бу



мисрадаги қаддимни сўзининг сўнгги бўғинига урғу тушган. Шунинг учун у очиқ бўгин бўлишига қарамай, чўзиқ ҳижо сифатида қўлланган.

Айрим очиқ бўгинлар унлисига сунъий чўзиқлик берилса, у чўзиқ ҳижо сифатида қўлланиши мумкин. Масалан: юқоридаги рубоийнинг Эл анга шафиқу меҳрибон булмас эмиш мисрасига эътибор берилса, унинг шафиқу сўзидаги иккинчи бўғини очиқ, яъни қисқа. Аммо унинг унлисини чўзиқ талаффуз этиш орқали, чўзиқ ҳижога айлантирилган. Бу имконият эса ҳамма бўгинларда ва ҳар қандай бўғиннинг унлисида бўлавермайди. Масалан, юқоридаги сўзнинг сўнгги бўғини қисқа, лекин уни чўзиқ ҳижога айлантириш имкони булган ва ундан фойдаланилган. Унинг биринчи бўғини ҳам қисқа, бироқ уни чўзиқ ҳижога келтириб бўлмайди. Очиқ бўгинларнинг унлиси кўпроқ тил орқа бўлса, уни сунъий чўзиш ва чўзиқ ҳижони юзага келтириш имконияти бўлади.

Бўгинлардаги унлилар ўрнини алмаштириш ҳам қисқа бўғинни чўзиқ ҳижога ўтказиш имконини беради. Аммо бу имконият ниҳоятда чегараланган. Масалан, қо<sup>о</sup>а > қаро, ора > аро, сара > саро каби сунгги метатезалар шундай: Сурма қўймай мунча ҳам жанон қародир кўзларинг (Муқими\*). Бу мисрадаги қародир сўзи қисқа ва икки чўзиқ ҳижо сифатида қўлланган. Аслида эса икки қисқа ва бир чўзиқ бўғинли сўз эди. Мазкур ўзгартириш билан у ҳижо тилабига мослаб олинган.

Қўринадики, аруз вазнидаги шеърлар ҳижоси кўпгина ўзбек тилига асосланган шундай бўғинга бўлиниш нормасига мос келмайди ва бу феъллар имкониятдан келиб чиқиб юзага келтирилган бўлади. Одатда шеърятдаги ҳар қандай вазн, ҳатто жанргача у оид бўлган тил хусусиятига асосланиб, унга мос ҳолда юзага чиқади. Шунингдек, шу тил фактлари ўша вазнда, ҳатто жанрда ҳам ўз табиий хусусиятларини ўзгартирмаган ҳолда қўлланади.

Аруз вазни ўзбек тили учун қанча номувофиқ булмасин, у "Муҳаббатнома" яратилган даврдан бери Муқимийлар давригача ўзбек шеърятда етакчи вазн бўлиб келди. Ҳозирги даврда ҳам классик мусиқа учун танланган сўз шу вазндadır. Шунинг учун унда қўлландиган ҳижо бармоқ вазнидаги шеърларда ҳам уз ўрнини сақлаган. Масалан, Ҳ.Олимжоннинг "Икки қизнинг "икюяси" номли поэмасида шундай тўртлик бор:

Булган эмиш қиз шунда пайдо  
Суз бўйида мисли офтоб.  
Бугун дунё бўлиб ойна,  
Акс этганмиш жаҳон боб=боб.

Бу банддаги офтоб, ойна боб=боб сузлари икки бўғинли бўлиб, шоир уларни уч хижога ажратиб қўллаган. Яъни: о+ф+тоб, о+й+на, боб+боб ҳолида. Бунда чўзиқ унлига эга ипиқ бўғинни икки хижога ажратиш имкониятидан фойдаланган. Бўғиннинг бўғин охири бўлган ундеш қисқа хижо сифатида ажратиб қўлланган.

### А К Ц Е Н Т У А Ц И Я

Акцентуацияда тилнинг турли сатҳларига оид birlikлардаги ургулар баҳс юритилади. Ургулар тилдаги сугерсегмент (уст ма) элемент ҳисобланади. Суге сегмент элемент тўғридан-тўғри кўрсатувчи, яъни сегмент (асос) элемент устига қурилган ифода элементидир. Ургулар, тилнинг қайси сатҳидаги birlikда намоён бўлишига қараб, уч типга бўлинади: 1) суз ургуси; 2) синтагма ургуси; 3) айирув ургуси.

#### Суз ургуси:

Суз ургуси сўздаги айрим бўғиннинг барча товушларида<sup>2</sup> ифод топилшига қарамай, асосан шу бўғиннинг унлисида акс этади. Бунда сўзнинг ургу тушган бўғини бошқа бўғинларига нисбатан фарқли талаффуз этилади. Бу фарқли талаффуз товуш кучи, товуш баландлиги, товуш чўзиқлиги ва ҳатто сифати кабиларида кузатилади. У мана шу акс этиш белгиларига қўра яна уч турга бўлинади: а) динамик ургу, б) музикал ургу, в) квантитатив ургу.

Динамик ургу (зарб ургуси) ургу тушган бўғин бошқа бўғинларга нисбатан кучли талаффуз этилишидир. Сўзлар талаффуз этилаётганда тингловчи ургу тушган бўғинни бошқа бўғинларга нисбатан кучли қайд қилингани; унга таъкид қаратилганлиги билан ажратиб олади. Ациллографик лентда унинг унлиси қайдидаги амплитуда ортиқлиги кузатилади. Ҳинд-Европа оқласидаги рус, украин, поляк, немис, француз, латин, испан, форсий, тожик каби бир қатор тиллар сўзларидаги лексик ургу динамикдир.

Музикал ургу (оҳанг ургуси) ургу тушган бўғин бошқа бўғинларга нисбатан паст ёки баланд талаффуз этилишидир. Бундай ургулар сўзларнинг бошқа бўғинлари билан тежис баландликка эга бўлади.

Асциллографик лентадаги сўз қайдининг таҳлилида урғули бугин товуши герци бошқа бугинлар товушлари герцидан ё юқори, ё пааст курсаткич беради. Музикал урғу хитой, япон, кхмер, серб тилларидаги сўз урғусига хос.

Квантитатив урғу (чўзиқлик урғуси) урғу тушган бугин сўздаги бошқа бугинларга нисбатан сезиларли чўзиқ талаффуз этилишидир. Асциллографик лентадаги сўз қайдига эътибор қилинса, квантитатив урғу тушган бугин бошқа бугинларга нисбатан ортиқроқ м/сек ағаллганлиги курама. Араб тилларининг сўз урғуси шундай урғуга асосланган.

Ўзбек тилидаги сўз урғусини тилшуносликка оид барча эслаб ўтилган Уринларда динамик деб қаралади. Бу фикр маълум даражада тўғри. Деярли ҳолатларда ўзбек тилидаги сўзнинг урғу тушган бугинига берилган куч бошқа бугинларга берилган кучдан сал ортиқроқ бўлади. Бу аса оддий кучоқ учун унча сезиларли эмас. Шунинг учун ҳам ўзбек тилидаги сўзларнинг сўз урғуси қайси бугиндалигини дафъатан ажратиб бериш жуда қийин. Расм булган фикрларга нўра у охириги бугинда деб курсатилади. Рус тилидаги сўз урғуси аниқ динамик бўлгани учун у яққол ҳис этилади. Масалан, рус тилида ҳам, ўзбек тилида ҳам беда сўзи бўлиб, ҳар иккисида ҳам урғу иккинчи бугинда. Уларни қиёс қилинса, ўзбек тилида урғунинг динамикилиги қанча пастлиги яққол билинади. Ўзбек тилидаги сўз урғусининг асосий компоненти вақт миқдоридан келиб чиқади. Урғу тушган бугин ўзбек тилидаги сўзларда товуш кuchi жиҳатидан бошқа бугинлардан баъзан паст, баъзан фарқсиз ёки сал ортиқ бўлиши мумкин, ammo вақт миқдори жиҳатидан устун туради. Масалан, гудноз сўзининг иккинчи бугинида урғу бўлиб, 1 = бугинга 12 м/сек., 2 = бугинга 22 м/сек., сарфланган. Уларнинг 1 = бугини унлисида товуш кучи амплитудаси 7 мм., 2 = бугини унлисида 8 мм.дир. Ammo бироз сўзида аса бошқача. Унинг ҳам урғуси 2 = бугинда бўлиб, 1 = бугинга 10 м/сек. 2 = бугинга 26 м/сек. сарфланган, лекин 1 = бугини унлисида товуш кучи амплитудаси 8 мм., 2 = бугини унлисида 7 мм.дир. Курълиб туюибдини, бироз сўзининг урғули бугини динамикилиги аввалги бугиникидан кам. Яъни ўзбек тилидаги сўз урғуси квантитативдир. ○

Сўз урғусининг ўзига хос фонетик асоси ҳам бор. У мана шу фонетик асоси моҳиятига қўра икки типга бўлинади: а) лексик урғу; б) ёрдамчи урғу.

Лексик ургу фақат лентатив ифодали сўзларда бўлиб, бир сўзнинг фақат бир бўғини унлисида қайд этилади. Сўз бир бўғинли бўлса, унинг ўзи лексик ургу билан талаффуз этилиб, кўп бўғинли бўлса, лексик ур.у маълум бўғинга тушган ҳолда, қолган бўғинларни шу бўғинга марказлаштириб талаффуз этилишини белгилайди.

Ёрдамчи ургу сўзда, агар у кўп бўғинли бўлса, бирдан ортиқ бўлиши мумкин. Ёрдамчи ургуда ҳам худди лексик ургудаги каби товуш миқдори ургу моҳиятини ташкил этади. Бироқ лексик ургудаги товуш миқдори фақат унлига хос бўлиб қолмай, бўғиннинг сўнгги товушида ўз моҳиятини белгилайди. Ўзбек тилидаги ёрдамчи ургулар, одатда, асосан тоқ бўғинларда акс этиб, бўғин бутунлигини сақлашга хизмат қилади. Шунинг учун ҳам кучсизланган товушлар бу бўғинларда бўлмайди. Масалан, истаралик сўзининг ургуларига эътибор қарсак, унинг тоқ бўғинларида ёрдамчи ургу бўлиб, сўнгги бўғинида лексик ургу бор. Унинг 1= бўғини охиридаги с товуши 90 м/сек., 2= бўғини охиридаги а товуши 80 м/сек., 3= бўғини охиридаги а товуши 90 м/сек., 4= бўғини охиридаги қ товуши 120 м/сек. вақт олган. Яъни 2= бўғин охиридаги товуш энг кам вақтни олган, чунки унда ёрдамчи ургу ҳам йўқ. Сўнгги бўғинида лексик ургу бўлгани учун унинг охириги товуши энг кўп вақтни олган. Бу бўғиннинг унлиси ҳам шундай. Унлиларга кетган вақт тақсимоти д товуши учун 20, а товуши учун 80, яна а товуши учун 90, и товуши учун 150 м/сек. вақт кетган. Бу сўзда лексик ургу олган бўғин вақт сарфи билан яққол ажралиб туради. Аммо ургусиз бўғин фарққа эга бўлса ҳам, унча кескин эмас. Иккинчи бир ўқисин сўзида эса жуда катта фарқ билан кўзга ташланади. Ундаги вақт тақсимоти ў товушига 10, қ товушига 80, и товушига 20, с товушига 13, и товушига 100, н товушига 10 м/сек. дан тўғри келади. Қўрилиб турибдики, иккинчи бўғин ургусиз бўлгани учун, унинг унлиси фақат 20 м/сек. вақт олган.

Лексик ургунинг яна бир қисми товуш кучи, яъни динамиқлигидир. Гарап у Ўзбек тилида ургу моҳияти бўлмаса ҳам, маълум даража ўз ўрнига эга. Масалан, ўқисин сўзининг 1= унлисига 8 мм., 2= унлисига 6 мм., 3= унлисига 9 мм. билан ўлчанувчи амплитудали куч сарфланади. Қўрилиб турибдики, сўнгги бўғин лексик ургули бўлгани учун унинг унлисидаги амплитуда энг катта, биринчи бўғин унлисида экинчи, иккинчи бўғин унлисида экинчи, иккинчи бўғин унлисида экинчи бўлгани учун ундаги лексик ургу ҳам кучли. Яъни ёрдамчи ургули бўғинида ҳам

товуш кучи берилади. Баъзи ҳолларда у лексик ургули бугин унли-сининг даражасида бўлиши ҳам мумкин.

Умуман ургули бўгинларда товуш баландлиги бошқа бугинлардигидан сал юқорироқ бўлади. Бироқ лексик ургуининг товуш баландлиги ёрдамчи ур ули бўгинниқидан деярли фарқ қилмайди. Масалан, ўқисин сўзининг I= ва 3= бўгин унлияри I60 гц. 2= бўгин унлиси I50 гц. баландликда та.аффуз этилган.

Товуш тебери ҳам, ургуининг қимматига қараб, ургули бугинларда меъёр олади. Бу шу бўгиннинг нутқ кечимидаги ўрннга қараб белгиланади.

Лексик ургу ўз қўлланиш ўрнига ҳам эга бўлади. Шу ўринга кура икки турга бўлинади: эркин ургу, боғли ургу. Лексик ургу-нинг бундай турларга бўлиниши эса ургу хусусиятидан келиб чиқмайди. У маълум тилдаги сўзлар умуман қандай ўринда лексик ургу-га эга бўлиши билан боғли ҳолда белгиланган. Маълум тилдаги сўзларнинг лексик ургуси қайси лартибдаги сўгинда келиши қатъий бўлмайди. У бир сўзда олди-ги бўгинда келса, бир сўзда кейингисида келади. Бундай тилдаги лексик ургуларни эркин ургу деб қаралади. Масалан, рус тилидаги лексик ургу эркиндир. Яъни рус тилидаги дорога 'йул', дорога 'азиз', дорога 'қиммат' сўзларининг лексик ургулари уч ўринда келган. Шунинг учун ҳам бу сўзларнинг лексик ургуси фонологик қимматга эга. Бунинг акс хусусиятига эга лексик ургулар боғли ургу бўлади. Яъни маълум тилдаги сўзларда лексик ургулар фақат маълум бир ўринда қайд этилади. Шу тилдаги лексик ургуларни боғли ургу деб аталади. Ўзбек тилидаги сўзларнинг лексик ургуси олдирга ўриндаги бўгинда келади ва боғли ургу деб қаралади. Ҳақиқатда ҳам буни кўп ҳолда кузатилади. Масалан, уроқ сўзида иккинчи, уроқчи сўзида учинчи, уроқчилик сўзида тўртинчи, уроқчиликда сўзида бешинчи бўгин лексик ургуни ўзида акс эттирган. Бу бўгин эса сўзнинг охирида жойлашган.

Немис тилидаги сўзларда лексик ургу биринчи бўгинда келади. Масалан, *brüder, händer, töchter* сўзларининг лексик ургуси фақат биринчи бўгинда. Поляк тилида эса лексик ургу охиридан аввалги бўгинда келади. Масалан, *połski* сўзида биринчи, *połskiego* сўзида иккинчи бўгинда лексик ургу ифода топган. Чунки улар охириги бўгиндан аввалги бўгиндир. Шунинг учун ҳам ўзбек, немис ва поляк тилларидаги лексик ургуларни боғли ургу деб қаралади. Лексик ургуларда лексик ургуни қатъий ҳолда боғли ургу деб бўлмайди.

Унинг лексик урғуси катта миқдорда эркин урғу ҳамдир. Боғли урғу асосан от ва феъл туркумига хос бўлиб, маълум даража унда ҳам чекиниш кузатилади. Масалан, отлардаги четдан, хусусан рус тилидан ўзлаштирилган сўзлар лексик урғуси эркин бўлади. Академик, аптека, механика, физика, рама, аглютинация ва ҳоказо сўзлардаги лексик урғулар кўриниб турибдики, эркиндир. Феълларнинг эса тақлидий-тасвирий сўзлардан ясалганларида ясовчи аффикслардан аввал лексик урғу берилади: бижирла=, вижирла=, шакилла=, визвиэла=, бабала=, бахбаҳла= кабиларда. Булар қўшимча билан қўлланса ҳам, ўз урғу ўрнини ўзгартмайди. Феъллар айрим майл қўшимчалари билан қўлланса ҳам, урғу феъл ўзагида келади. Масалан, қўргин=, тургин=, нўрсин=, боргин=, олсин=, бошла=, ташла=, сўзласин=, бўйлайн=, ўйлайн=, тўйлайн= каби феълларнинг ҳаммасида ҳам биринчи бўғинда урғу ўрин топган. Феълнинг формантли ҳолатида урғунинг сўнгги бўғинда боғли келмаслигига жуда кўп далиллар келтириш мумкин. Сифатларда ҳам лексик урғу худди шундай катъий ўринга эга эмас. Гарчи қизик, енгли, оғир, пучۇқ, ҳазил, сариг, урўғ, найнов, пақана, тиғиз каби сифатлар урғуси сўнгги бўғинда бўлса ҳам, йссик, ийжа, катта, оёққа, даққи, оппоқ, митти, жиққа каби сифатлар урғуси биринчи бўғинда. Сифатларнинг интенсив формалари, ра-дубликацияси кабиларда ҳам урғу охириги бўғинда бўлмайди. Сонларнинг тартиб билдирувчилардан бошқаларида урғу деярли бошқа бўғинларда, кўпинча охиридан олдинги бўғинда кузатилади. Олмош ва равиш туркумидаги лексик урғу ҳам тўлалиги билан эркин. Шундай бўлгач, ўзбек тилидаги лексик урғуни фақат боғли дейиш мумкин эмас. Унда эркин урғу ҳам деярли йримни ташкил этади.

Лексик урғу фақат денотатив ифодали сўзларда бўлиб, ёрдамчи сўзларда бўлмайди. Улар ўзи қўшилиб келган сўз урғусига марказлашади. Ўзбек тилидаги ёрдамчи сўзлар деярли ўзидан аввалги сўзга қўшиб талаффуз этилади. Масалан, Зебиҳон ҳам, Адолат ҳам... буни яхши ҳис қилишарди (С.Зуннунова) гагидаги ҳам ёрдамчи сўзи атоқли от билан бирга талаффуз этилади. Фақат ва боғловчи ўзидан кейинги сўзга қўшилган ҳолда талаффузда ифода топади.

Ўзбек тили - аглютинатив тил. Шунга кўра ўзак кетидан қўшимча орте боради. А\*рим сўзлар урғуси, айниқса, кейинги бўғинда боғли бўлар экан, аффикс ортган сари урғу ҳам кейинга сурила боради: ўроқчилик сўзининг шакл топишидаги каби. Баъзан эса қўшимча ортинчи билан боғли ҳолда лексик урғу охириги бўғинга сурилиб формасли-

ги мумкин. Шунга кўра лексик урғу яна икки турга бўлинади: турғун урғу, кўчувчи урғу.

Турғун урғу сўзнинг маълум бугинида акс этиб, унинг қўшимча олиши кечимида кейинги бўғинга кучмайдиган ва узгарилмас уз урғунида турадиган лексик урғудир. Одатда ўзбек тилидаги эркин урғули сўзларнинг урғуси турғун бўлади. Масалан, сон туркумидаги лексик урғу шундай. Йигирма сўзининг лексик урғуси иккинчи бугинда. Унга тача аффикси қўшилгач ҳам, у уз ўрғини ўзгартмайди: Йигирматача каби. Кучувчи урғу эса асосан боғли урғу билан боғли бўлади. Масалан, ўроқчиликда сўзининг урғуси аффиксация билан боғли ҳолда сўнги бугинга сурилиб келган. Унга яна аффикс қўшилса, урғу яна кўчиши мумкин. Яъни: ўроқчиликдаги, ўроқчиликдагилар каби. Кучувчи урғу боғли урғуга қатъий тобе эмас. У баъзи қўшимчаларга кўчмайди.

#### У Синтагма урғуси

Синтагма урғуси лексик урғудан умуман фарқ қилмайди. Турғунроғи, у бутун характери билан лексик урғунинг ўзи булгани ҳолда, синтагма таркибидagi бoшқа сўзлар лексик урғусидан барча қисмлари фарқли, яъни ортиқ камлиликгига кўра фарқ қилиб туради. Унинг бу қисмларчи товуш миқдори, товуш кучи, товуш баландлиги ва товуш сифати бўлиб, унга қўшимча ҳолда кетидан паузанинг кутилиши ҳам бор. Синтагма урғуси худди лексик урғу тушган бўғинлардагига ўхшаш ўз ифодасини асосан унли товушларда топади. Лекин унинг лексик урғудан фарқли томони ҳам булиб, бу фарқ, лексик урғу фақат денотатив ифодали сўзларда булгани ҳолда, у ёрдамчи сўз бугинида ҳам акс этишидир. Бунинг учун А.Цаҳҳордан олинган Менинг ўғлим=чи бундан ҳам баттар гагидаги ички синтагмани асциллографик тадқиқот асосида синтагма урғусининг барча қисмларига кура таҳлил этишимиз.

I. Ўзбек тилидаги лексик урғунинг моҳияти ҳисобланган асосий қисми товуш чузиқлигидир. Худди шу сабабга кўра ҳам ўзбек тилидаги синтагма урғусининг моҳияти унинг товуш чузиқлигидан Ўборат қисми ҳисобланади. Масалан, оқоридаги гапнинг биринчи синтагмаси менинг ўғлим=чи бирикмаси булиб, унинг бўғинларига сарфланган вақт 145-135-120-190-225 м/сек. дан булган. Қўрилиб турибдики, анг ортиқ вақт чи юкламасига сарф булган. Унинг учун ҳам у синтагма урғусини ифода этган дег олашимиз. Аммо чи юкламаси денота-

тив ифодали сўз эмас. Шунга қарамасдан, синтагмади биринчи уринга қўйилиши зарур бўлган таъкид юклама маъносидда бўлгани учун, синтагма ургуси ҳам унда. Юқорида яна, ургу уз ифодасини кунирқ унлиларда акс эттиши айtilган эди. Унлилардаги сарфланган вақт эса 65,50,80,50,140 м/сек. дан иборат. Куринадики, ўғлим сўзининг биринчи бўғинига лексик ургу тушгани ҳолда, кумақчида синтагма ургуси акс этган. Иккинчи синтагма бундан ҳам баттар бўлиб, унинг бўғинларига сарфланган вақт 270-175-185-215-280 м/сек.дан иборат. Унлилари эса 70,75,60,90,100 м/сек.дан вақтда талаффуз этилган. Куринадики, бу синтагманинг охириги сўзидаги лексик ургу синтагма ургуси ҳам бўлиб қолган. Чунки у биринчи сўз лексик уругусига нисбатан кўп вақт олган.

2. Синтагма уругусининг лексик уругуга нисбатан фарқловчи асосий томони ва қисми ундан кейин пауза кутулишидир. Бу эса синтагма талаффузидаги тезлик характери билан боғли, табиий ҳолда келиб чиққан. Чунки унинг тезлиги охирига қараб пасайиб боради ва пауза билан якунланади. Буни эса юқоридаги синтагма бўғинларига сарфланган вақт сарфини таҳлил этиб куриш орқали ҳам билиш мумкин. Шунинг учун биринчи синтагмадан кейин 375 м/сек. пауза бўлган. Иккинчи синтагмадан кейин ҳам пауза бор. Бироқ у гап тугашига мос келганлиги учун биринчи паузадан ниҳоятда ортиқ бўлмади.

3. Ўзбек тилидаги лексик уругунинг яна бир қисми товуш кучи деб айtilган эди. Шунинг учун ҳам синтагма уругусидаги қисмлардан бири товуш кучи бўлиб қолган. Аммо синтагма уругусида у қаттиқ қонуният асосида бошқа сўз лексик уругуси ёки бўғин товуш кучидан юқори амплитудали бўлавермайди.

Унда гап боши кучли старт олгани учун биринчи бўғин унлисининг амплитудаси 8 мм бўлиб, кейинги бўғинлар унлисининг амплитудаси кескин пасайган ва 6 мм га тушган. Синтагма уругусидаги унли амплитудаси яна 7,3 мм га чиққан. Иккинчи синтагмада биринчи сўз лексик уругуси тушган унли амплитудаси 5,9 мм, иккинчи сўз лексик уругуси тушган унли амплитудаси 7 мм дир. Кейингиси синтагма уругуси ҳам бўлгани учун аввалгисига қараганда сал ортиқроқ амплитуда билан талаффуз этилган. Бироқ ундан аввалги бўғин унлисининг амплитудаси шуда юқори 8,2 мм га етган. Бу эса тўғри кескили билан гапнинг охири пасайиб талаффуз этилиши билан боғли. Шунга қараб товуш кучи синтагма уругуси тушган бўғинга эмас, аввалги бўғинга берилган. Бу ҳолат тўғри кел-



симли гапларнинг охириги синтагма урғуси 1 хос қонуниятдир.

IV. Синтагма урғусида товуш баландлиги ҳам аҳамиятлидир. Биз юқориди айтган эдикки, лексик урғу тушган бўғин сузнинг бошқа бўғинларига нисбатан кўпинча ё баландроқ, ё баланд талаффузли бўғинларга тенг келади. Синтагма урғусида бутунлай унинг акси кузатилади. У тушган бўғин унлисида товуш баландлиги пасаяди. Масалан, юқоридаги гапнинг биринчи синтагма бўғинларидаги унлилар баландлиги е товушида I54, и товушида I40, у товушида I50, и товушида I40, кейинги и товушида I00 гц. дир. Кўриниб турибдики, товуш баландлиги синтагма охирига томон пасая борган. Иккинчи синтагмада ҳам шундай: у унлиси III, охириги а I76, кейинги а унлиси II7, учинчи а унлиси III, охириги а унлиси ҳам III гц. баландлиқда талаффуз этилган. Бу дараж гап синтагмалари оҳангга хос бўлиб, деярли тушувчи оҳангга эга. Чунки синтагма охирига томон тезлик секинлаша борар экан, турган гапки, оҳанг ҳам пастлаша боради.

Синтагмалардаги урғунинг товуш сифати лексик урғудаги қаби товушнинг аниқ талаффузини таъмин этмайди. Аксинча, у товушларнинг сунггиси сийқа, қулоққа аниқ чалинмайдиган ҳолда талаффуз этилишига олиб келади.

Синтагма урғуси ўзи бўлган сўздан аввал қўлланувчи ёрдамчи сўзда акс этмайди. Агар у синтагма охиридаги сўздан аввал келса, синтагма урғуси шу сўзнинг лексик урғусида ўз ифодасини топади. Ёрдамчи сўз эса ундан аввал тезроқ, товуш кучи ва товуш баландлиги ҳам паст ҳолда талаффуз этилади.

#### Айирув урғуси

Айирув урғуси гап интонацияси билан боғли, унинг қисми бўлган урғудир. У, одатда гапнинг бирор бўлагини, таъкидланиши керак бўлганлиги ёки субъект ҳаяжони юклатилганлиги учун, ажратиб кўрсатиш вазифасини ўтади. Бу урғу ўз моҳиятига кура икки тўрға булинади: а) логик урғу, б) эмпатик урғу.

Логик урғу (мантиқ урғуси) гапнинг диққат қаратилиши керак бўлган, таъкидланган бўлагини ўзига хос интонация билан талаффуз этилиши бўлади. Ўзбек тилидаги гапнинг логик урғу тушган бўлаги бошқа бўлақларга нисбатан кучли талаффуз этилади. Бу кучли талаффуз, яъни товуш кучининг ортиқ бўлиши логик урғу тушган бўлакнинг бошқа товушларига қардек таъкидланмайди. Чунки гапнинг логик урғу

тушган бўлаги вазифасидаги сўз бирдан ортиқ бўғиндан таркиб топган ва бўғинларда жарангсиз консонантлар бўлиши ҳам мумкин. Улар эса товуш баландлигига мутлақо эга бўлмайди. Бунинг устига сўзнинг жуфт бўғинлари, агар у лексик урғу олган бўлмаса, товуш кучи ва баландлигини ололмайди. Логик урғу тушган бўлакнинг асосан лексик урғу тушган бўғини кучли талаффуз билан қайд этилади. Одатда, юқорида қайд этганимиздай, ўзбек тилидаги сўзнинг лексик урғу тушган бўғинида, айниқса, унлисида товуш чўзиқлиги ортиқ бўлади. Бу эса унинг асосий қисми эди. Унинг ёрдамчи қисмларидан бири эса товуш кучи деб қайд этилганди. Гапнинг бирор бўлагига логик урғу тушар экан, шу бўлак вазифасидаги сўзнинг лексик урғу олган бўғини логик урғуни ҳам қайд этиш вазифасини олади. Бунинг учун ундаги товуш кучи оширилади. Яъни бу урғу акс эттираётган бўғинда товуш хусусиятининг биринчи ўриндаги қисми товуш кучи бўлиб қолади. Шу билан унда товуш чўзиқлиги ҳам ортиқ даражада эътиборли сақланади. Товуш баландлиги эса гапдаги товуш баландлиги берилган уринлардан бири бўлади. Масалан, А.Қаҳордан олинган Қушиқ энди авжига чиққан эди, гапнинг аспиллог аммасини тахлил қилиб кўрамиз. Ундаги товуш кучи амплитудаси у товушида 6,6, и товушида 6,3, э товушида 7, и товушида 6, а товушида 6,8, э товушида 7, а товушида 8, и товушида 4, а товушида 7,6, а товушида 5,6 ва и товушида 6 ҳолатда қайд этилган. Кўринадики, логик урғу авжига сўзига, яъни равиш ҳолига тушган. Яъни ҳолатни таъкидлаш гапнинг биринчи ўрнига қўйилган. Шунинг учун ҳам, унинг лексик урғу тушган бўғини бошқа сўзларнинг лексик урғули бўғинидан кўра ортиқ амплитудада куч билан талаффуз этилган. У лексик урғуни ҳам ўзида ифода этгани учун сўзнинг бошқа бўғинлари унлисига кўра чўзиқроқ 110 м/сек. давом этган. С, з да а товуши 85, и товуши 20 м/сек. вақт олган. Унинг бўғинлари ҳисобидаги вақт сарфида ҳам шу сўнги бўғин чўзиқ талаффузга эга: ав бўғинига 135, и бўғинига 80, га бўғинига 155 м/сек. вақт сарфланган. Товуш баландлиги жиҳатидан унинг биринчи, иккинчи бўғинлари 150 гц. атрофида - аввалги сўзлар баландлигида бўлиб, Кейинги бўғини 118 гц.га тушиб қолган ва кесимдаги унли товушлар баландлиги билан барава лашган. Чунки ўзбек тилидаги дарак гаплар оҳанги кесимга то'лиқ тушувчи баландликда бўлади. Бу эса логик урғу олган бўлакнинг сўнги бўғинида ўз аксини топади. Д.кин логик урғу олган бўлакнинг дастлабки бўғинлари ҳамма вақт гапдаги товушларнинг энг баландлигини

сақлаб қолади. Шу логик урғу олган бўлак деярли феъл кесим олдидан ўрин олади.

Айрим ҳолларда гапдаги бирор булакни таъкидлаш ва шу таъкид-ни кучайтириш учун, уни кесим олдидан келтириб, логик урғу берилади. Яна шу бўлак кесим кетидан такрорланади. Масалан: Яна қаромат килдилар, тақсир, қаромат (С.Аҳмад). Бу гапдаги унлиларга сарфланган куч қуйидагича: а унлисида 7,5, кейинги а унлисида 5,7 ва учинчи а унлисида 7,6, а унлисида 6,5, а унлисида 6,5, и унлисида 6,7, к йинги и унлисида 7, а унлисида 6,5 мм. амплитудага эга. Қуриниб турибдики, энг юқори амплитуда билан қаромат сўзининг биринчи бўғини бошланган, яъни унга логик урғу берилган. Аммо сўзловчи бу билан чекланиб қолмаган, логик урғу берилган бўлак таъкидини кучайтироқчи бўлиб, кесим кетидаги ундалмадан кейин яна такрорлаган. Бунда эса товуш кучини энг юқори даражада ортирган. Ундаги а унлиси 10,5, о унлиси 6,7, а унлиси 7,5 мм. амплитуда талаффуз этилган. Вақт сарфидаги ривожланиш ҳам шундай бўлади. Аввал берилган қаромат сўзи 455 м/сек да талаффуз этилган бўлса, кейинги такрори 500 м/сек да талаффуз этилган. Товуш баландлиги сал бешқачароқ кўринишга эга: логик урғу олган булак билан нинг такрори баландлиги деярли бир хил. Яъни логик урғу олган булак унлилари а - 171 гц., о - 165 гц., а - 145 гц. дан, унинг такрорида эса а - 150 гц., о - 175 гц., а - 156 гц. дан баландликда талаффуз этилган. Бу кўрсатки. уларнинг фақат кесимдан дастроқ талаффуз этилганлигини билдиради. Феъл кесим баландлиги эса деярли 200 гц.га тенг. Бу ўринда ҳам логик урғу олган бўлакда маълум даража товуш баландлиги сақланган.

Асциллограмма таҳлиллари шуни кўрсатадики, логик урғу олган бўлак деярли кесим олдига жойлашади. Бироқ жонли тилда унинг бувилиши мумкин. Чунки қайси бўлакка урғу бериш субъекти булиб, субъектнинг гапни қандай тузиши ва қайси ўриндаги бўлакка туширишига тоседир. Масалан, Сенга ким айтди? Ким айтди сенга? деган бир гапнинг икки вариантда тузилишида ҳам логик урғу сенга тўлдирувчисига туширилган. Биринчи вариантда 1= сўз унлилари 8,3 ва 8,6 мм., 2= сўз унлиси 8 мм., 3= сўз унлилари 6,6 ва 7,1 мм. амплитуда билан талаффуз этилган. Иккинчи вариантда эса 1= унлиси 6,5 мм., 2= сўз унлилари 6,7 ва 6,2 мм., 3= сўз унлилари 7,5 ва 9 мм амплитуда кучга эга бўлган. Қуриндики, ҳар икчи вариантда ҳам тўлдирувчи назифасидаги сенга сўзи унлилари амплитудаси

99  
юқори қайд этилган.

Одатда гап охиридаги фёъл кесимга логик ургу берилмайди. Чунки гап охиридаги фёъл кесимлар гапнинг тушувчи охирига тўғри келиши унга товуш кучи бериш учун имкон бермайди. Шунга қармай, гапнинг фёъл кесими ушшган бўлса, у гап охирида берилса ҳам, логик ургу олади. Масалан, Пашшалар шоҳи ялийди, ёлворди /А.Кяххор/ гапнинг ушшган кесимга логик ургу берилган. Бу гапнинг 1-сўзидаги а унлиси 8, кейинги а унлиси 7,2, ожирги а унлиси 7 мм; 2-сўзидаги о унлиси 7, и унлиси 6, мм.; 3-сўзидаги а унлиси 8, и унлиси 5, кейинги и унлиси 6,5 мм.; 4-сўзидаги о унлиси 8,1, кейинги о унлиси 6,5, и унлиси 6,5 мм. амплитудадә талаффуз этилган. Кўринадикки, э эл кесимлар юқори амплитудда билан бошланган, бироқ паст тамомланган. Бу эса фёъл кесим пасажони олганда тугалиши керак бўлгани учун унинг лексик ургуси логик ургуни ҳам қайд этмагани, аксинча, у ҳам логик ургу билан бирга фёълнинг биринчи ургусига кўчганлигини кўрсатади.

Фёъл кесимга логик ургу белгиладиган бўлса, қолган ҳолатларда унинг гапдаги ўрни ўзгартирилади, кўпинча олдинга ўтказилади.

Юқоридаги мисолларда фанат фёъл кесими гапларнинг мантиқ ургуси олган бўлагини кўрсатиб, ундаги товуш кучи, товуш бағъадлиги ва товуш чўзиқлиги ҳақида асциллографик таҳлиллар келтирдик. Бу кесими гапларнинг мантиқ ургуси тушган бўлган эса фёъл кесими гаплардагига нисбатан фарқ қилади. Уларда мантиқ ургуси от кесимнинг ўзига тушади. У эса одатдагидек гапнинг бошқа бўлақларига нисбатан кучли талаффуз этилади. Бу кучли талаффуз кесимнинг маъноли қисмлари /морфемалардан энг муҳимида ўз аксини топади. Бу кесимнинг унли товуши энг юқори амплитудда эга ҳолда талаффуз этилади. Масалан, Киз гунчадекки мисолига эътибор берайлик. Бу гапнинг эгаси бўлган киз сўзидаги и товуши 6,5 мм., кесимидаги 1-бўғиндаги у унлиси 6,3 мм., 2-бўғиндаги а унлиси 7 мм., 3-бўғини таркиб топтирган -дек морфемасининг 1-унлиси 8,2 мм., кейинги -кина морфемасининг 1- и унлиси 8 мм., 2- а унлиси 7, мм амплитуда куч билан талаффуз этилган. Кўринадикки, мантиқ ургуси гапнинг кесимидадир. Кесимнинг таъкидланганида эса ўхшатиш шакли ҳисобланган -дек морфемаси муҳим ўрин тутган.

От кесими гапларда кесим мантиқ ургуси олса, гапнинг олдинги кўчрилмайди. Чунки буларда эгаси маълум қисмини хабар ҳақидаги янгилик ҳамда эвкт кейин келтирилади. Агар улар ўрни алмаштирилса, гап булардан ваззаси ҳам алмаши болади ва кесим ваззасига ўтган сўз мантиқ ургуси олган бўлади. Шунинг ағтувал бўлақланганга кўра, бу катъий ҳақиқат.

Агар от кесим модал сўзлар, микдор равишлари ва бор, йўқ сўзларидан иборат мавжудлик билдирувчи сўзларда ифода топса, мантиқ ургуси кесимда қайд этилмайди. У кесимдан олдинги сўзда берилади. Масалан, Вой оворагарчилиги борми? гапнинг кесими бор сўзида ифода топган. Бу гаптаги мантиқ ургуси шу кесимдан олдин жойлашган эгага оворагарчилиги сўзига туширилган. Яъни ундаги вой ундовининг о унлиси 7,3 мм. куч билан талаффуз этилган. Гапнинг эга бўлган оворагарчилиги сўзигаги 1- о унлиси 7,5 мм., 2- о унлиси 6,4 мм., 3- а унлиси 6,2 мм., 4- а унлиси 7 мм., 5- и унлиси 7 мм., 6- и унлиси 7 мм., 7- и унлиси 6,5 мм. амплитудада; гап кесими вазифасидаги бор сўзининг 1- о унлиси 7,3 мм., 2- и унлиси 5,7 мм. амплитуда куч билан талаффуз этилган. Қўринадики, мантиқ ургуси кесимдadir. Ва унинг энг кучли талаффуз этилган кесим сўз ўзагида бўлиб, биринчи бўғиндadir. Одатда, модал сўзлар, микдор равишлари ва мавжудлик билдирувчи сўзларда, улар кесим вазифасини бажарган тақдирда ҳам, мантиқ ургуси жкланмайди. Улар мантиқ ургуси олганда эса гапнинг бошига кўчирилади. Бу жиҳатдан шу семантик майдондаги сўзлар кесим вазифасида қўлланганда феълларга яқин туради.

Эмфатик /ҳаяжонли/ ургу гапнинг ёрор бўлаги ёки бўлақларига сўзловчиликнинг кечинмаси, ҳаяжони, субъектив муносабати кабиларнинг юллатилганлигини кўрсатувчи интонацион қисмдир. Унинг логик ургудан фарқи шундаки, логик ургу тингловчи диққати қаратиладиган бўлакни аййриб кўрсатгани ҳолда, ҳаяжонли ургу ўз субъектив муносабати қаратилган бўлакни аййриб кўрсатиш вазифасини ўтайди. Логик ургу гапта бир бўлак /у ушган бўлиши ҳам мумкин/га тушади. Эмфатик ургу бир неча бўлакка, ҳатто, гапнинг маълум бир составига тушилиши ҳам мумкин. Логик ургуда товуш кучи асосий ўринда тургани ҳолда, эмфатик ургуда товуш чузиқлиги асосий ўринда туради. Шу билан бирга эмфатик ургу товуш кучи ва баландлигини ҳам инкор қилмайди, би-роқ у ҳамма вақт шарт эмас.

Эмфатик ургу кўпроқ белги билдирувчи сўзларга<sup>6</sup> тушади ва шу сўзнинг бирор бўғини ёки лексик ургули бўғинида ўз аксини<sup>6</sup> топади. Масалан, Мудойим тонг отди /М.Солиҳ/ гаптаги мудойим эганинг аниқловчиси бўлиб, унга эмфатик ургу берилган. Бунга сўзнинг иккинчи бўғинини чузиқ қўллаш билан эришилган. У 110 м./сек вақт олган. Ваҳоланки, гап тезлигига кўра ундаги товушлар ўртача 93 м/сек билан талаффуз этилган. Аммо бу сўз унлиларига берилган товуш кучи бошқа бўлак вазифасидаги сўз унлиларига берилган товуш кучидан

пăстроқдир. Яъни унинг биринчи ва иккинчи унлисидаги товуш кучи 7 мм., учинчисидаги 7,2 мм., амплитудага эга. Заҳоланг, тонг сўзи унлисида 8,5 мм., отди сўзи унлиларида 8 мм ва 6,6 мм амплитуда куч сарфланган. Бунинг сабаби товушни чўш билан боғлиқдир. Товуш баландлиги гапда энг юқори нукта ҳисобланади. Гапнинг эмфатик ургули булаг и унлиларида 140, 109°, 166 гц дан бўлиб, эга унлисида 133 гц ва кесим унлисида 91 ва 66 гц дан. Куринадики, эмфатик ургуда товуш чўзилар экан, унинг баландлиги ҳам ортади. Эмфатик ургули булакка хос яна бир эътиборли томон шундаки, ундан кейин деярли пауза кутилади. Бу гапда эмфатик ургули булакдан кейин 90 м/сек пауза берилган.

Эмфатик ургу ундалма, буйруқ билдирувчи сўз, вақатив гап ва биларга тушади. Масалан, Бор, ишингдан қолма (С.Аҳмад) гапида бор сўзига эмфатик ургу тушган. Шунинг учун гап тезлиги ҳар бир товуш ҳисобига 7 м/сек дан вақт сарфланиб талаффуз этилгани ҳолда, бор сўзига 330 м/сек вақт сарфланган. Унинг унлиси 120 м/сек вақт олган. Унга берилган товуш кучи билан баландлик гапдаги логик ургу олган бу логикидан кейин энг юқори нуктада қайд этилган. У эмфатик ургу олган булакка энг хос булган белги - 280 м/сек давом этувчи пауза билан тамомланганлиғидир.

Одатда от кесимли гапларнинг эгаси ҳам эмфатик ургу олган бўлади. Масалан: Қиз - гунчала қиз (А.Қаҳҳор) гапидаги эга қиз сўзи бўлиб, унга эмфатик ургу берилган. Шунинг учун ҳам, гапнинг тезлиги товуш бошига уртача 83 м/сек булгани ҳолда, эганинг тезлиги товуш бошига уртача 120 м/сек дан тўғри келади. Ундан кейин эса 90 м/сек пауза берилган. Бу, албатта, от кесимли гаплар уртасига бериладиган пауза бўлиб, ҳам, эмфатик ургу учун ҳам роль ўйнаган. Бироқ логик ургу кесимида булгани учун эганинг товуш кучи нисбатан паст, товуш баландлиги эса орта.

Гап ундов бўлса, бизга маълумки, унинг деярли булаклари ҳаяжон билан талаффуз этилади, яъни улар деярли эмфатик ургу олган бўлади. Улардаги товуш баландлиги ҳам юқори олинади. Масалан: Бари шонир бўла оларди! (С.Сабирова) гапининг эгаси вазиъасидаги бари сўзи ва кесимнинг етанди қисми вазиъасидаги доир сўзи, шунингдек формантили қисми булган оларди сўзи ҳаяжон билан талаффуз этилган. Унинг товушларида эътиборли вақтни қайд атайлик:

б товуши 210 м/сек.	қ товуши 60 м/сек.	д товуши 60 м/сек.
а товуши 130 м/сек.	у товуши 70 м/сек.	и товуши 110 м/сек.
р товуши 25 м/сек.	д товуши 25 м/сек.	вақтда талаффуз
и товуши 75 м/сек.	а товуши 50 м/сек.	этилган.
ш товуши 170 м/сек.	қ товуши 60 м/сек.	
о товуши 130 м/сек.	д товуши 40 м/сек.	
и товуши 90 м/сек.	а товуши 90 м/сек.	
р товуши 50 м/сек.	р товуши 40 м/сек.	

Вақт сарфига кўра куришиб турибдики, 1= ва 2= сўзда ҳаяжон кучли бўлган. Бу икки сўзда товуш баландлиги ҳам 150 гц. яқинида олиниб, товуш кучи 9-8 мм амплитудада қайд этилган. Гапда шу бўлачларнинг товуш кучи баланд бўлиши логик урғу билан боғлиқдир. Гап эгаси. логик урғу олган бўлиб, унинг 1= унлиси энг кучли - 9 мм амплитудада талаффуз этилган. Куришиб турибдики, гапнинг бирор бўлагига ҳам эмфатик, ҳам логик урғу тушар экан ундаги товуш кучи ҳам, товуш чўзиқлиги ҳам, товуш баландлиги ҳам гапда энг юқори бўлади.

#### И Н Т О Н А Ц И Я

Интонацияда маълум тилдаги гапларнинг талаффуз этилиш меъёри ҳақида баҳс оритилади. Уларнинг талаффуз этилиш меъёри эса суперсегмент элемент ҳисобланади. У уз хусусиятига кўра беш қисмга бўлинади: 1) гап тезлиги; 2) гап оҳанги; 3) гапдаги паузалар; 4) гапнинг логик урғуси; 5) гапнинг эмфатик урғуси. Гапнинг тезлиги б-чан оҳанги гап талаффузидаги талаффуз хусусиятларининг турли томонлари бўлиб, пауза билан эмфатик урғу тезлик кечимида вазга чиқувчи суперсегмент элементлардир. Логик урғу эса оҳанг, тезлик ва товуш кучларида уз ифодасини топади. Логик урғу билан эмфатик урғу кўрдикки, интонациянинг қисмлари ҳисобланиб, улар гап тезлиги ва оҳанги гап талаффузи кечимида ўзгариб туришига асос бўлади. Гапдаги субъект ифодаси шуларда марказлашади. Шунга қарамай, улар фонетиканинг акцентуация қисмига хос бўлиб ҳисобланади. Акцентуация урғулар ҳақида экан, логик ва эмфатик урғуларни ҳам уз ичига олиши табиий. Шунинг учун ҳам, акцентуация баҳсида логик ва эмфатик урғулар ҳақида маълумот бериб ўтдик. Интонация баҳсида 1) гап тезлиги; 2) гап оҳанги; 3) гапдаги паузалар ҳақида тўхталамиз.

## Гап тезлиги

Гап тезлиги унинг талаффузи жараёнида гап таркибидagi товушларга сарфланган вақт билан белгиланади. Гапнинг ҳар бир бўлагидаги товушларга бир текис, баробар вақт сарфланмайди. Бунинг устига, гапнинг ҳар бир бўлаги тезлиги турли коммуникатив турларида турлича бўлади. Шунинг учун қуйида содда гап ҳолида унинг коммуникатив турлари бўлаклари тезлигига эътибор берамиз.

Дарак гаплар бошида берилган эга умумий гап тезлигига кўра секинроқ бошланади. Тезлик кесим составига ўтгач, тезлашиб, ундаги боғлама ёки ёрдамчи сўзларда тезлик максимум ҳолга келади. Масалан, Бари шойиб бўлди оларди, дарак гапнинг эгаси барди сўзи бўлиб, ундаги ҳар бир товушга ўртача 95 м/сек дан вақт сарфланган ва кесим бўлган шайр сўзининг ҳар бир товушига ўртача 84 м/сек дан вақт кетган. Кўрдикки, кесимга берилган вақт ўртача 11 м/сек дан кам. Кесимнинг боғламаси бўлган биринчи сўз товушларига 58 м/сек дан вақт олинган. Гап охиридаги и унлиси 145 м/сек вақтда қайд этилган.

Дарак гапнинг эгаси фақат гап бошида эмас, у ўз аниқловчисидан кейин келганда ҳам паст тезликка эга бўлиб, кесим состави юқоридаги тезлик қонуниятини сақлайди. Масалан: Сотиболдиннинг хотини оғриб қолди (А.Қаҳҳор). Бу гапдаги аниқловчи Сотиболдиннинг сўзи товушлари учун ўртача 53 м/секдан, эга хотини сўзи товушлари учун 83 м/сек дан, кесимнинг етакчи қисми оғриб сўзи 59 м/сек дан, кўманчи қисми қолди сўзи товушлари учун 56 м/сек дан вақт сарфланган. Гап охиридаги и товуши 110 м/сек да қайд этилган.

Юқоридаги икки гапнинг таҳлили шуни кўрсатадики, дарак гапларнинг эга состави секинлашувчи, кесим состави пасаяувчи тезликда бўлади. Айниқса, эга логик урғуни бўлса, ундаги секинлашувчи тезлик кучаяди. Чунки логик урғули бўладда товуш кучи ортиқ берилиб, у шу булак учун кўп вақт сарф қилинишига олиб келади. Юқорида келтирилган ҳар икки гапнинг ҳам эгаси логик урғу олган.

Сўроқ гаплардаги бўлаклар тезлиги дарак гаплардаги бўлаклар тезлигидан унча фарқ қилмайди. Лекин сўроқ гаплардаги эга тезлиги дарак гаплардаги эга тезлигидан сал ортиқ бўлиб, кесим состави тезлик нисбатан сал камроқ келади. Бунинг устига кесим қисмлари тезлиги узаро унча фарқсиз, силлиқроқ берилади. Масалан, дарак гапга берилган биринчи гапни сўроқ гап интонациясига солсан, ку-



Йидаги ҳолни кўрамиз: ҳар бир товуш ҳисобига эгада 88 м/сек дан, кесимнинг етакчи қисмида 84 м/сек дан, боғламасининг биринчи қисмида 51 м/сек дан, иккинчи қисмида 55 м/сек дан вақт сарфланган. Вақт сарфини дарак гапдагига қиёслаб кўрилса, айтилган фикр яна ҳам ойдинлашади. Гап охиридаги товушнинг қайд этилиш вақти дарак гап ва сўроқ гапларда деярли фарқ қилмайди.

Сўроқ гапларда сўроқ сўзлар қўлланиб, у тоғрик урғу олмаса, агар эга вазифасида қўлланса ҳам, ундан бошлаб тезлик пасаяди. Унда амфатик урғу олган бўлаккига катта вақт олади. Масалан: Сенга ким айтди (А.Қаҳҳор). Бу гапдаги тўлдирувчи сенга сўзининг ҳар бир товушига ўртача 109 м/сек дан, кесим айтди сўзининг ҳар бир товушига 60 м/сек дан вақт сарфланган. Гап охири булган д товуши 130 м/сек вақтда қайд этилган.

Буйруқ гапларда эга деярли қўлланмагани ҳолда, тезлик гап охирига томон тезлаша боради, ammo охириги сўз тезлиги кескин пасаяди. Масалан: Назир, ҳовлига чиқиб тур! (С.Аҳмад). Бу гапнинг ундалмаси булган Назир сўзининг ҳар бир товуши 93 м/сек дан, ўрин холи ҳовлига сўзининг ҳар бир товуши 53 м/сек дан, кесимининг биринчи қисми чиқиб сўзининг ҳар бир товуш 36 м/сек дан, охириги кўмакчи қисми тур сўзининг ҳар бир товуши 65 м/сек дан вақт олган. Қуринадичи, ундалмадан кейин гап тезлиги орта бориб, фақат сунгги сўзда кескин секинлашган. Гапнинг охири булган р товуши эса 120 м/сек да қайд этилади.

Ундов гаплар ҳаяжонли белгига эга булади. Шунинг учун ҳам улар баланд товуш билан талаффуз этилиши баробарида паст тезликда қайд этилади. Айниқса, бу ҳаяжон қаратилган бўлакларда ўз аксини топади. Ҳаяжон қаратилмаган булаклар тезлиги ортса ҳам, дарак гапнинг шу бўлагига нисбатан секин булади. Масалан, дарак гап учун келтирилган биринчи мисолни ундов гап интонациясига солсак, буни яққол кўрамиз. Унинг эгаси ҳар бир товуш ҳисобига 115 м/сек, кесими 110 м/сек тезликда талаффуз этилар, кесимининг боғламаси ҳаяжонли булмагани учун ортик тезликка ўтган. Унинг биринчи қисми 54 м/сек, иккинчиси 58 м/сек тезликда берилган. Ундов гапларнинг охириги товуши бошқа гаплардигига ўхшаш катта вақтда эмас, балки қисқароқ вақтда қайд этилади. Бу ундов гапнинг охириги товуши ҳам 110 м/сек вақт олган.

Кўрдикки, содда гаплардаги талаффуз тезлиги эга составида п савви, кесим составида кучайовчи хусусиятли булади. Лекин бу

гапнинг коммуникатив турларида тезликдаги маълум фарқ билан узи-га хосликни язага келтиради. Шунингдек, тезликнинг пасайиш ёки ортиши гап коммуникатив типларида кескинлик ёки ноқескинлиги ҳақиқатдан узаро фарқ қилади. Гапнинг охириги товуши, албатта, катта вақт талаб қилиб, у ҳеч вақт 100 м/сек дан кам бўлмайди. Аммо бундай секинлашиш ундов гапнинг охириги товушида камроқ эъанлиги кузатилади. У ҳаяжонли бўлган бўлақлар тасушига нисбатан кам вақт олади. Бу ундов гап охирида товуш баланглигининг кескин камаови билан боғлиқдир.

Гап талаффузининг тезлиги уюшиқ, ажратилган булақлар, ундалмалар, киришлар ва ҳоказолар билан боғли ҳолатда ҳам ўзгариши, узига хос ҳолатни олиши мумкин.

Уюшиқ бўлақлар тезлиги пасаяди ва ҳаммаси бир хил тезликда, охириги товуши чузиқ ҳолатда қайд этилади. Демак, уюшиқ булақлар бир ҳоким булақкага тенг ҳулуқ билан бирикуви, бир хил формантда келуви, деярли бир тузкумга хослиги кабилардан ташқари бир хил чузиқ товуш билан туташа ҳам бор. Масалан: Орзуларинг, армонинг прагингни шод этар (А.Орипов) гапидаги биринчи ва иккинчи сўз уюшиқ эгалар бўлиб, улардан бирининг ҳар бир товуши 83 м/сек дан, иккинчининг ҳар бир товуши 86 м/сек дан вақт олган. Уларнинг ауслаути эса биринчисида 215 м/сек, иккинчисида эса 180 м/сек вақтда қайд этилган. Иккинчиси кетидан пауза кутилмагани учун, у сал қисқароқ талаффуз этилган.

Ажратилган булақли содда гаплар талаффузида эса ажратилган бўлақнинг маъно ҳақатдан боғланиб келган бўлаги энг секин тезликда қайд этилади. Унинг олдида бир неча булақ берилган бўлса, уларнинг биринчиси нисбатан энг секин тезликда келиб, ажратилган бўлақ маъно ҳақатдан боғланган булақ а томон тезлаша боради ва энг охиригиси энг тез қайд этилган булақ ҳисобланади. Ажратилган булақ семантик ҳақатдан боғланган булақка келиб тезлик бирдан пасаяди. Ундан кейинги ажратилган булақда тезлик жуда кам миқдорда ортади. Бу тезлашиш гап охирига томон орта боради. Масалан: Энди ярим пиеда қон, одам қони, керак (А.Қаҳхо). Бу гапдаги энди сўзининг ҳар бир товуши уртача 81 м/сек дан, ярим сўзининг ҳар бир товуши 58 м/сек дан, пиеда сўзининг ҳар бир товуши 42 м/сек дан вақтда қайд этилган. Гапдаги ажратилган булақ эса одам қони бирикмасидир. У маъно ҳақатдан боғланган булақ қон сўзи бўлиб, у эга вазифасида қўлланган. Қўрилиб ту келиши, тезлик унга томон кескин тезлашиш

қелиб, унда яна кескин секинлашган. Унинг ҳар бир товуши ўртача 123 м/сек дан вақт олган. Ажратилган булакнинг биринчи қисми товушлари учун 82 м/сек дан, иккинчи қисми товушлари учун 80 м/сек вақт сарфланган. Яъни ажратилган булакда тезлик яна орта борган, бироқ кескин эмас. Кесим товушлари ҳам ўртача 80 м/сек дан вақтда қайд этилган. Ажратилган булак маъно жиҳатдан боғланган булак гапда таъкид олган, диққат қаратилган булак бўлгани учун у энг катта вақтни талаб этган. Ажратилган булак диққат қаратилган булакни таъкидлаш вазиасини ўтагани учун, у ҳам вақт сарфида иккинчи ўринда бўлган. Шунга қарамай, содда гаплар тезлиги, қонуниятга кўра, энг паст ўрни эгада ва сал ортиқроқ, лекин бошқа бўлакларга нисбатан паст нуқтаси кесимда сақланган.

Ундалмалар, турган гапни, гапнинг бошқа булаklarига нисбатан паст тезликда берилади. Бу унинг алоҳида диққат қаратилган сўз эҳтилиги билан боғлиқдир. Масалан, буйруқ гапга келтирилган мисолдаги Назир сўзида ҳар бир товуш 92 м/сек дан вақтда қайд этилган. Бу гапдаги ҳар бир булак товушларига сарфланган вақтдан ортиқдир.

Кириш сўзлар тезлиги бундай кескин паст тезликни талаб қилмайди. Бироқ гапнинг секин талаффуз этилган булаklarидан унча ортиқ тезликка ҳам эга бўлмайди.

### Г.ларда пауза

«Пауза нутқ кечимида товушнинг вақтинча тухташи ва нутқ оқимининг узилишидир. У физиологик ёки психологик сабабларга кўра, гап ва синтагмаларни ажратиб талаффуз этиш мақсадида, кесим ва эгани алоҳида таъкидлаш учун, ушган булаklarни санаб курсатишда, ажратилган булаklarни қайд этиш ва гап билан грамматик боғланмаган сўз ёки қурилмаларни беришда қўлланади.

Пауза эга ва кесими ёки эга ва кесим составларини алоҳида таъкидлаш учун бериллади. Бунда гап от кесимли булади. От кесимли дейилганда кесим феълдан ташқари сўз туркумланининг бирортасида келиши мумкин. Масалан: Қиз-ғунчадевкина (С.Аҳмад). Гапнинг кесими сифат туркумидаги сўз бўлиб, у от кесим деб қаралади. Бу гапнинг эга ва кесими 490 м/сек пауза билан ажратилган. От кесим олмошдан иборат бўлиши ҳам кузатилади: Булади ан гап шу (А.Қаҳҳор). Бу гапнинг кесими шу олмоши бўлиб, у эгадан фақат 30 м/сек чузиқликдаги пауза билан ажратилган. От кесим олмошдан иборат бўлса, у эгадан одатда шундай қисқа пауза билан ажратилади. Агар олмош

эга бўлиб келса, яъни юқоридагича эга на кесими вазиёсидаги сузуларни шу вазиёси буйича алмаштириш қўллансанг, пауза аъважидеги нисбатан анча ортади, бироқ у сифатда ифодалангани от кесими аъважидеги шу сузидан кейин 240 м/сек пауза берилган. Бундай гап берилма билан қўллansa ҳам, унинг юқоридагича пауза чўзиқлиги сикдансади. Умуман гапнинг эга ёки кесими олмош билан ифодаланса, улар урта-сидаги пауза нисбатан қисқа булади.

Шуни ҳам айтиб утиш керакки, от кесимли гапларнинг эгаси ёки эга состави деярли эмфатик ургу олган бўлиб, чўзиқ қўлланади.

Одатда эмфатик ургулардан кейин ҳам пауза берилади. Бу ўринда гап от кесимли бўлиши шарт эмас. Шу билан бирга эмфатик ургу олган булакнинг гапдаги ўрни ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмайди. Масалан, Туман ким биландир Фитна тайёрлар (А.Орипов) гапдаги эга вазиёсида қўлланган туман сузи эмфатик ургулидир. Шунинг учун ундан кейин 300 м/сек чўзиқликда пауза берилган. Эмфатик ургули гап бўлаги гапнинг логик ургусини ҳам олган бўлса, ундан кейинги пауза унча чўзиқ бўлмайди. Эмфатик ургули булак паузага эга бўлиши кераклигига қарамай, у логик ургули бўлгани учун кесим билан кепс келиши талаб қилинади. Бу икки хил формани талаб қилувчи фонологик ҳолат оралай, формани юзага келтиради. Натижада, қайд этилган пауза қисқа булади. Масалан, Гул очидар баҳор чоғида (Ҳ.Олимжон). Бу гапдаги гул сузи гапнинг ҳам эгаси, ҳам логик ургу олган бўлагидир. Шунинг учун кесим билан ёндом қўлланган. Бунинг устига эмфатик ургу олган булак ҳам шу. Унинг кетидан берилган пауза эса 110 м/сек чўзиқликка эга.

Гап кесими ҳам логик ургу, ҳам эмфатик ургу олган бўлса, ундаги пауза тула қайд этилади. Масалан: Алданибман яна бир сафар (Уйғун). Бу гапнинг кесими алданибман сузи бўлиб, у ҳам логик, ҳам эмфатик ургули бўлгани учун гап бошида қўлланган. Унинг кетидан эса 250 м/сек чўзиқликда пауза берилган.

Умуман, эмфатик ургули бўлак, гапнинг қанчай бўлаги бўлишидан қатъий назар, ундан кейин деярли пауза берилади.

Ушшқ булакли гапларда ҳам пауза қўлланади. Бунда ушшқ булакларнинг ҳар бир қисми кетидан пауза берилади. Ҳар бир компонент кетидан берилган пауза ҳақиқатан оҳангдаги каби узаро тенг — бир хил бўлмайди. Ассимиляцияда ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдики, ушшқ булаклар кесими гапнинг кейинги ўрнидаги-

лари томон қисқариб боради. Айниқса охири уриндаги қисм энг. ва ниҳоятда қисқаси бўлади. Масалан: Сеники бўлсин шеърим, умрим, юрагим, жоним (Э.Воҳидов). Бу гаптаги уюшиқ булақларнинг шеърим қисмидан кейин 490 м/сек, умрим қисмидан кейин 480 м/сек, юрагим қисмидан кейин 90 м/сек пауза берилган.

Гаптаги уюшиқ булақлар ўз умумлаштирувчи сўзларига ҳам эга бўлади. У уюшиқ булақлар олдидан келиши ҳам, кетидан келиши ҳам мумкин. Лекин ҳар қандай ҳолда ҳам уюшиқ булақлар билан умумлаштирувчи ўз ўртасидаги пауза энг узун пауза бўлади. Масалан: Кучалар, томлар, оғочлар ҳамма ёқ юр. Бу гаптаги уюшиқ булақ уч компонентдан иборат бўлиб, унинг биринчи компонентидан 440 м/сек, иккинчи компонентдан кейин 430 м/сек пауза берилган. Учинчи компоненти билан умумлаштирувчи ҳамма сўзи ўртасидаги пауза эса энг катта 480 м/сек вақтни олган.

Гапнинг ҳар бир синтагмасидан кейин ҳам пауза қайд этилади. Бу гап синтагмалари маъносини алоҳида-алоҳида қайд этиш имконини беради. Бироқ бу пауза нисбатан қисқа бўлади. Масалан: Менинг ўғлим-чи оундан ҳам бадтар (А.Қаҳқор). Бу гап икки синтагмадан иборат бўлиб, уларнинг биринчиси менинг ўғлим-чи, иккинчи синтагма бундан ҳам бадтар қурилмасидир. Улар ўртасида 375 м/сек чўзиқликда пауза бор. Бу пауза одағдаги пауза чўзиқлигидан ортиқ. Буни биринчи синтагманинг иккинчи сўзига таъкид бурилгани ва таъкид юклама орқали ифодаланганлиги билан изоҳлаш мумкин. Одағда шундай - синтагма п.узаси гаптаги бошқа ҳодисалар ёки категориялар паузаси билан айнан бўлиб қолса; у чўзиқ бўлади. Масалан: Зарқиншоқ кўчаларида, адир ва сойларида, боғларида кўкдам кезади (С.Аҳмад). Бу гапнинг Зарқиншоқ кўчаларида синтагмасидан кейин 500 м/сек, иккинчи адир ва сойларида синтагмада 430 м/сек пауза берилган. Бу паузалар гаптаги уюшиқ булақларнинг паузаси ҳам ҳисобланади.

Ундалмалар ҳам нутқда пауза қўлланиши учун сабаблардан бири ҳисобланади. Улар гапдан пауза билан ажратилган бўлади. Паузанинг чўзиқ ёки қисқалиги ундалманг гаптаги ўрни билан боғлиқдир. Агар ундалма гапнинг олдида қўлланса, ундан кейинги пауза анча чўзиқ келади. Масалан, гап тезлиги таҳлили учун келтирилган мисолимиёни эслашлик: Назир, ҳовлига чиқиб тур! Бу гаптаги Назир ундалмасидан кейин 310 м/сек чўзиқликда пауза келган. Агар ундалма охирида келса, ундан аъвал қўлланган пауза анча чўзиқликка эга бўл-

майди. Масалан: Яна нима бадони бошдингони. Азизим (С. Азизов). Бу гапдаги Азизим ундалмасидан олдин берилган пауза 160 м/сек чўзиқликдадир. Ундалма гапнинг уртасида қўллansa, унда аввалги пауза қисқа, кейинги пауза нисбатан анча чўзиқлиги қўшилган. Масалан: Йиғлама, Турсуной, йиғлама (А. Қаҳҳор). Гапдаги ундалма Турсуной атоқли отидир. Ундан аввал берилган пауза 160 м/сек чўзиқликка эга бўлиб, кейин берилган пауза 160 м/сек чўзиқликда. Кўришиб турибдики, кейин келган пауза аввалгисидан 200 м/сек ортиқ вақт олган. Буни ундалма тингловчи диққатини ўзига тортиш ва ўзига қаратгач, нўфқни давом эттириш мақсадида қўлланиши билан изоҳланади. Диққатни тортиш учун эса вақт талаб қилинади.

Кириш сўз ёки қўйилмалар учун қўлланадиган паузалар эса яна ўзига хосдир. Улар – киришлар гап олдида келса, ундан кейин деярли пауза берилмайди. Масалан: Албатта, боришим керак (Х. Даврон). Бу гапда кириш вазифасини албатта сўзи ўтаган бўлиб, ундан кейин пауза берилмаган. Агар кириш гап уртасида қўлланганда эди, унда аввал анча чўзиқ пауза берилиб, кейин эса, ёқоридаги каби пауза деярли учратилмасди. Масалан: Ҳали ҳам бахт э, р, ахир, севилмоқ (М. Солиҳ). Бу гапдаги кириш ахир сўзи бўлиб, ундан аввал 270 м/сек чўзиқликда пауза берилган, лекин ундан кейин пауза йўқ. Одатда таъсирчанлик қайд этилган сўзлардан кейин албатта пауза кузатилади. Бу ўринда унинг аксини кўрамай. Чунки киришга оид таъсирчанлик ундан кейинги ўриндаги бўлакка хос бўлиб, улар жипс келиши зарурияти туради. Бу эса паузага йўл қўймайди. Гапда кириш таъсирчанлигига, тайёрлик зарурати учун ундан аввал, албатта, пауза берилди.

Ажратилган бўлақлар паузаси, турган гапки, ёқоридаги синтактик категориялар паузасидан фарқ қилади. Ажратилган бўлақлар аввало гап олдида қўлланамайди. У гап ўртаси ва охирида келиши мумкин. У гап охирида келганда ундан аввал бирмунча чўзиқ пауза келди. Масалан, Ўста Туркиёли буламан – колхозда аравасоз (А. Қаҳҳор): Бу гапдаги ажратилган бўлақ колхозда аравасоз бирикмаси бўлиб, ундан аввал 340 м/сек чўзиқликда пауза бор. Агар ажратилган бўлақ гап ўртасида қўллansa, ундан аввал пауза бўлиб, кетидан пауза берилмайди. Масалан: Энди бир пиёда қон, одам қони, керак гапдаги ажратилган бўлақ одам қони бирикмаси бўлиб, ундан аввал 540 м/сек чўзиқликда пауза келган, лекин кейин пауза йўқ. Ундан олдин пауза берилган учун маънан ажратилган бўлақка эфатия

урғу тушиши ва ажратиб қўллаш зарурияти билан изоҳланади. Аммо кейин пауза берилмаслиги эса ажратилган бўлақ кейинги бўлақ билан грамматик боғланиши натижасидир.

Содда гаплар бир составли гаплар билан келганда, кучирма гапларда, қўшма гапларда, турган гапки, пауза қўлланади. Булар изоҳ талаб қилмайди.

### Гап оҳанги

Гап оҳанги гапдаги бўғин унлиларининг баланд ёки паст талаффуз этилиш системаси (тузуми)дир. Товуш баландлиги гц (герц) билан ўлчаниб, гц товуш ҳосил қилишдаги товуш пайларининг нафас кучи урилган томонининг тескари йўналишига қараб бир силкиниб қайтиши бўлади. Товуш талаффузида товуш пайлари секундига қанча куп силкинса, яъни тебранса, товуш шунча баланд чиқади ва аксинча.

Гапнинг барча бўғинлари бир хил баландликда бўлмайди. Бинобарин бу баландлик гапнинг коммуникатив турига ва гап бўлақлари хусусияти, мазмуни, таъсирчанлигига қараб турлича қўзатилади.

Ўзбек тилида дарак гаплар содда гап тузилишида бўлса, унинг одатда биринчи бўғин унлиси баланд талаффуз этилиб, кейинги бўғини унлиси пастлашуви ва кесимнинг етакчи қисми охиригача кўтаришувчи оҳангга кетади, кейин у пасаявчи оҳангга утади. Охириги бўғин унлиси энг паст товуш билан қайд этилади. Мисол учун гап тезлиги учун берилган биринчи гапни келтириб, унинг оҳангига эътибор берамиз. Бу гап Бари шор була оларди гапи эди. Унинг биринчи бўғин унлиси 143 гц ва кейинги унлилари 120 гц, 125 гц., 194 гц., 164 гц., 129 гц ва ниҳоят 70 гц. баландликда бўлган. Гапнинг биринчи бўғини бирмунча баланд, кейингиси анча паст ва кейин кесим боғламасининг биринчи бўғинигача кўтарила борган. Шу урин гапдаги товуш баландлигининг чуққиси ҳисобланади. Кейин у пасая бориб, сўнгги бўғинда кескин тушган. Турган гапки, биринчи бўғин баландлиги логик урғу билан ҳам маълум даражада бўлидир. Оҳангнинг марказга томон кўтарила бориши дарак гапга хос бўлиб, тезликнинг ортиши заруриятидан келиб чиққан.

Дарак гап гар икки синтагмага бўлинса, унинг эгаси биринчи синтагманинг кейинги ўрнидан жой олган бўлса ҳам, синтагма охирига томон тушувчи оҳанг қўзғатилади. Бу оҳанг кейинги синтагмада ҳам қайд этилади. Бунини учун ҳам гап тезлиги учун берилган кейинги мисолни келтираемиз: Сотишолдининг хотини оғриб ёлди. Бу

гапнинг биринчи бўғин унлиси I4I гц. баландликда талаффуз қилинган. Шу сўздаги учинчи бўғин унлиси I7I гц., тўртинчи бўғин унлиси I60 гц. баландликка эга. Сўзнинг иккинчи ва бешинчи бўғин унлилари редукцияга учраган. Хотини сўзидаги бўғин унлилари баландлиги эса I50 гц., I39 гц., 77 гц. дан. Гапнинг қисими ўз кўмагисини билан бўғин унлилари I27 гц., I43 гц., II2 гц., 63 гц. ларда баландлик билан қайд этилган. Куриниб турибдики, гап оҳанги икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи бўғин пастроқ ва кейин бир мунча баландлашиб, ундан тушувчи оҳангда давом этади. Охири ҳамма вақт нихоятда паст бўлади.

Сўроқ гаплар оҳанги дарак гаплар оҳангидан тубдан фарқ қилади. Агар сўроқ гап фақат интонация орқали сўроқ аниқлашиб, сўроқ олмоши ёки юкламаси қўлланмаса, сўзларнинг лексик урғули бўғинлари, боғлама ёки кўмакчи феълларнинг фармантдан аввалги бўғинлари баланд бўлади. Гапнинг умумий товуш баландлиги дарак гапдагига нисбатан ортиқ келиб, финал бўғин унлиси унча пасаймайди. Масалан, дарак гапдаги келтирилган бир-ичи гапни сўроқ интонациясига ўтказсак, ундаги бўғин унлилари бери сўзда I62 гц., I73 гц., шор сўзида I67 гц., I75 гц., бўла сўзида 200 гц., I60 гц., оларди сўзида I33 гц., 225 гц., I33,3 гц. баландлик билан қайд этилади.

Сўроқ гапларда сўроқ олмоши бўлса, гапнинг логик урғу олган булагининг лексик урғули бўғин унлиси баланд бўлиб, гап олдидаги булақлар унга томон, охиридаги булақлар ундан охирига томон пасайиб боради. Бунга сўроқ гаплар тезлиги учун берилган Сенга ким айтди? гапни келтириб, таҳлил этиб кўриш мумкин. Бўғинларидаги унлилар баландлиги сенга сўзида I33 гц., I44 гц., ким сўзида 200 гц., айтди сўзида I38 гц., 6I гц. дан. Куринадики, сўроқ гаплар таркибидан сўроқ олмош ёки юкламаси бўлса, унинг охири дарак гаплардаги каби паст оҳангда бўлади. Гапнинг логик урғули ким сўзидан иборат эгаси энг баланд талаффузга эга.

Буйруқ гаплар оҳанги яна ўзига хосдир. Унинг оҳанги баланд ва шитоб билан бошланиб, шу оҳанг билан давом этган ҳолда охиригача боради. Ҳатто бу шитоб натижасида айрим сўзларнинг тор унлилари кучайиб кетибдики, гапнинг сўнги бўғин унлиси оҳанги ҳам деярли пасаймайди. Масалан, Буйруқ гап учун гап тезлигида таҳлил қилинган мисолдан келтиралайлик: Назир, ҳовлига чиқиб туру! гапидан ундаги Назир сўзининг бўғин унлилари I45 гц. ва



200 гц. баландликда қайд этилган. Буйруқ гапнинг биринчи урин ҳоли вазифасидаги ҳовдига сўзининг бугинлари унлиси баландлиги 259 гц., 222 гц., 220 гц. бўлиб, кесимнинг етакчи қисми бўлган чиқиб сўзининг бугин унлилари шитоб тезлиги таъсирида кучсизланган. Қумакчи феъл тур сўзи унлиси эса 212 гц. баланд талаффуз этилган. Куринадики, бу буйруқ гап тушувчи оҳангга эга бўлса ҳам, унга сезиларли даражада эмас.

Ундов гаплар ҳаяжонга эга бўлиб, ҳаяжонсиз гапларга қарама-қарши қўйилади. Ҳаяжонлилик асосан паст тезлик талаб қилгани ҳолда товуш баландлигини талаб қилмайди. У дарак ва сўроқ гаплардаги товуш баландлиги бир мунча паст бўлиб, буйруқ гаплардаги товуш баландлигига нисбатан жуда паст эканлигини кўрамыз. Бунинг учун дарак гап учун келтирилган биринчи гапни ундов гапга айлантириб, яъни унга ҳаяжонлилик бериб, талаффузи экспериментини таҳлил этиб кўрайлик. Бунда гап эгаси бугинларининг унлиси I38 гц ва I55 гц баландликда, кесими етакчи компонентининг бугинлари унлиси I54 гц ва I44 гц баландликда берилган. Кесим боғламасининг бугинлари унлиси баландлиги эса I57 гц., II8 гц., III гц. ва 64 гц билан қайд этилган. Кесим боғламаси була оларди сандхи ҳолидаги икки сўздан иборат булгани учун, улар туташган уриндаги икки унли бир учли шифатида талаффуз этилган. Куринадики, гап эгасининг биринчи бугин унлиси сал паст оҳангда бўлиб, кейин бугин унлисида бир мунча кўтарилган оҳанг боғламанинг биринчи унлисигача деярли силлиқ давом этган. Бу дарак гапдаги оҳангдан нисбатан сал паст ва силлиқ. Кейин у пасайиб кетган. Гап охири барча ҳаяжонсиз гаплардагига кўра ниҳоятда паст талаффузга эга.

Кўрдикки, товуш аландлиги гапнинг турли коммуникатив турларида турли тил булаклари бўйича турлича акс этади. Улар ҳеч бир ўринда ўзаро ўхшамагани ҳолда, фақат гап охиридаги бугин унлисида пасайиши умумий ҳолни ташкил қилади. Бироқ шунда ҳам гапнинг турли коммуникатив турларида турлича акс этади. Буйруқ гапларда бу пасайиш деярли сезилмайдиган даражада. Таъсирчанликка кўра ундов гапларда пасаквчи оҳанг бўлиб, охириги бугин унлиси деярли паст оҳангга қайд этилади.

Гап талаффузидаги оҳанг уюшиқ ва ажратилган булақлар, ундалмалар, киришлар ва ҳоказолар билан боғли ҳолатда ҳам ўзгариши, ўзига хос ҳолатни олиши мумкин.

Уюшин булақли гапларнинг уюшиқ булақларида интонацион бир хил-

лик булар экан, у оҳангда ҳам маълум даража ақс этади. Одатда уюшиқ булақларнинг ургули бугин унлисининг баландлиги бир хил бўлиб, ундан кейинги бугин унлилари баландлиги ҳам ўзаро ўхшаш ҳолда паслашади. Ургули бугиндан аввалги бугин ҳақида бундай қатъийликни курсатиб бўлмайди. Масалан, Пашшалар шоҳи ялинди, ёлворди (А.Қахқор) гапидаги оҳангга эътибор берсак, уюшган кесимларнинг биринчиси бугинлари 144 гц., 100 гц., 118 гц ва иккинчисининг бугинлари 127 гц., 147 гц., 107 гц. дан баландлиқда талаффуз этилган. Ҳар икки қисмининг ҳам ургули бугини деярли бир хил – деярли 100 гц. дан ортиқроқ баландликка эга.

Ажратилган булақлар оҳанги гап составида яққол ажралиб туради. Масалан, Уста Турғиали бўламан – қолховда аравасоз гапининг ажратилган булақдан аввалги булақнинг сўнгги бугин унлиси 90 гц. баландлиқда бўлса, ажратилган булақ кескин кўтарилиб, 144 гц. баландлиқда талаффуз этилган. Ажратилган булақ бугинлари унлиси бир-биридан кам фарқ – деярли 20-25 гц. фарқ баландлик билан қай этилади. Юқорида гапнинг ажратилган булағидаги бугинлари унлиси ҳам 144 гц., 137 гц., 144 гц., 160 гц., 128 гц., 146 гц баландлиқда берилган. Куринадики, ажратилган булақнинг сўнгги бугини гап охири бўлишига қарамай, у кескин паст товушда берилмаган. Аксинча, ажратилган булақдан аввалги бугин унлиси гап охири баландлиги оҳангини олган. Бу эса ажратилган булақ оҳанги гап оҳангидан мустақил, алоҳида эканлигини кўрсатади.

Ундалмалар оҳанги ҳам узи оид бўлган гап оҳангидан алоҳида, мустақил бўлади. Бунинг устига у кўтарилиувчи оҳангга ақс этади. Масалан, Қаердан сўраймиз, қилуғ? (С.Аҳмад) гапида булақлардаги бугин унлилари 150 гц., 187 гц., 155 гц., 180 гц., 166 гц., 57 гц., 114 гц., 175 гц тартиби билан баландлиқда давом этган. Куринадики, гап охири иккинчи сўзнинг сўнгги бугини бўлиб, унлиси 57 гц. баландлиқда. Ундан кейинги ундалма оҳанги кескин кўтарилиб, 114 гц. ва 175 гц. ларда берилган кўтарилиувчи оҳангдир.

Кўпишлар оҳанги ўзи киритилган гап оҳангидан унча фарқ қилмайди. Лекин унинг бошланиши оҳангнинг умумий оқимига мос келмаса ҳам, уз лексик ва зифатик ургуси эътибори билан ундан ажралиш мумкин. Ундан кейинги булақда ҳам оҳанг оқимига ўшиб олади. Масалан, Дави ҳам бахт ерди, анор, севилмоқ (М.Солих) гапидаги бугинлар унлиси 200 гц., 188 гц., 200 гц., 181 гц., 135 гц. 161 гц., 155 гц., 170 гц., 165 гц., 180 гц., 170 гц. тартиби билан баланд-

ликда талаффуз этилган. Яъни гап учинчи бўғиндан кейин тушувчи оҳангга давом этган. Киришнинг биринчи бўғини гапнинг еттинчи бўғини бўлгани учун 161 гц. баландликдаги олтинчи бўғин унлиси-дан кейин 155 гц. да талаффуз этилган. Аммо кейинги лексик урғу-ли бўғини унлиси 175 гц баландликка кутарилган. Киришдан кейинги гап оҳанги эса яна аввалги баландлик меъёрига тушиб, тушувчи оҳангни олган.

Содда гап таркибидagi бир составли гаплар, кучирма гаплар, қўшма гап компонентлари, турган гапки, узига хос оҳангга булади. Бу эса, гап бўлаклари суперсегмент хусусиятлари билан боғлиқдир, деган хулосани беради.

### НУТҚ ТОВУШЛАРИНИНГ ЎЗГАРИШИ

Нутқ товушларининг ўзгариши асосан икки ҳолатга кура содир бўлади: 1) позиция (ўрнига кўра) товуш ўзгариши; 2) комбинатор (ўзaro таъсирга кўра) товуш ўзгариши.

Позицион товуш ўзгариши нутқ товушининг сўздаги ўрнашган ўр-нига боғли ҳолатда ўзгаришидир. Масалан, узбек тилида товуш сўзи-нинг анлаут (биринчи) ундоши жаранглилашиши ва довуш деб талаффуз этилиши унинг сўз бошида ўрнашиши билан боғли ҳолда содир бўлган. Шунга ўлаш, яна эроний тиллардан ўлашган овод сўзининг ауслау-ти (сўнгги) сўз охирида келгани учун жарангсизлашишини ҳам кўрас-тиш мумкин.

Комбина. ор товуш ўзгариши нутқ товушининг нутқ кечимида шу сўздаг: маълум товуш таъсири билан ўзгаришидир. Масалан, узбек тилида бир сонига донa сон қўшимчаси га қўшилар экан, қўшимчанинг ундоши таъсирида ўзанинг сўнг товуши ўзгаради. Яъни: бир+та>битга каби. Яна пайқоп сўзининг иккинчи негизи биринчи негизининг тузи-лиш таъсири билан унинг тузилишига мослашиб олган. Яъни, пайқоп> пайқок каби.

Нутқ товушлари ўзгаришининг бирор кўриниши ё позиция, ё ком-бинатор товуш ўзгаришининг бирига мансуб деб қатъий кўрсатиб бўл-майди. Шунинг учун нутқ товуши ўзгариши кўринишлари ҳақида алоҳи-да тўхтаб, улар қайси ҳолатга мансублигини йўл-йўлакай кўрсатиб бориш маъқул.

Ну қ товушининг ўзгариши қўйидаги кўринишларга эга:

1. Нутқ товуши тараққиётдаги миқдорий ўзгариш.
2. Товушларининг нутқ кечимида ўзaro мосликка кўра ўзгариши.

3. Нутқ товушининг урчиши.
4. Редукция.
5. Нутқ товушларининг тушиши - диаре́за.
6. Нутқ товушларини сўзда орттириш.
7. Метотеза.
8. Нутқ товушининг чўзиқликка кўра ўзгариши.

### Нутқ товуши тараққиётидаги миқдорий ўзгариш

Нутқ товуши тараққиётидаги миқдорий ўзгариш икки кўринишда бўлади: 1) конвергенция, 2) дивергенция.

Конвергенция (сингишув) бирдан ортиқ товушнинг маълум тил доирасида тараққий этиб, ўзаро қўшилиб кетиши ва бир товушга айланиши бўлади. Ўзбек тилидаги конвергенциялар икки кўринишга эга: а) ассимилятив конвергенция, б) чатишма конвергенция.

Ассимилятив конвергенция (ўзлаштира сингишув) маълум тилда бирор товуш тарихий тараққиёт натижасида ўзгариб, иккинчи бир товуш билан бир хил бўлиб, у товушга сингиб кетиши ҳисобланади. Ассимилятив конвергенция учун "а"+"б" > "а" ёки "б" формуласини кўрсатиш мумкин. Масалан, ўзбек тили тарихида тил олди "а" ва тил орқа "у" унлилари бўлган. Уларнинг биринчиси тараққиёт натижасида етакчи шаҳар шевалари ва адабий тилда иккинчи унли билан бир хил бўлиб, у билан бир товушга айланиб кетган. Шунингдек, тил олди "е" ва тил орқа "о" товушлари ҳам шундай бўлган. Уларнинг биринчиси иккинчиси билан битта товушга айланиб кетган.

Ассимилятив конвергенцияни ундошларда ҳам кузатиш мумкин. Ўзбек тилига араб тилидан ўзлаштирилган сўзлар ичида ( ) , ( ) , ( ) , ( ) , ( ) , ( ) ундошлари бўлиб, улар з ундошига; ( ) , ( ) , ( ) ундошлар бўлиб, улар с ундошига; ( ) , ( ) ундошлари бўлиб, улар д ундошига сингиб кетган.

Чатишма конвергенция (чатишма сингишув) маълум тилда бирдан ортиқ товуш тараққий этиб, янги товушни ҳосил қилиши, унга бириктирилишидир. Чатишма конвергенциясининг формуласи а+б > в бўлади. Масалан, ўзбек тили тарихида чўзиқ а: товуши бўлган. У ҳозирги баъзи шеваларда ҳам сақланган. Ҳозирги ўзбек тилидаги "от" 'аси' сўзи Туркистон ва Хоразмнинг баъзи шеваларида а: у дейилади. Шу билан бирга чуқур тил орқа ундошлари ва в ундошидан аввал орқа

қатор а унлиси қўлланган: қилла+қ > қиллақ каби. Улар ҳозирги тилимизда о унлисига айланиб кетган.

Дивергенция (бўлиниш) маълум бир тилдаги бирор товушнинг тарихий тараққиёт натижасида яна бир товушни ҳосил қилиши. Масалан, тил орқа а унлиси тарихий тараққиёт натижасида чуқур тил орқа ундошлари ва лаб сирғалувчиси в ундошидан аввалги ўринда о товушига ўтган, яъни уни ҳосил қилган. Шу билан бирга сўзнинг бошқа ўринларида ўз қимматини сақлаб қолган: қаз, ҳач, ғайр, вақт каби.

Конвергенция ва дивергенция ҳодисалари, қилинган таҳлиллардан кўриниб турибдики, асосан комбинатор товуш ўзгаришига киради. Лекин ассимилятив конвергенцияни тўлалиги билан бундай деб бўлмайди. У маълум даража позиция товуш ўзгариши ҳамдир.

#### У Товушларнинг нутқ кечимида ўзаро мосликка кўра ўзгариши

Нутқ товушлари нутқда ёндош ёки бурғичдаги ўрнига кўра мос қўлланар экан, уларнинг артикуляция ўрни, усули ва акустикаси ўзаро кескин фарқланиши, улар талаффузда қийинчилик уғдириши, шунингдек, бир хил бўлса, коммуникацияда чалишликни келтириб чиқариши мумкин. Шунга кўра шу нутқ товушлари ўзаро мослашуви ёки мослиги йўқолиши кузатилади. Мана шу нутқ товушларининг нутқдаги ўзаро мослигига кўра ўзгариши қандай сабабга кўра ўзгаришига қараб қуйидаги кўринишларга бўлинади: ассимиляция, диссимиляция, анимодация, умлаутлаш, назализация.

Ассимиляция (ўзлаштириш) сўздаги маълум товуш иккинчи бир товушни маълум нуқтаи назар ёки нуқтаи назарларга кўра ўзи билан бир хиллаштириб олишидир. Ассимиляция сўздаги унлилар ўртасида ҳам, ундошлар ўртасида ҳам кузатилади. Одатда, ассимиляция атамаси сўздаги ёндош товушлар ўртасидаги мослашишга қисбатан қўлланади. Унлилар ўртасидаги ўзаро мослашиш, яъни уйғунлашиш сингармонизм термини остида ўрганилади.

Ассимиляция сўздаги бир ундош иккинчи бир ундошни ўзи билан айнан бир хил қилиб олишида ҳам, маълум нуқтаи назардан бир хил қилиб олишида ҳам кузатилади. Шунга кўра у икки кўринишга эга: 1) тўлиқ ассимиляция, 2) тўлиқсиз ассимиляция.

Тўлиқ ассимиляция сўзда ассимиляцияланувчи товуш айнан бир хил бўлиб олади. Масалан: бир-та > битта каби. Бу ўринда тит

роқ, тил олди, сонан р ундоши эса портловчи, тил олди, жарангсиз т ундоши билан ҳам артикуляция ўрни, ҳам артикуляция усули, ҳам акустикаси жиҳатидан мослашиб, бир хил бўлиб олган. Лекин бундай тўлиқ ассимиляция учун ҳамма вақт ҳам ўзлаштирувчи товуш билан ўзлашувчи товуш ҳам артикуляция ўрни, ҳам артикуляция усули, ҳам акустикаси жиҳатидан фарқ қилиши мумкин эмас. Масалан, айт+са > айсса тўлиқ ассимиляциясида товушлар фақат артикуляция усули билан, чет+ка > чекка тўлиқ ассимиляциясида товушлар фақат артикуляция ўрни билан, чўк+ган > чўкган тўлиқ ассимиляциясида товушлар фақат акустикаси жиҳатидан фарқли бўлган. Бу фарқ икки нуқтага назардан бўлиши ҳам мумкин. Масалан, сур+най > суннай тўлиқ ассимиляциясида товушлар ҳам артикуляция ўрни, ҳам артикуляция усули жиҳатидан, солдат > соллат тўлиқ ассимиляциясида товушлар ҳам артикуляция усули, ҳам акустикаси жиҳатидан фарқли бўлган.

Тўлиқсиз ассимиляцияда сўздаги маълум товуш иккинчи бир товушни ё артикуляция ўрнига, ё артикуляция усулига, ё акустикасига кўра бир хил қилиб олишидир. Масалан, сунбул > сумбул, танбал > тамбал, ўн беш > ўм беш, кетин > кетин каби ассимиляцияларда товушлар фақат артикуляция ўрнига кўра: оқшом > охшом, тўқсон > тўхсон, ёқ на > ёхна, иччам > иччам, ахта > а.та каби ассимиляцияларда товушлар фақат артикуляция усулига кўра; автор > афтор, судхур > сутхур, бек+зода > бегзода каби ассимиляцияларда товушлар фақат акустикага кўра бир хил бўлиб олган.

Ассимиляция ўзлаштирувчи ва ўзлашувчи товушларнинг сўздаги ўзаро тутган ўрнига қараб ҳам икки кўринишга бўлинади: прогрессив ассимиляция ва регрессив ассимиляция.

Прогрессив ассимиляция (илгариларда ўзлаштириш)да ўзлаштирувчи сўздаги товуш ўзлашувчи товушга nisбатан аввалги ўринда ўрнашган бўлади. Масалан, ош+ни > ошши, лом+ни > ломми, тавоа > товва, навбат > новвот кабиларда аввалги товуш таъсири билан кейинги товуш бир хил бўлиб олган. Яна кетин > кетин сўзидаги ассимиляцияда ҳам сўздаги I= товуш таъсирида учинчи товуш ҳам артикуляция ўрни, ҳам акустикасига кўра бир хил бўлган.

Регрессив ассимиляция (қайтма ўзлаштириш)да сўздаги ўзлаштирувчи товуш ўзлашувчи товушга nisбатан кейинги ўринда ўрнашган бўлади. Масалан: новвой > новвой, бўни > бунни, йититча > йититча, танбур > танбур, ахтар > ақтар кабиларда кейинги товуш аввалги товушни ўзи билан е бутунлай, ё маълум жиҳатдан бир хиллаштириб ол-

ган.

Ассимиляция сўздаги ўзлаштирувчи ва ўзлашувчи товушларнинг ўзаро ёндош жойлашгани ёки ёндош жойлашмаганига қараб икки кўринишга бўлинади: контакт ассимиляция ва дистант ассимиляция.

Контакт ассимиляция (ёндошма ўзлаштириш) да ўзлаштирувчи товуш ўзлашувчи товуш билан сўз таркибида ёндош жойлашган бўлади. Ўқорида асосан контакт ассимиляцияга мисолларини келтириб, ассимиляция кўринишларини таҳлил қилган эдик. Масалан, бирта > битта, маҳкам > мақкам, тавба > товба каби тўлиқ ассимиляциялар; нуҳсон > нухсон, автол > афтол каби тўлиқсиз ассимиляциялар; тақдир > тақтир; дўмди > дўмми каби прогрессив, ўрни > ўнни, ақча > ахча каби регрессив ассимиляциялар контакт ассимиляциялар ҳисобланади.

Дистант ассимиляция (масофали ўзлаштириш) да ўзлаштирувчи товуш билан ўзлашувчи товуш сўз таркибида ёндош жойлашмай, улар орасида айрим товушлар ҳам бўлади. Масалан, кетин > қегин, Сирчиқ > Чирчиқ кабиларда ассимиляция сўзнинг бўғинлари бошидаги товушлар ўртасида бўлган. Биринчи сўзда ўзаро таъсир этувчи сўзлар ўртасида бир товуш, иккинчи сўзда икки товуш мавжуд.

Сингармонизм сўздаги унлиларнинг ўзаро бир хиллашиши, яъни уйғунлашишидир. Сингармонизм икки нуктаи назардан бўлиши, яъни сўздаги унлилар икки нуктаи назарга кўра ўзаро бир хиллашуви мумкин. Шунга кўра икки кўринишга бўлинади: палатал сингармонизм ва лабиал сингармонизм.

Палатал сингармонизм: атамаси ўрнида ўзбек тилида танглай сингармонизми ва лингвал сингармонизм атамалари ҳам қўлланади. Палатал сўзи латинча *palatum* сўзидан олинган бўлиб, "танглай" маъносини беради. Палатал сингармонига кўра унлилар уйғунлашуви ё кимпоқ танглай, ё қаттиқ танглайди бўлади. Масалан, йртоқ, тармоқ, қўлқ, ташқар, қўйшқ каби сўзларнинг унлилари фақат кимпоқ танглайга хос, яъни орқа қатор унлилар ҳисобланади. Яна кечки, чқари, кечмак, йерга каби сўзлардаги унлилар фақат қаттиқ танглайга хос, яъни олди қатор унлилардир. Бу мисоллар Анджон шева-сида бўлган, профессор С.Иброҳимовдан олинди. Яна биз профессор Ф.Абдуллаев ўзга диалектидан ёзган олган мисолни ҳам келтиришимиз мумкин: ба:вара, барсанъ йузйй эққалд, йузйй амес, чатма йузйй эққалд. Бу гапдаги 1, 2, 7 = сўзлардаги унлилар орқа қатор 3, 4, 5, 6, 8, = сўзлардаги унлилар олди қатордир.

Палатал сингармонизм сўзлардаги фақат унлиларгагина хос деб

бўлмайди. У ундoshларда ҳам ўз аксини топган. Агир бўлдиги унлилар орқа қатор бўлса, ундаги ундoshлар ҳам асосин чуқур тил орқа эканлиги кузатилади. Масалан, қышқ, ташқар каби сўзларнинг илиси орқа қатор бўлгани учун бу сўзларда чуқур тил орқа қ ундosh ҳам бор. Яна қечмек, йергек, қар каби сўзларнинг унлилари олди қатор бўлгани учун унинг ундoshлари ҳам асосан тил орқа ёни тил олдиدير.

Етакчи шаҳар шеваларига асосланган ўзбек адабий тили гарчи носингармоник ҳисобланса ҳам, унинг деярли шевалари: ўғиз ва қипчоқ шевалари тўлаллиги билан, қарлуқ шеваларининг Юдий вилоятларидагилар сингармонистик деб қаралади.

Лабиал сингармонизм атамасидаги лабиал қисми лотинча *labium* сўздан олинган бўлиб, у "лаб" маъносини беради. Сингармонизмнинг бу лабланишга асосланган кўриниши ўзбек адабий тилигина эмас унинг шеваларида ҳам ёқут, тива, ханас, қирғиз, олтой, шор, туркман, қорайим тилларидаги каби изчил эмас. У қипчоқ шеваларида маълум даражада кузатилади. Масалан: оруң, оттуз, оғун, журу, ўбун, музу ва ҳогазо. Бу мисоллардаги биринчи тўрт сўзда тил орқа лабланган унлилар, кейинги икки сўзда тил олди лабланган унлилар уйғунлашган. Кўринадики, лабиал сингармонизм палатал сингармонизм билан мутаносиб ҳолда содир бўлган.

Диссимиляция сўздаги икки эйр хил товущдан бирининг бошқа товущга ўзгаришидир. Бу ҳодиса ҳақида гап кетар экан, турган гапки, сўздаги унлилар ҳам, ундoshлар ҳам назарда тутилади. Бироқ туркий тиллар сингармонизмга мойил бўлгани учун, ўзбек тилида унлилар диссимиляцияси ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ўзбек тилида фақат ундoshлар диссимиляциясига мисол кўрсатиш имконияти бор: олдоқ > обдо, иттифоқ > интифоқ каби. Бироқ бу ҳам қонуният ҳолида эмас, жувтий ҳодиса сифатида қайд этилади. Унга бошқа мисол келтириб бўлмайди. Айрим шевабиётларда тақроқ > тақроқ, ахроқ > ахроқ, қароқ > қароқ, қаридоқ > қаридоқ каби мисоллар келтирилади. Бироқ булар диссимиляция эмас, редукциядир. Шунинг учун ҳам сўз охирида содир бўлган. Сўз охиридаги товущ артикуляцияси куҳсизланади. Яна қиёс қилинг: дучоқ > дучоқ, шунқоқ > шунқоқ, ишқоқ > ишқоқ, девоқ > девоқ каби. Бу ўринда сонантнинг жұфта йўқ.

Аккомодация сўздаги унлининг ундoshга ёки ундoshнинг унлига мослашиб ўзгаришидир. Кўринадики, аккомодация икки кўринишда бўлади: унлилар таъсири билан, ундoshлар таъсири билан.



Сўздаги унлининг ундوشга таъсир этиши орқали аккомодация содир бўлиши ундешларнинг сирғалувчига ўтиши билан юзага келиши мумкин: қидик+и > қидиғи, работ > равот, обод > овот каби; жаранглилаши билан ҳам юзага келиши мумкин: тирак+и > тирағи, кесак+и > кесағи каби. Унлига ундеш артикуляция ўзини мослаштириши, яъни сингармонизм билан алоқадор ҳолат билан ҳам содир бўлади: тузик > тузув, сучик > сучув, узук > узув каби. Бу мисоллардаги унли ҳам, унга мосланган в ундеш ҳам лаб товуши.

Сўздаги ундешнинг унлига таъсир этиши орқали аккомодация содир бўлар экан, бу ҳам палатал сингармонизм билан алоқадор ҳолатда кечади. Масалан: търнә+к > търноқ, шдә+в > шдөв, арак > ароқ каби. У лабиал сингармонизм билан алоқадор ҳолатда ҳам кечади: ўқи+в > ўқув, тўқи+в > тўқув, чўқи+в > чўқув каби.

Умлаутлашиш кўп бўғинли сўзларнинг унлиларидаги оғизнинг очилишига кўра ўзаро мослашувдир. У кўпроқ кенг унлиларнинг торайиши ҳисобига содир бўлади. Бунинг устига регрессив ҳолатда кечади. Масалан: эшик > иши > ишик, шоди > шеди, навр > незир, ёш+и > йўши каби. Бу мисоллардаги кейинги унли тор бўлиб, аввалги унлига таъсир этган ва унинг ҳам маълум даража тор унлига айланишига ёки ўзи билан бир хил тор унли бўлишига олиб келган. Умлаутлашиш сўздаги унлилар бир йўла кенг бўлиши билан ҳам кечади. Аммо у жуда кам учрайди: девона > дована, зўхра > за:ра, дўкон > докон, девор > довол сўзларидаги каби.

Умлаутлашиш Наманган областидаги айрим район шеваларигагина хос бўлиб, бозқа шеваларда маълум сўзлардагина учраши мумкин. Масалан, Ташкент шеvasидаги яғи > енги сўзига умлауш.

Назаллизация унлилар артикуляциясида бурунда ҳосил бўлган резонатор тонни қўшиб талаффуз этишидир. Бу асосан бурун сонантлари билан ёндеш қўлланган унлиларда кузатилади. Чунки аввалги бурун сонанти артикуляцияси рекурсияси билан унли артикуляцияси экскурсияси айнанигида сонантдан унлига бурун резонатор тони ўтади. Масалан, нон, нақт, нур, нима каби сўзларда бу кузатилади. Аммо у унча сезиларли даражада эмас. Наманган шеваларида у аниқ билинади. Айниқса, уни болалар тилида яққол кузатиш мумкин. Улар ниңни сўзи унлиларини тўла назализация билан талаффуз этадилар.

Товушларнинг нутқ кенимида ўзаро мосликка кўра ўзгариши, яъни ассимиляция, диссимиляция, аккомодация, умлаутлашиш, назализация ҳолисаларининг барчаси комбинатор ҳолатдаги торувч ўз-

ғаришидир. Бу ҳодисаларнинг барча кўринишлари ҳам қайд этилган ҳолатдан четда бўлиши мумкин эмас. Ҳодисаларнинг мантқиқи шунга тақоза этади.

### Нутқ товушларининг урчиши

Нутқ товушларининг урчиши фақат позицион ҳолатда содир бўлади. У бир неча кўринишларда юзага чиқади. Бу кўринишлар: жаранглилашиш, сирғалувчанлашиш, парчаланиш, қулай артикуляция ўрнига кўчиш, "...лашиш кабилардан иборат.

Жаранглилашиш сўз бошидаги жарангсиз портловчининг жаранглига кўчиши билан бўлади. Масалан, дич > бич, пуз > буз, товуш > довуш, туппи > дўппи ва ҳоказолардир. Бу мисолларнинг биринчи иккитаси адабий тилда ҳам ўз ўрнини топган. Улар етакчи шаҳар шевалярига асосан олинган. Кейинги икки мисол ҳам шундай энанлитига қарамай, адабий тилда акс этмаган.

Жаранглилашиш фақат лаб ва тил олди унлошларида кузатилади. У тил ўрта, тил орқа ва чуқур тил орқа товушларида бўлмайди. Чунки ўзбек адабий тилида бу артикуляция ўрнига етга жарангли портловчи сўз бошида қўлланмайди. Фақат X разм шевасида кел > гал, кўр > гўр, куч > гуч кабилар учрайди.

Сирғалувчанлашиш сўз бошидаги ёки охиридаги портловчиларда кечиб, улар адабий тилда асосан чуқур тил орқа портловчисига хос. Масалан: қал > қол > қол, қатин > хатин > хотин, қачқир > қачид > хачқир каби. Лаб ундошининг сирғалувчанлашиши асосан Тошкент шевасида кузатилади. Масалан: бўд > вўд, бер > вер, бош > вош сўзларидаги каби. Тошкент шевасида бу ҳодиса 1930 йилларгача анча актив бўлган. Кейин у адабий тил таъсирида санокли сўзлардагина ўз исини сақлаб қолган.

Сўз охиридаги товушнинг сирғалувчанлашиши ҳам адабий тилда асосан чуқур тил орқа портловчисига хос. Масалан: сиқ > сиҳ, боқ > боҳ, ўқ > ўх, йўқ > йўх, оқ > оҳ сўзларидаги каби. Булардан биринчиси адабий тилда акс этган бўлиб, қолганлари фақат шеваларда қайд этилади.

Парчаланиш фақат қоришиқларга хос бўлиб, бунда улар: рикбида бирор қисм тушиб қолиши ва фақат бир қисми билан қўлланishi кузатилади. Қоришиқларнинг парчаланиши сўз бошида ҳам, охирида ҳам бўлади. Сўз бошидаги қоришиқларнинг парчаланишгина ўзбек тилидаги мавжуд ч, ж, ц қоришиқларининг ҳаммасида ҳам кўриш мумкин. Маса-

лан: чиэ > тиз, чoш > тош, чиш > тиш, Чуст > тус; жим > дим, жавдира > давдира; пех > сех, циркуль > сиркуль каби. Бу мисолларнинг 4, 7, 8-ларигина адабий тилда Уз ўрнини топмаган.

Ауслаутдаги аффрикаларнинг парчаланishi ўзбек тилида фақат ч қоришиги доирасидагина учрайди. Масалан: чoч > чош, қoч > қoш, уч > уш, дух > душ, кeч > кeш, eч > eш каби. Суз охиридаги бу ҳодиса адабий тилда деярли уз аксини топмайди. Юқоридагилардан фақат сўнггисини адабий тилда қайд этилган.

Қулай артикуляция ўрнига тўчиш сўздаги маълум бир товушнинг суз талаффузи учун қулай артикуляция ўрнидаги товуш билан алмашинишидир. У бир неча кўринишларда взага чиқади. Чуқур тил орқа ва тил орқа товушларининг артикуляциясидан кўра лаб ёки тил олди товушлари артикуляцияси қулаирок бўлади. Бундай ҳолда улар ўрин алмашishi мумкин. Масалан: ўнг > ўн, тўнг > тўн, қўнг > қўн, сўнг > сўн каби сўзларда тил орқа ва чуқур тил орқа сонантлари тил олди сонанти билан алмашди. Яна суғ > сув, тоғ > тов, қилдоқ > қиллов сўзлари охирида чуқур тил орқа ундоши лаб ундошига узгаради. Айрим қоришиқлар парчаланганда сақланган қисм артикуляцияси сўз талаффузида ноқулай бўлади. У қулай артикуляцияни товуш билан алмашади. Масалан, чoч > сoч, чyчи > сyчи, чинчалақ > синчалақ, чачра > са ра сўзлари бошидаги ч қоришиги парчаланиб, шипилдоқ қисми қолган ди. У шу артикуляция ўрнида сирғалув и товушга ўтди. Четдан қабул қилинган сўздаги ўзбек тилига хос бўлмаган товуш артикуляцияси яқин товуш билан алмашishi мумкин: цар > чор каби.

"й"лашиг бoлқe бирор ундошнинг урчиш кечими сўнггида "й" ундошига ўтишидир. У сўз бошида ҳам, охирида ҳам кузатилади. Суз бошидаги ч, ж, д, н ундошлари "й"лашади. Масалан: чақ > йoқ, жун > йун, жўк > йўк, жур > йур, дy-ала > йумала, нан > йон каби. Турган гапки, ч ва ж қоришиқлари "й"лашар экан, у тургидан=тўғри кeчмайди. Бунгача жаранглилашиш ва парчаланиш кeчиб, ж шипи. доғи орқали "й" товушига ўтади. Суз охиридаги к, з, в, г ундошлари "й"лашади. Масалан: кичик > кичий, тирақ > тирай, ёз > ёй, суз > суй, сев > суй, ув > уй, таг > тай, туг > туй, эг > эй сўзларидаги каби. Булардан к портловчисини "й"лашиги эса фақат кўп бўғинли сўзларнинг бошида содйр бўлади.

#### Редукция :

Редукция (кучсизланиш) сўзлардаги айқим товуш артикуляцияси

кучсиз бўлишидир. Бу билан боғлиқ ҳолда баландлиги пасайиши, қисқа вақт олиши, сифатининг йўқолиши ва баъзан ун ҳам берилма-лиги билан кузатилади. Редукциянинг товуш кучининг пасайиши оқиб-ли юзага келиши утлақо урғусиз бўғинлардаги унлиларда бўлади. У кўпроқ қўфт бўғинларда қайд этилади. Масалан, к<sup>И</sup>ут<sup>И</sup>ча, к<sup>И</sup>уш<sup>И</sup>қи<sup>И</sup>, к<sup>И</sup>уш<sup>И</sup>ғи, бола<sup>И</sup>лар > бола<sup>И</sup>лар, маъноси > маъ<sup>И</sup>н<sup>И</sup>си каби сўзлардаги иккин-чи бўғин унлиси урғусиз ва шунинг учун кучсиз талаффуз этилган. Яна тов<sup>И</sup>ш, сар<sup>И</sup>ч, о<sup>И</sup>қ, сар<sup>И</sup>ғ каби биринчи бўғин унлиси кенг, ик-кинчи бўғин унлиси тор бўлса ҳам, тор унли редукцияга учрайди. Редукция сўз бошида жаранглининг жарангсизланиши: к<sup>И</sup>ито<sup>И</sup>б > к<sup>И</sup>ито<sup>И</sup>ц, озод > озот, хорог > хорок сўзларидаги каби; жарангсизнинг қисқа жаранглига ўтиши: куза<sup>И</sup>к > куза<sup>И</sup>к, керак > к<sup>И</sup>ера<sup>И</sup>к, қишлок > к<sup>И</sup>иш<sup>И</sup>ло<sup>И</sup>к, қутлик > қут<sup>И</sup>ли<sup>И</sup>к каби билан кечади. Редукция позицияси ҳолатдаги то-вуш ўзгаришидир.

#### Нутқ товушларининг тушиши

Нутқ кечимида у уз материе и бўлган товушни тежаб сарфлайди. Шу нутқ, тежами, товушнинг нутқда тушиши – диереза деб ҳисобланади. У турли сабабларга кўра намоён бўлади: сўзда Урнавиш ўрнига кура, сўзнинг қушиб талаффуз этилишига кура. Товушнинг сўздаги ўр-нига кура тушиши анкопа, синкопа, апокопалардан иборат.

Анкопа сўзнинг бosh товуши тушишидир. Бу кўпроқ товуш урчиши натижасида юзага чиқади. Улар "й"лангандан кейин тушиб қолиши ҳам мумкин. Масалан: йиринг > иринг, йирок > ирок, йогоч > огоч, чирк > йирк > ирк, йилон > илон сўзларидагига ухшаш. Товуш урчиши в сирғалувчиси орқали ҳам нотга тенг келиши, яъни тушиб қолиши мумкин. Бу р > в, д > б > в тараққиёти орқали юзага чиқади: бўл > вўл > ўл, бўл > вўл > ўл > у каби. Тил ўрта сирғалувчи ҳ анилаути ҳам анкопага учрайди: ҳилвир > илвир, ҳил > ил сўзларидаги каби. Анкопа четдан сўз қабул қилиш кечимида уз лексикада йўқ товушни тушириш орқали ҳам намоён бўлади. Масалан, ишк, азоб, амал, аҳд, умр сўзлари а, ҳ б тилида ғ (айн) ундоши бил и бошланар эди.

Синкопа сўзнинг ўртасидаги товушлардан бири ёки бир нечаси ту-шиб қолишидир. У бир неча сабабларга кўра содир бўлади: 1) Сўздаги урғусиз бўғиннинг кучсизланиши натижасида унли синкопага учрай-ди. Масалан, ўғил+и > ўғ<sup>И</sup>ил<sup>И</sup>; ўғил, товуш+и > тову<sup>И</sup>ш<sup>И</sup>; товуш, кут<sup>И</sup>ча кучча сўзларидаги иккинчи бўғин урғусиз бўлгани учун тушиб қолган. 2) Сўздаги катор ундошдан бирини йўқолишига уриниш сабабли синкопа

кузатилади. Масалан: кўри+ли > кўркли > кўкли > кўкли, арслон > аслон, орт > от, олтмиш > отмиш сўзларида қатор ундошдан бири синкопага учраган. 3) Куп бўгинли сўзлардаги унлиларо ундошлар ҳам синкопага учраши мумкин. Масалан: ўғил > ў:л > ул, бағир > б:р > бар, ува+н > уван > у:н > ун, ув+ин > увин > у:н > ун кабиларда унлиларо ундошнинг синкопага учраши, икки бўгиндаги унлининг контакт келиб, бир бутун чўзг'ч унли ҳосил бўлиши ва у ҳам қисқаришига олиб келган.

Апокопа сўзнинг схиридаги товушнинг тушиб қолишидир. Бу ҳодиса икки сабабга кўра содир бўлади: 1. Сўз охирида қўш ундош қўллангани ва ундан қўтилишга уриниш апокопага олиб келади. Масалан, баланд > балан, гўшт > гўш, хурсанд > хурсан, ғишт > ғиш, фарзанд > фарзан, пайванд > пайван сўзларининг охиридаги қўш ундошдан кейингиси апокопага учраган. 2. Куп бўгинли сўзларнинг охириги бўгиндаги урғуга куч бериш сабабли сўнги ундош апокопага учрайди. Масалан, қизлар > қизла:, обруй > обру:, насовой > насо:, ҳамроҳ > ҳамро:, олдох > олдо:, тувоҳ > туво: сўзларининг кейинги бўгинига урғу тушган ва шунинг учун уларнинг охириги товушида апокопа содир бўлган. Апокопа ҳодисаси барча ҳолатларда ҳам фақат жонли тилга хосд'р.

Галлология сўздаги икки бир хил фонетик тузилишли бўгиндан бирининг тушиб қолишидир. Бу ҳодиса товушнинг сўздаги ўрнига кўра кечмайди, балки у композиция усули билан сўз ясаш кечимида юзага келади. Масалан, қайн ва ини негизла:да сўз ясалар экан, қўшма сўзнинг 2= ва 3= бўгини бир хил ни ҳолида ундош+унли тузилишига эга бўлади ва булардан бири галлологияга учрайди, яъни: қайн+ини > қайнини > қайни каби. Бу мисол гарчи адабий тил норма-сида акс этган бўлса ҳам, галлология адабий тил доирасида деярли учрамайди, у асосан диалектал ҳолда кўплаб кузатилади. Масалан: катта+ота > каттаота > каттата > қатта, қайн+она > қайнан > қайна. оппоқ+дада > оппоқдала > стоқда. Анна+биби > Аннабиби > Аннаби, Муҳаммад > Маҳаммад > Мамад > Мат ва ҳока: оларга эътибор бериш мумкин.

Товушнинг нутқда тушиб қолишининг бу кўринишлари фақат позиция ҳолатда содир бўлади.

Нутқ товушининг тушиши сўзларнинг сандхи (қўшиб) қўлланишидаги кечишига кўра икки кўринишда бўлади: афирезис ва элизия.

Аф.резис сандхи қўлланган икки сўздан биринчисининг охириги товуши таъсирида иккинчисининг олд қисми тушишидир. Бу ҳодиса

Ўзбек адабий тили нормасида а билан туговчи киши номлари кетидан уруғ номи қўшиб қўллаганда қайд этилади. Масалан: Карима опа > Каримапа, Тухта ота > Тухтата, Кенжа она > Кенжана каби. Атоқли отлар урнида атамалар қўлланса ҳам ш. кузатилади, яъни мулла икка > муллака, катта ота > каттата каби. Яна бу ҳодиса ушли билан тугаган от ёки олмош ушли билан бошланган кўмакчи феъл билан сандхи қўлланганда ҳам содир бўлади. Масалан, не учун > нечун, ручка ила > ручка=ла, тола эмас > боламас каби. Шунингдек, қол ичинг > қ'ичинг каби кейинги сўзнинг биринчи и унлиси навбалги оуни-нинг й ауслаути тушиши ҳам ўзбек тилида бор, бироқ битта.

Элизия сандхи қўлланган икки сўздан биринчисининг сўнгги унлиси иккинчисининг бош унлиси таъсирида тушишидир. Бу ҳодиса а формантли равишда билан очиқ бошланган кўмакчи феъл сандхи қўлланганда қайд этилади. Масалан: кўра олмоқ > кўролмоқ, ола олмоқ > ололмоқ, чиқа олмоқ > чиқолмоқ каби. а формантли равишда мустақил маъноли феъл қўшилганда ҳам шу ҳолни кузатилади. Масалан: ола отмоқ > олотмоқ, тура ўрмоқ > турурмоқ каби. Объектли бирикмаларнинг от компонентини тор унли билан тугаб, феъл компонент нисбатан кенг унли билан бошланса ҳам, улар сандхи қўлланади ва элизия содир бўлади. Масалан: қайчи ўрмоқ > қайчурмоқ, кўзи олмоқ > кўзолмоқ, сабзи арчмоқ > сабзарчмоқ, шоли ўрмоқ > шолўрмоқ каби. Аф. ювчилик бирикмаларнинг тобе компоненти тор унли билан тугаб, ҳоким компонент кенг унли билан бошланса ҳам, улар сандхи қўлланади ва элизия намоён бўлади. Масалан, эски айри > вскайри, қари эшак > қарешак, танги одам > тантодам каби.

Афирезис ва элизия ҳодисалари комбинатор ҳолатдаги товуш ўзгариши бўлади.

### Нутқ товушини сўзда орттириш

Нутқ товуши сўзда орттирилиб, у асосан ўзлашган лексикада кузатилади. Нутқ товушини орттириш сўздаги урнига кўра уч кўринишга. Улар протеза, эпентеза, аустезадан иборат.

Протеза сўз бошида товуш орттиришидир. У сўз бошида унли орттириш билан кузатилади. Сўз бошида унлини орттириш четдан қасул қилинган сўз ўз лексикага оид сўзларга хос бўлмаган товуш билан бошланганда кузатилади. Масалан, рус > урус, рўмэл > уруэл, д, ризк > крис, ор > анор, дой > идой сўзларидаги каби. Бу мисоллардаги сўзлар й билан товушлари билан бошланган. Ўз лексикага оид сўзлар бу товуш-

лар билан бошланмайди. Четдан қабул қилинган сўз қатор ундош билан бошланганда ҳам, қатор ундошни йўқотиш учун, ундан аввал унли орттирилади. Масалан, стадион > истадиён, стол > устол, штраф > иштраф сўзларидаги каби.

Эпентеза сўз ўртасида товуш орттиришидир. У сўз ўртасида унли орттириш билан ҳам, урчош орттириш билан ҳам кузатилади. Сўз ўртасида унли товуш орттириш, оқатда, сўз қатор ундош билан келганда қайд этилади. Масалан, брус > бурус, буро > буура, бюст > бууст, группа > гур, ппа, клуб > кулуб, клубник > кулубнай, плуг > пудук каби. Айрим ҳолларда сўз қўш ундош билан тугаши ва бу қўш ундош ўзбек тилига хос (1= товуши н, с, р ва 2= товуши жарангсиз) бўлмаслиги мумкин. Бунда унинг бир ундоши апокопага учрамай, улар ўртасида унли орттирилади. Масалан, фирма > фимир, исм > исим, идм > идим каби. Сўзда унли товушларнинг ёндош қўлланишини йўқотиш учун улар ўртасида ундош орттирилади. Масалан, атеист > атеюис, реактив > реаятив, реакция > реаяксия, оила > ойила, пойиз > пойюиз сўзларидаги каби.

Аустеза сўз охирида товуш орттиришидир. Бу ҳодиса асосан узлашган сўз қатор ундош билан тугаган бўлса, сўнгги ундошни ажратиб юбориш мақсадида унинг кетидан бир а орттириш орқали намоян бўлади. Масалан: киоск > кюеска, диск > диска, отпуск > отпуска, танк > танка, банк > банка каби. Аустезага учрайдиган сўзлар охиридаги қўш ундош ё ск, ё нк тузилишида бўлади.

Нутқ товушлари сўзда орттириш фақат позицион ҳолатдаги товуш ўзгариши ҳисобланади.

### Метотеза

Метотеза нутқда сўз бўғинлари ёки товушларининг ўзаро ўрин алмашилишидир. Ўзбек тилида сўз бўғинларининг ўрин алмашилиши учрамайди. Сўзлардаги товушларнинг ўрин алмашилишидан иборат метотеза икки шариҳга эга: контакт метотеза ва дистант метотеза.

Контакт (ёндош) метотеза сўздаги ёнма-ён товушнинг ўрин алмашилишидир. Масалан: тупрок > түрпөк, тебрат > терват, ўрғат > ўргат сўзларидаги каби. Бу метотеза кўриниб турибдики, икки бўғинли сўзнинг аввалги бўғин охиридаги ундош билан кейинги бўғин бошидаги ундош ўртасида кечади. Бу тур метотеза узлашган сўзларни ўзбек тилидаги сўз тузилишига мослаштириш кечмида ҳам намоян бўлади.

Масалан: дарё > дайра, Марил > Марлим > Майрим, ақвод > ақвол, ақвод > овқат каби.

Дистант (масофали) метотеза оулаги нисмум товушларнинг Урин алмашиши бўлиб, бу алмашувчи товушлар Уртасин бир ва унли ортос товуш ҳам кузатилади. Масалан: дайқоп > дайпоқ, кўғирчоқ > кўғирчоқ, мошгуручи > мочқуручи, мочқуручи > мочқуручи каби. Бу мисоллардаги дистант метотезалар ассимилятив қарантирда бўлган, яъни 1= ва 2= бўгин бошидаги товушлар бир хиллашиб олган.

Умуман, метотезанинг контакт кўриниши позициян ҳолатда қолди бўлса ҳам, дистант кўриниши комбинатор ҳолатда кечади.

### Нутқ товушининг чўзиқликка кўра ўзгариши

Нутқ товушларининг чўзиқликка кўра ўзгариши икки кутба эга: нутқ товушининг чўзиқликка утиши, нутқ товушининг ўз чўзиқлигини йўқотиши.

Нутқ товушининг чўзиқликка утиши тилчуқослиқда геминация дейилади. Геминацияга учраган товушлар гемиантлардир. Гемиантлар икки харф билан қайд этилгани учун уни икки товуш деб эмас, бир товушнинг чўзиқ ҳолати деб қараш керак. У икки сабабга кўра содир бўлади: 1. Белги билдирувчи сўзларга таъсирчанлик бериш учун яъни роса > росса, қизиқ > қиззи, тоза > тозза, энди > эннли, жуда > жудда сўзларидаги каби. 2. Қўшимча орттириш кечимида бир хил товушларнинг ёндош келиб қолиши ёки ассимиляция содир бўлиши орқали, яъни ёддан > ёддан, бодда > бодда, қонни > қонни, таққиз > таққиз, бошсиз > боссиз, болли > болли, сизни > сиззи, боғга > боққа сўзларидаги каби. Икки бир хил товуш ёндош қўлланганда доимо бирининг чўзиқ ҳолати шаклланади.

Нутқ товушининг ўз чўзиқлигини йўқотиши унлиларда ҳам, ундоларда ҳам кузатилади. Шунга кўра улар икки кўринишга бўлинади: дегеминация ва синерезис.

Дегеминация сўзда чўзи ундоларнинг ўз чўзиқлигини йўқотишидир. Бу эса гемиантларнинг фақат иккинчи сабабга кўра шаклланганларида кузатилади. Масалан, сизни > сиззи > сизи, кайер > кайер > каер, бирла > билла > билла; Дакка > дока, Мақка > маққор > маққор сўзларидаги каби. Белги билдирувчи сўзларга экспрессивлик бериш учун эзага келган гемиантларда эса дегеминация бўлмайди. Чунки унинг ўзи геминация содир бўлмаганининг ўзидир.



Синерезис сузда маълум нутқ ҳодисасига куоа кзага келиб қолган чўзиқ унлининг ўз чўзиқлигини йўқотишидир. Масалан, бағир > ба:р > бар, чақир > ча:р > чар > жар, ўғил > ў:л > ул каби интервокал ундоши синкопага учраб, ҳосил бўлган чўзиқ унли синерезисга учраши мумкин. Шунга ухшаш сандхи қўлданган икки сузда ёндош келиб қолган бир хил товуш чўзиқ унлини шакллантирган бўлса, у ҳам синерезисга учраши мумкин. Масалан, Мирзааҳмад > Мирзаҳмад, на айлай > найлай, Вафо ота > Вафота сўзларидаги каби.

#### Адабиёт

- Ҳозирги замон ўзбек тили / Ф. Камол таҳр. остида. Тошкент, 1957.  
 Решетов В. В. Узбекский язык. Ташкент: Учпедгиз, 1969. Ч. I.  
 Кононов А. Н. Грамматика современного узбекского литературного языка. М.-Л.: Наука, 1961.  
 Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1962, 1966, 1972, 1978.  
 Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1965, 1975.  
 Ҳозирги ўзбек адабий тили / Ғ. Абдураҳмонов таҳр. остида. Тошкент: Фан, 1936, I китоб.  
 Ҳозирги ўзбек адабий тили / Ш. Шоабдураҳмонов, Ғ. Абдураҳмонов, А. Ҳожиёв таҳр. остида. Тошкент: Ўқитувчи, 1980.

МУНДАРИЖА

ФОНЕТИКА .....	4
НУТҚ ТОВУШЛАРИ .....	5
/ Нутқ товушлари асослари .....	5
Нутқ товушининг акустик асоси .....	5
Нутқ товушининг биологик асоси .....	11
Нутқ товушлари таснифи .....	17
СИЛЛАБИКА .....	16
Бурин нима .....	16
Бурин тузилиши .....	37
Нутқнинг буринга ажралиш хусусиятлари .....	38
Буринларнинг тузилиш таркибига кўра турлари .....	40
Буринларнинг тузилиши хусусиятига кўра турлари .....	43
Бурин ва ҳижо .....	45
АКЦЕНТУАЦИЯ .....	50
Суэ ургуси .....	50
Синтагма ургуси .....	55
Айрув ургуси .....	57
ИНТОНАЦИЯ .....	62
Гал тезлиги .....	63
Галларда пауза .....	66
Гал оҳанги .....	70
НУТҚ ТОВУШЛАРИНИНГ УЗГАРИШИ .....	74
Нутқ товуши тараққиётдаги микдорий узгариш .....	76
Товушларнинг нутқ кечимида узаро мосликка кўра узгариши .....	76
Нутқ товушларининг урчиши .....	81
Редукция .....	82
Нутқ товушларининг тушиши .....	83
Нутқ товушининг сузда ортириш .....	85
/ Метотеза .....	86
Нутқ товушининг ҳузурликка кўра узгариши .....	87
Адабиёт .....	111


185e

C

vy

my

u



2